

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ

ИЛМИЙ – ТАҲЛИЛИЙ
АХБОРОТ

النشرة
العلمية التحليلية

SCIENTIFIC – ANALYTIC
BULLETIN



Таҳрир хайъати:

Абдуллаев Р.В.
(бош муҳаррир)
Мамадалиева Н.С.
(масъул котиб)
Абдуллаев А.Б.
Абдуҳалимов Б.А.
Акмалов Ш.И.
Алимов А. А.
Аъзамхўжаев С. С.
Иброҳимов Н.И.
Исломов З.М.
Мансуров А.Д.
Очилдиев А.С.
Уватов У.М.
Ҳасанов А.А.



© «Тошкент ислом университети»
нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2009.

МУНДАРИЖА

Сўз боши	3
Абдуллаев Р. Дунёвий ва диний кадрятлар уйғунлашган маскан	4
Қўшаев У. Барқарорлик ва тараккиётнинг зарурий шарти	8
Очилдиев А. Моддий маданиятнинг ижтимоий -тарихий моҳияти	12
Камилов К. Диний глобаллашувнинг мазмун ва моҳияти	15
Талабов Э. Араб адабий тили ривожига ўзга тиллар таъсири масаласи	18
Мухтаров Т. Структура и композиция рукописной книги на востоке	21
Юлдашева Л. Абу Райхон Берунийнинг “Ҳиндистон” асарида қўлланган киёсий таққослаш усулининг аҳамияти	23
Даминов И. «Имом» тушунчасининг тарихий- этимологик мазмуни ва ижтимоий моҳияти	28
Усмонов И. Ҳаким Термизий ва нақшбандия тариқати	31
Аҳмедов Б. Абу Бакр Розийнинг ҳаёти ва илмий мероси	34
Каримова С. Хожа Муҳаммад Порсо ва унинг илмий мероси	36
Абдушукуров Б. “Қисаси Рабғузӣ” асаридаги хитойча ўзлашмалар	38
Мирзаева Д. Меҳнатсеварлик – ахлокий кадрят мезони	40
Каримова Д. Ўзбекистон Республикасида бола ҳуқуқлари кафолатларининг айрим жиҳатлари	42
Турдиева Д. Индонезияда мусулмон диний таълим тизими	46
Холиқулов А. XIX — XX аср бошларида Қашқадарё воҳаси бекликларининг маъмурий тузилиши ва маҳаллий бошқарув	48
Тўхтабеков К. XIX аср охири — XX аср бошларида Туркистон ўлкасида Россия империяси солиқ сиёсатининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётга таъсири ..	52
Усманов Б. Ислом динида табиат муҳофазаси масаласи	55
Халилова З. Манғитларнинг этник тарихи ва шаклланиши	58
Расулова З. Оила мустаҳкамлигида никоҳгача учрашувнинг аҳамияти	61

СЎЗ БОШИ

2009 йил 31 август тонгида пойтахтимиздаги “Шаҳидлар хотираси” хиёбонида халқимизнинг озодлиги ва мустақиллиги йўлида қурбон бўлган марҳумларни ёд этиш мақсадида ўтказилган маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов Ўзбекистон мусулмонлари идораси раҳбарияти, уламолар, маҳалла фаоллари ва зиёлилар билан бўлиб ўтган суҳбат чоғида қуйидаги фикрларни билдирди: “Биз ҳаммамиз тинчликни истаймиз, тинчликни орзу қиламиз, лекин тинчлик учун курашиш керак, бу ёруғ ҳаётни, фарзандларимизнинг келажагини, уларнинг беғубор кулгисини ҳар қандай хавф-хатарлардан асрашимиз лозим. Мана шундай муҳим, бугунги кунимиз учун ғоят долзарб фикрларни одамларга етказиш, бугунги эмин-эркин ҳаёт, тўқинлик ва фаровонлик ўз-ўзидан бўлмаётганини тушунтириш зарур”.

Юртбошимизнинг ушбу мулоҳазалари ҳушёрлик ва огоҳликка, тинчликнинг қадрига етишга ундайди. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, уруш ва низолар инсоният бошига оғир кулфатларни солмоқда. Дунёнинг турли нуқталарида содир этилаётган қўпоровчилик ва бузғунчилик ҳаракатлари барқарорлик ва осуда ҳаётни издан чиқармоқда. Ана шундай шароитда юртимизда тинчликнинг таъминлангани ва мамлакатимиз томонидан халқаро майдонда хавфсизлик ва барқарорликка эришиш йўлида олиб борилаётган кенг кўламли ишлар кишида юксак фахр-ифтихор уйғотиши, табиий.

Илмий-таҳлилий Ахборотнинг ушбу сониди ана шу ҳақиқатни янада теранроқ ва чуқурроқ англаб етишга хизмат қиладиган мақола муштарийлар эътиборига ҳавола этилмоқда.

Шунингдек, бюллетень саҳифаларидан Тошкент ислом университети фаолиятининг муҳим қирралари, жаҳон илм-фани ривожига бекиёс ҳисса қўшган буюк мутафаккир алломаларнинг ҳаёти ва фаолияти, бебаҳо илмий меросига оид мақолалар ўрин олган. Шу жумладан, юртимиз тарихининг айрим жиҳатлари ёритилган ҳамда фалсафий, ҳуқуқий, филологик мазмундаги, диншунослик масалаларига доир мақолалар ўқувчиларимизга мақбул ва манзур бўлади, деган умиддамиз.

БОШИ МУҲАРРИР



ДУНЁВИЙ ВА ДИНИЙ ҚАДРИЯТЛАР УЙҒУНЛАШГАН МАСКАН

Юртимизда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштиришда миллий қадриятлар билан бир қаторда диний қадриятларнинг ҳам аҳамияти катта. Истиқлол йилларида халқимиз, айниқса, ёшларимизнинг буюк аجدодларимиз меросидан баҳраманд бўлиши, ислом динининг инсонпарварлик фалсафаси ва эзгу ғоялари ёшлар қалбидан жой олиши учун ҳукуматимиз томонидан шарт-шароитлар яратилмоқда.

Истиқлол шарофати ила бундан 10 йил муқаддам таъкил этилган Тошкент ислом университети қисқа фурсатда республикаимиз маънавий-маърифий, ижтимоий-маданий ҳаётида салмоқли ўрин эгаллади. Ушбу билим даргоҳи халқимизнинг муқаддас эътиқоди – ислом динига оид бой маънавий-маданий меросини тиклаш, буюк алломаларимизнинг диний-маърифий асарларини чуқур ўрганиш имкониятларини очди.

Юртбошимиз Ислом Каримов ташаббуслари билан Тошкентнинг кўҳна ва табаррук ёдгорликлари – Юнусхон, Шайх Хованди Таҳур мақбаралари жойлашган ҳудуд университет бинолари учун ажратилганини алоҳида таъкидлашни истардик. Шунингдек, 2008 йилда Президентимиз раҳбарлигида университетнинг янги замонавий ўқув биносининг барпо этилиши ёш авлоднинг ҳам дунёвий, ҳам диний билимларни эгаллаб, ҳар томонлама баркамол шахс сифатида вояга етиши учун замин ҳозирлади. Ўз навбатида, университетда шаклланган илмий-педагогик жамоа ёшларга аجدодларимиз меросига нисбатан ворислик ва умумбашарий қадриятлар руҳида таълим- тарбия бериш ишларини йўлга қўйди. Диний ва дунёвий фанларни уйғунликда ўрганиш, илмий-назарий ёндашиш тамойилларига асосланиб, бу соҳада илмий тадқиқотлар олиб боришга қодир малакали кадрлар тайёрлайдиган Тошкент ислом университети олдига масъулиятли вазифалар қўйилган. Ушбу мақолада университет фаолиятининг муҳим қирралари ҳақида қисқача тўхталиб ўтмоқчимиз.

ҚАДРИЯТЛАР – ДИЁНАТИМИЗ КЎЗГУСИ

XXI асрга келиб, жаҳон динларидан бири исломга қизиқиш кундан кунга ортиб бормоқда. Афсуски, бу қизиқиш орқасида исломни ниқоб қилиб ўзининг жирканч сиёсий мақсадларида фойдаланишга уринаётганлар ҳам борки, улар нафақат тинчлик ва барқарорликка, балки исломнинг софлигига ҳам катта таҳдид солиб турибди.

Диний экстремистларнинг ёвуз мақсадлари, бузғунчи ғоялари бизни доимо хушёр ва огоҳ бўлишга чақиради. Айниқса, муқаддас динимизни сохталаштиришга уринаётган турли мутаассиб кучларнинг ёвуз ҳаракатларининг олдини олиш, халқимиз, айниқса, ёшларимизни диний ақидапарастлик ва экстремизм ҳатаридан ҳимоя қилиш бўйича бир қатор хайрли ишлар амалга оширилмоқда.

2002 йил Самарқандда «Ислом ва дунёвий-маърифий давлат» мавзуидаги халқаро анжуманда иштирок этган олимлар “етмиш йиллик қувғинлардан сўнг илгари собиқ шўролар тасарруфида бўлган Марказий Осиёда ислом ўзига хос ренессанс даврини бошидан кечирмоқда. “Ғарбона қадриятлар” коммунистик тизимнинг интиҳоси оқибатида шўролардан кейинги маконда пайдо бўлган маънавий бўшлиқни тўлдира олмади” деган мазмундаги фикрларни билдириб, халқимиз миллий ва диний қадриятларига юксак баҳо беришди.

Дарҳақиқат, мазкур анжуманда эътироф этилганидек, халқимиз ўзининг минг йиллик урф-одатлари, бой анъаналари, бекиёс фазилатларига эгаки, булар ҳар қандай «қадриятлар»га йўл бериб қўймайди. Шу ўринда Юртбошимизнинг “Агар мендан, нега миллий қадриятларимиз шунча замонлар оша безавол яшаб келаяпти, деб сўрашса, бу – аввало, муқаддас динимиз ҳисобидан, деб жавоб берган бўлур эдим”, деган сўзлари бу ҳақиқатни яна бир қарра исботлайди.

Биз ушбу диний қадриятларни кундалик турмушимизда ҳам учратишимиз табиий. Хоҳ ёш, хоҳ кекса бўлсин, қандай ишга киришмасин ёки нимагаки муносабат билдирмасин, албатта уни Яратувчининг номи билан боғлайди. Яхши-ёмон кунларида худони эслаб, унга шукроналар келтиради, истиғфор айтади. Бу қадриятлар ислом динидан чуқур хабардор бўлмаган оддий инсонлар

учун ҳам соф туйғу ва эътиқод даражасига айланган десак муболаға бўлмайди. Президентимиз таъкидлаганларидек, “Бизнинг мусулмончилигимиз, Аллоҳга, динимизга муносабатимиз баъзи миллий қадриятларимизда ҳам яққол кўринадики, ҳар бир мусулмон юртдошимиз уларга беихтиёр риоя қилади”.

Айниқса, диёримизда миллий анъаналар диний қадриятлар билан уйғунликда ривожланиб ҳамда илм-фан, фалсафанинг юксак тафаккур намуналари билан бойиб, исломнинг назарий асосларини вужудга келтирди. Имом Бухорий, Имом Термизий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Бурҳониддин Марғиноний ва бошқа кўплаб алломаларимиз яратган қадриятлар маънавий ҳаётимиз ва дину диёнатимизнинг кўзгуси ҳисобланади.

Бугунги кунда диёнатимиз софлигини ҳамда динимизнинг эзгулик ғоялари ила суғорилган мазмун-моҳиятини асраш ва уни кишилар онгига сингдириш миллатимизга хос қадриятлар ва фазилатларни сақлаб қолишда ҳаётбахш куч бағишлайди.

Маълумки, Тошкент ислом университетида ўқиш жараёни дунёвий ва диний фанлар, барча ўқув-услубий йўналишлар бўйича давлат таълим стандартлари асосида олиб борилади.

Айни пайтда, ислом дини асослари, Қуръон ва ҳадис илмлари, ислом тарихи ва фалсафаси ҳамда аجدодларимиздан қолган ноёб манбаларни тадқиқ этиш, маълумотлар йиғиш, динлар ҳақидаги билимларни такомиллаштириш университет илмий-педагогик жамоасининг бош мақсадларидан биридир.

Университетда 2000 йилдан буён давлат ва жамоат ташкилотлари ходимлари учун малака ошириш курслари фаолият кўрсатиб келмоқда. Унда дин ва маънавият, миллий истиқлол ғояси, ислом ва диний экстремизм, ғоялар кураши, динлар тарихи, маънавият ва диншунослик асослари каби долзарб мавзуларда мамлакатимиздаги таниқли олим ва мутахассислар маъруза қилишади.

Муҳими, малака ошириш курсларида ҳозирги кунда исломнинг маърифий-ахлоқий аҳамияти ва унинг софлигини асрашга доир илмий тавсиялар берилади. Ўтган вақт давомида имом-хатиблар ва мадрасалар

В статье говорится об основных направлениях деятельности Ташкентского исламского университета. В ней имеются сведения об образовательном процессе, курсах повышения квалификации университета. А также, в статье говорится о деятельности и задачах исламского научно-исследовательского центра – сбор, исследование и введение в научное пользование огромного религиозно-духовного наследия, созданного нашими предками.

В статье также приведены сведения о кружках и научном обществе студентов, организованных с целью расширить знания и кругозор студентов Ташкентского исламского университета.

The article deals with the chief directions of activities of Tashkent Islamic University. It embodies some information on the educational process and upgrading courses at the university. Furthermore, the author provides information about the operation and tasks of Islamic Scientific-Research Centre, which collects and investigates the rich religiously-Spiritual heritage of our ancestors.

The functions of circles and scientific society of students, organized to widen students out look, are also touched upon in the article.

мударрислари билан бир қаторда курсларда ИИБ ходимлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати кенгашлари раислари, маҳалла оқсоқоллари, хотин-кизлар кўмитаси раислари, журналистлар диний-маърифий ва бошқа мавзулардаги маърузалардан баҳраманд бўлишди.

Ушбу хайрли ишлар ва тадбирлар мамлакатимиз ижтимоий-маънавий муҳитини соғломлаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

АЖДОДЛАР МЕРОСИНING ТИКЛАНИШИ

Маълумки, Мовароуннаҳр қадимдан мусулмон оламидагина эмас, балки жаҳонда илм-фан, маданият, айниқса, исломнинг назарий жихатдан ривожланган ўлкаси бўлган. Бу диёрдан етишиб чиққан буюк алломалар оламшумул тадқиқотлари билан ўрта асрларда Қуръон тафсири, ҳадисшунослик, адаб, фикҳ илмларининг турли соҳаларида янги даврни бошлаб беришган.

Мустабид тузум даврида ислом дини юзасидан илмий-назарий ишлар олиб бориш таъқиқланган, олиму уламолар тазйиққа учрагани учун ушбу йўналишда изланишлар қилинмас эди.

Истиқлол халқимизнинг муқаддас эътиқоди – ислом дини қадриятлари ва илмлари борасида диний-дунёвий, илмий-назарий, маънавий-маърифий тадқиқотлар олиб бориш

имкониятини берди. Бу борада Тошкент ислом университетининг ташкил этилиши ислом динига оид бой маънавий-маданий меросни тиклаш, буюк алломаларимизнинг диний ва маърифий асарларини чуқур ўрганиш имкониятларини яратди. Зеро, Юртбошимизнинг *“Буюк аждодларимизнинг бебаҳо меросини тиклаш, қадр-қимматини жойига қўйиш, уларнинг қадамжо ва зиёратгоҳларини обод қилишдек бахт сиз билан бизга насиб этганидан ҳар биримиз ҳақли равишда фахрланамиз”*, деган сўзлари университет олимлари учун ҳам улуғ шараф, ҳам катта масъулият саналади.

Аждодларимиз томонидан яратилган улкан бебаҳо диний-маънавий меросни жамлаш, тадқиқ этиб, илмий истифодага киритиш учун университетда Исломунослик илмий-тадқиқот маркази тузилган.

Ҳозирги кунда марказ олимлари “Ҳозирги даврда маданият тараққиётининг ўзига хос хусусиятлари, ривожланишининг истикболлари ва фуқаролик жамиятининг маданий-маърифий асосларини мустаҳкамлашдаги ўрни”, “Мовароуннаҳр мутакаллимларининг калом ривожига қўшган хиссалари”, “Мовароуннаҳр ҳадис илмига оид манбаларнинг илмий таҳлили”, “Ислом ҳуқуқида мулкӣ муносабатларнинг тартибга солиниши” мавзуларидаги фундаментал ҳамда “Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга қаратилган молия кредит ва инвестицион сиёсатни такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш”, “Илк ислом тарихи (570–661-йиллар)нинг замонавий талқини бўйича тадқиқот яратиш”, “Марказий Осиё цивилизацияси ривожланишида ислом маданиятининг ўрни (мультимедия CD дисклари тўплами)”, “Аждодларимизнинг илмий-назарий меросларини тиклаш ва бу борадаги тадқиқотлар натижаларини жамлаш ва умумлаштириш учун маълумотлар базасини яратишнинг моделлари, алгоритмлари ва дастурий таъминоти воситаларини ишлаб чиқиш”, “Шош воҳаси олимлари илмий меросининг Марказий Осиё илм-фани ва маданиятида тутган ўрни”, “Инглизча-ўзбекча диний-ижтимоий истилоҳлар луғати” мавзуларидаги амалий лойиҳалар бўйича изланишлар олиб боришмоқда.

Айни пайтда Қуръони карим, ҳадис тўпламлари, университет Манбалар

ҳазинасида сақланаётган нодир қўлёзмаларнинг электрон вариантларини тузиш мақсад қилиб қўйилган. Исломунослик илмий-тадқиқот маркази олдида қуйидаги вазифалар қўйилган:

— аждодларимизнинг бой диний илмий-назарий меросини тиклаш, чуқур ўрганиш, таҳлил этиш ва ривожлантириш, тадқиқотлар натижаларини жамлаш ва умумлаштириш асосида кенг жамоатчиликка етказиш;

— жаҳон цивилизацияси тарихида ислом динининг тутган ўрнини тадқиқ этиш асосида ҳозирги кўпдинлилик шароитида дунёнинг турли минтақалари ва мамлакатимиздаги ислом динининг роли ва аҳамиятини аниқлаш, ривожлантириш йўналишлари, ғоялари ва қонуниятларини назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил этиш;

— узлуксиз таълим тизими, кенг жамоатчилик учун диншунослик, хусусан, ислом таълимоти ва фалсафаси бўйича илмий-оммабоп асарлар, дарсликлар, ўқув дастурлари ва қўлланмалар яратиш ҳамда уларни нашр этиш;

— хорижий мамлакатларнинг етакчи таълим ва илмий марказлари билан ҳамкорликни амалга ошириш, хориждан шу соҳанинг етук мутахассис-ўқитувчиларини жалб қилиш.

Бугунги кунда марказ фаолияти диншунослик, ислом динига оид таълим йўналишлари бўйича малакали кадрлар тайёрлаш борасида жаҳондаги нуфузли олий таълим муассасалари тажрибасини атрофлича ўрганиб, таҳлил этиб, университет ҳамда республика таълим марказлари ўқув-тарбия жараёни сифатини замонавий талаблар даражасида ташкил этишга, уларда ватанпарварлик туйғусини тарбиялаш, миллатимизнинг улкан илмий, маънавий мероси ва қадриятларига нисбатан эътиборни кучайтиришга қаратилган.

МАЪНАВИЯТ – РУҲИЙ ПОКЛАНИШ ДЕМАК

Президентимиз Ислам Каримов мустақилликнинг дастлабки йиллариданок маънавият масаласига катта эътибор қаратиб келмоқдалар. Юртбошимизнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» номли китобларида мустақил Ўзбекистонни ривожлантиришнинг

умуминсоний қадриятларга содиқлик, халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиши, ватанпарварлик каби маънавий-ахлоқий негизлари кўрсатиб берилган.

Айниқса, халқимизнинг маънавий мероси ва руҳини мустаҳкамлаш, ривожлантириш бўйича кўпгина хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Университетда алломаларимиз меросини тиклаш, уни ўрганиш устувор вазифалардан ҳисобланади.

Университетда амалга оширилаётган ўқув-услугий ва илмий-назарий тадқиқотлар ёшларни ҳар томонлама баркамол инсон, етук диншунос, исломшунос олимлар бўлиб вояга етишишдек эзгу мақсадларга йўналтирилган. Бунинг учун миллий ва диний қадриятларга ҳамоҳанг равишда маънавият ва маърифат ишларини ривожлантириш, ўқув жараёнини такомиллаштириш, талабаларнинг диний, маърифий, сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий маданиятини ошириш мақсадида университетда Мураббийлар кенгаши тузилган. Исломунослик илмий-тадқиқот маркази, Манбалар хазинаси, Ахборот-ресурс маркази, замонавий компьютер ва лингафон хоналари, Интернет тармоғи талабаларни ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан билим олишига катта ҳисса қўшиб келмоқда.

Талабаларнинг билимини ошириш, фикр доирасини кенгайтириш мақсадида университетда тўғараклар ташкил этилган. Айни пайтда «Дин ва дунё», «Ҳуқуқий маслаҳатхона», «Қуръон ва тафсир», «Ислом манбашунослиги», «Хатотлик», «Компьютер саводхонлиги» каби 30 та, шу жумладан, 3 спорт ва битта бадий тўғарак фаолият кўрсатиб келмоқда.

Иқтидорли ёшларни илмий-назарий тадқиқотларга жалб этиш учун университетда Талабалар илмий жамияти фаолият кўрсатмоқда. Жамият талабаларда илмий тадқиқотларни олиб бориш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Хусусан, университет «Информатика ва ахборот технологиялари» таълим йўналиши талабалари ҳам ислом манбалари бўйича турли электрон маҳсулотлари ва мультимедиа маҳсулотлари яратишга муваффақ бўлишди. Жумладан, талабаларимиз

томонидан таниқли исломшунос Абдулазиз Мансурнинг «Қуръони карим маъноларининг таржимаси» асосидаги электрон китоби тайёрланди. Ундан Қуръони каримнинг ўзбек тилидаги таржимаси матнини лотин ва кирилл, араб алифболарида фойдаланиш, Қуръон қироатини эшитиш, сура ва оятларни қулай қидирув тизими орқали топиш мумкин.

Шунингдек, Имом Бухорийнинг “Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ”, Абу Исо Термизийнинг “Сунан” ва бошқа ҳадис тўпламлари “Танланган ҳадислар” электрон китобидан ўрин олган. Мазкур электрон китоблар инфор­мацион қидирув тизими кўринишида бўлиб, у дарслик сифатида, шунингдек, илмий тадқиқотларда ҳам самарали фойдаланиш имконини беради.

Университет қошидаги «Зиё» студияси бевосита талабалар ихтиёрида. У ҳар бир талабанинг ўз устида ишлаши, назарий билимларини амалда намоён этиши учун кенг имкониятлар бермоқда. Муборак Рамазон ойидаги диний-маърифий, илмий-маънавий кўрсатувлар бевосита талабалар томонидан эфирга тайёрланади.

Бундан ташқари университетимиз талабалари жамоатчилик ишларида ҳам фаол иштирок этиб, маҳалла, олий ўқув юртларида «Ислом гиёҳвандлик ва терроризмга қарши», «Ислом ва ёшлар», «Муқаддас динимизни асрайлик», “Диний экстремизм ва терроризм – жамият барқарорлигига таҳдид” каби мавзуларда давра суҳбатлари ва учрашувлар ташкил этишади. Умуман олганда, республика маънавий-маърифий ҳаётида университет муҳим ўрин эгаллайди.

Зеро, мамлакатимиз ёшларини маънавий баркамол, турли диний экстремистик оқимларнинг таъсирига тушмайдиган, мустаҳкам эътиқодли қилиб тарбиялашда Тошкент ислом университети талабалари юксак ибрат намунаси бўлса, ажаб эмас.

Равшан АБДУЛЛАЕВ,

Тошкент ислом университети ректори, профессор



БАРҚАРОРЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЗАРУРИЙ ШАРТИ

XX асрнинг ўзида иккита жаҳон уруши ва унинг даҳшатли оқибатларини бошдан кечирган жаҳон ҳамжамияти томонидан бугунги кунда Ер юзида тинчликнинг барқарор бўлиши йўлида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бағрикенглик, мурасасозлик, тоқатлилик, ўзаро ҳурмат, тенглик ва адолатни таъминлаш дунё давлатлари ва халқаро ташкилотлар фаолияти кун тартибидagi асосий масалалар қаторидан жой олди. Бу инсоният томонидан тинчлик ва хотиржамлик бирламчи ҳаётий эҳтиёж, тараққиётни таъминлашнинг зарурий шарти эканлиги англаб етилаётганидан далолатдир.

Айни пайтда, тинчликни таъминлаш йўлида ҳал этилиши зарур бўлган кўплаб муаммолар мавжудлигини, барқарор ҳаётни издан чиқаришга қаратилган янги шакл ва мазмундаги таҳдидларнинг пайдо бўлаётганини ҳам эътироф этиш зарур. Бегуноҳ инсонлар қонининг тўкилиши, этник гуруҳлар ҳуқуқларининг поймол бўлиши, террорчилик хуружларининг тобора кенг миқёс ва кўлам касб этаётгани, ҳарбий куч-қудратни ўстиришга қаратилган ҳаракатларнинг давом этаётгани ҳам шундай ҳулоса чиқаришга асос бўлади.

Қандай кўринишда ва қандай шиор остида амалга оширилмасин, зўравонлик, тажовуз ва босқинчилик тинчликка олиб бормайди. Тинчлик уруш ва низоларга барҳам бериш орқали таъминланади. Давлатлар ва халқлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг умум эътироф этилган демократик қоидалар асосида ташкил этилиши тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашнинг энг тўғри ва самарали йўли ҳисобланади.

Аммо турли қарама-қаршилик ва зиддиятларни келтириб чиқариш ва шу йўл билан ўз мақсадларига эришишни кўзлайдиган кучлар борлигини ҳам ёддан чиқармаслик лозим. Шундай кучлар бор экан, низоли вазиятларни сунъий равишда вужудга келтиришга қаратилган ҳаракатлар ҳам тўхтамайди. Бу сайёрамиздаги ҳар бир ақли расо кишидан доимо огоҳлик ва ҳушёрликни,

содир бўлаётган ҳодисаларга зийрак кўз ва теран нигоҳ билан қарашни талаб этади.

Тинчлик бу — буюк неъмат, инсон ҳаётининг бирламчи шартидир. Унинг инсон ва кишилик жамияти ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти урушнинг ғайриинсоний моҳияти очиб берилганда янада ойдинлашади.

Алломалардан бири, “Урушни қотиллик дейишади. Йўқ. Уруш қотиллик эмас, балки ўз-ўзини ўлдиришдир”, деб таъкидлаган эди. Шу нуқтаи назардан қараганда, уруш ўзаро муносабатларга ойдинлик киритишнинг инсоният кашф этган энг манфур кўринишидир. Ҳисоб-китобларга кўра, Ер юзида 15 мингдан ортиқ урушлар бўлиб ўтган. Уларнинг сони XVI асрда 106 та, XVII асрда 231 та, XVIII асрда 703 та бўлган бўлса, XIX асрда 730 тага етган. XX асрда Иккинчи жаҳон урушига қадар 882 та, ундан сўнг эса 300 дан ортиқ урушлар бўлиб ўтган. Уларга иккита жаҳон урушини қўшиб ҳисоблаганда, XX асрда инсоният 1200 га яқин урушларни бошдан кечиргани маълум бўлади. Бутун тарих мобайнида эса, инсоният бор-йўғи 292 йилгина урушларсиз яшаган¹.

Урушларда қурбон бўлганлар сони бўйича статистик маълумотлар ҳам кишини даҳшатга солади. Хусусан, XVII асрдаги урушларда 3 миллион 300 минг, XVIII асрда 5 миллион 200 минг, XIX асрда 5 миллион 600 минг одам ҳалок бўлган. Биринчи жаҳон урушида 10 миллион, Иккинчи жаҳон урушида 62 миллион, шунингдек, XX асрдаги турли катта-кичик урушларда бир неча миллион одам қурбон бўлган. Умуман олганда, сўнгги беш ярим минг йил мобайнида Ер юзида амалга оширилган урушларда жами 3,5 миллиарддан ортиқ киши ҳалок бўлган.

Мутахассисларнинг аниқлашича, Цезар давридаги урушларда бир одамни ҳалок қилишга 1, Наполеон даврида 1000, Биринчи жаҳон урушида 21 минг, Иккинчи жаҳон урушида 200 минг доллар миқдорида маблағ сарфланган. Мазкур урушда қатнашган давлатларнинг ҳарбий ҳаракатлар учун сарфлаган маблағларининг умумий миқдори 1 триллион 117 миллиард АҚШ долларини ташкил этади.

¹ Поликарпов В.С. Философия безопасности. СПб. Ростов-на-Дону – Таганрог: Изд-во ТРТУ. 2001. С. 234.

Инсоният бугунги кунда ҳам турли урушлар, янги пайдо бўлаётган қонли тўқнашувлар оқибатларидан азият чекмоқда. БМТ маълумотларига кўра, ҳозирги кунда ҳар 20 дақиқада турли миналарнинг портлаши натижасида кимдир ҳалок бўлади. XX аср бошларида миналардан қурбон бўлганларнинг 80 фоизини ҳарбийлар ташкил этган бўлса, ҳозирда эса, уларнинг портлаши натижасида ҳалок бўлганларнинг 80 фоизи тинч аҳоли вакиллари ҳисобланади².

Шу ўринда, битта минанинг нархи 3 доллар, уни зарарсизлантиришга эса 1000 доллар миқдордаги маблағ зарурлигини инобатга оладиган бўлсак, урушлар келтираётган иқтисодий зарар кўлами ҳам нечоғлик улкан эканини тасаввур қилиш мумкин.

Шунингдек, маълумотларга кўра, 2009 йил 1 январда дунёда 14 та йирик қуролли тўқнашувлар кечган. Роса бир йил аввал ҳам дунёдаги йирик қонли зиддиятлар сони шунча бўлган. 2003 йил 1 январ ҳолатига кўра эса, уларнинг сони 7 та эди.

Инсониятни тинчлик ва хотиржамликни асраб-авайлаш, қадрлашга ундайдиган юқоридаги каби кўплаб факт, рақам ва далилларга қарамай, мутахассисларнинг ҳисоблашларича, 2008 йилда дунё бўйича ҳарбий харажатлар 2007 йилдагига нисбатан 4 фоизга ўсган ва 1 триллион 464 миллиард долларни ташкил этган. Умуман олганда, сўнгги ўн йилликда дунё бўйича ҳарбий харажатларнинг ўсиш динамикаси 45 фоизга етган.

Бугунги кунда бир дақиқада дунёда 25–30 та бола очлик ёки касалликдан вафот этаётган бир пайтда ана шу дақиқа мобайнида 3,65 миллион доллар маблағ ҳарбий мақсадлар учун сарф этилаётгани ҳайрат ва ташвиш уйғотиши табиий.

Инсониятни ташвишга солаётган экологик муаммоларни бартараф этишга 50 миллиард, ОИТСга қарши курашни самарали ташкил этишга 21 миллиард, очлик ва қашшоқликни тугатишга 15 миллиард, дунё аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш муаммосини ҳал қилишга 10 миллиард, Ер юзида ҳаётнинг мавжуд бўлишига реал таҳдид туғдираётган озон қатлами емирилишининг олдини олишга

² Қаранг: БМТ маълумотлари – <http://www.un.org/ru/aboutun/booklet/mines.shtml>.

В статье проанализированы вопросы, связанные с местом и значением мира в жизни человека и общества. Изложены мысли о необходимости бдительности и осведомлённости в укреплении независимости Родины. Вместе с этим, освещены инициативы Республики Узбекистан по обеспечению мира и спокойствия в региональном и глобальном масштабе и их практические результаты.

The article sheds light on the importance of peace and tranquility in the life of people and society. The author also places a key emphasis on the issues of awareness and consciousness in strengthening the nation's independence. Moreover, one can get detailed information on the initiatives of the Republic of Uzbekistan in securing peace and stability within the region and world as well as learn more about their pragmatic results.

5 миллиард, саводсизликни тугатишга 5 миллиард доллар зарурлигини инобатга оладиган бўлсак, инсон ўз-ўзини йўқ қилиш учун қанчалик катта маблағ сарфлаётганини англаш мумкин³.

Маълумки, ҳозирги давр халқаро терроризмнинг авж олиб бораётгани билан ҳам характерлидир. Терроризм бутун дунёда тинчликни таъминлаш йўлидаги асосий ғов, тўсикдир. Зеро, XX асрнинг иккинчи ярмида халқаро миқёсда ўзини баралла намоён этаётган хатарли воқеликлардан бири, турли шиорлар билан ниқобланган терроризм минтақалар ва мамлакатлар ҳаётига бирдек таҳдид солмоқда. Кенг кўлам ва хилма-хил кўринишлар касб этаётган ушбу иллатга қарши кураш бутун дунё учун долзарб муаммодир.

“Дастлаб салтанат соҳиблари ва давлат арбобларига қарши қуролли ҳужумлар шаклида пайдо бўлган сиёсий терроризмни бугун ҳар қадамда учратиш мумкин. XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб, дунёнинг бутун-бутун минтақалари турли-туман террорчилик ташкилотларининг ўчоғига айлана бошлади. Маълумотларга кўра, бугун дунё бўйича 500 га яқин террорчилик ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда”⁴. Биргина 2009 йил 25 октябрда Ироқнинг Бағдод шаҳрида амалга оширилган террорчилик ҳуружи оқибатида 130 дан зиёд

³ Қаранг: Наумкин В.В. Ислам и мусульмане: культура и политика. М.: Пресс-НТ, 2009. С. 614-618.

⁴ Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари: Ўқув қўл. / Масъул муҳаррир А.С.Очилдиев. Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2008. Б. 115.

киши ҳаётдан кўз юмган. Бир йил мобайнида бутун Ер юзида содир этилган террорчилик актлари оқибатида ҳалок бўлганларнинг сони бир неча ўн мингни ташкил этишини эътиборга олсак, терроризм тинчлик ва хотиржамликнинг даҳшатли кушандаси эканига амин бўламиз.

Айни пайтда, замонавий терроризмнинг бир томондан, тобора шафқатсиз ғайриинсоний моҳият, иккинчи томондан, ақлга сиғдириш қийин бўлган жуғрофий кўламлар касб этиб бораётганини алоҳида таъкидлаш муҳим. Ҳозирда ҳар куни дунёнинг у ёки бу бурчагида кимларнидир кўрқувга солиш орқали муайян мақсадларга эришишни кўзлаган кўпоровчилик ҳаракатлари амалга оширилмоқда. Халқаро терроризм таҳдидини бартараф этиш йўлида олиб борилаётган амалий ҳаракатларнинг самараси кўп жиҳатдан, жаҳон ҳамжамияти аъзоларининг бу борадаги ҳамжиҳатлиги, ҳамкорлик ва ўзаро ишончига боғлиқ, албатта.

Юқорида келтирилган факт ва рақамлар бир томондан, урушларнинг олдини олиш ва тинчликни таъминлаш муаммоси ҳали ҳамон инсоният олдида турган бирламчи вазифа эканидан далолат берса, иккинчи томондан, мавжуд зиддият, тушунмовчиликларни ҳарбий воситалар орқали эмас, балки, музокара, келишув, ўзаро фойдали ҳамкорлик каби тинч йўллар билан ҳал этиш инсоният истиқболини таъминлашнинг бирдан-бир шарти эканини кўрсатади.

Шу ўринда демократик тамойилларнинг устуворлашиб бориши оқибатида, уруш ва низоларнинг олдини олиш, уларга барҳам бериш борасида жаҳонда муайян тажриба шаклланиб келаётганини таъкидлаш жоиз. Жумладан, бу йўналишда БТМнинг фаол иштирокида олиб борилган музокара ва келишувлар натижасида 1988 йилда Эрон ва Ироқ ўртасидаги қонли тўқнашувларнинг олди олинган бўлса, 1992 йил Сальвадордаги, 1996 йил Гватемаладаги, 1994 йил эса Мозамбикдаги ҳарбий ҳаракатларга барҳам берилганини эслаш ўринли.

Тинч-осуда ҳаёт кечириш инсониятнинг азалий орзуси. Аммо воқелик у кўплаб мамлакатлар учун ҳамон орзу бўлиб

қолаётганини кўрсатмоқда. Шундай бўлса-да, бугунги кунда ўзаро тенглик, ҳурмат, ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик ва адолат ғоялари ижтимоий тафаккурда устувор мавқега эга бўлиб бораётганини, тинчлик – энг асосий умуминсоний қадрият сифатида тан олинганини эътироф этиш лозим.

Шу ўринда, тинчлик инсонпарвар ва бағрикенг халқимизнинг тили ва дилидан мустаҳкам жой олган энг олий қадрият ҳисобланишини алоҳида қайд этиш зарур. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганларидек: “... юртимиздаги қайси хонадонга кирманг, қандай йиғин ёки маърака бўлмасин, фотиҳага кўл очилганда, ёшу қари, эркагу аёл – барчамиз Яратгандан тинчлик ва осойишталикни сўраб дуо қиламиз”⁵.

Мустақиллик йилларида минтақа ва дунёдаги вазиятнинг мураккаблигига қарамай, давлатимизнинг оқилона ички ва ташқи сиёсати ҳамда халқимизнинг кучли иродаси туфайли мамлакатимизда тинч-осуда ҳаёт барпо этилди.

Мустақил Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги фаолияти ҳам тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган тенг ҳуқуқлилик, қонун устуворлиги, ўзаро манфаатли ҳамкорлик каби демократик тамойилларга асосланади.

Шу ўринда мустақилликнинг илк даврида давлатимиз Раҳбари томонидан илгари сурилган минтақада ядро куролидан холи худудни яратиш ҳамда БМТ тузилмаларида терроризмга қарши кураш халқаро марказини тузиш ҳақидаги ташаббуслари реал воқеликка айланганини ва Ер юзида тинчлик, барқарорликни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса бўлиб қўшилганини фахр ва ифтихор билан қайд этиш лозим. Президентимизнинг Афғонистондаги бекарорликка барҳам бериш бўйича илгари сурган таклифларининг ҳаётий-амалий аҳамияти ҳам жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилмоқда.

Маълумки, Юртбошимиз ташаббуслари билан 1998 йилда Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштиришга қаратилган БМТ раҳбарлигида «6+2» гуруҳи ташкил топди. Гуруҳнинг 1998–1999-йилларда экстремизм ва терроризмга қарши кураш йўлида олиб борган

⁵ Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. Т.: Маънавият, 2008. Б. 73.

фаолияти нуфузли халқаро ташкилотлар ва жаҳон ҳамжамияти томонидан юксак баҳоланди.

Давлатимиз халқаро аксилтеррор коалицияси билан Афғонистонда қидирув-қутқарув ва инсонпарварлик ёрдамини амалга оширишда яқиндан ҳамкорлик қилди. Шундай бўлса-да, Афғонистон жаҳон ҳамжамияти учун ҳали-ҳануз таҳдидлар ўчоғи бўлиб қолмоқда. Буни инobatга олган ҳолда 2007 йил апрелда Бухарест шаҳрида бўлиб ўтган НАТО – Евроатлантика ҳамкорлик кенгаши саммитида Юртбошимиз томонидан Афғонистонда вазиятни барқарорлаштириш бўйича ягона халқаро амалий механизм бўлиб келган “6+2” мулоқот гуруҳини ҳозирги воқелик талабларидан келиб чиқиб ва музокаралар жараёнида НАТО ваколатхонаси ҳам иштирок этиши зарурлигини инobatга олиб, уни “6+3” гуруҳига айлантириш амалий таклифини илгари сурганини ҳам қайд этиш лозим.

Ушбу таклиф Ғарбдаги етакчи мутахассислар томонидан Афғонистондаги геосиёсий ва стратегик вазиятга берилган прагматик баҳо сифатида тан олинмоқда. Хусусан, бу борада АҚШдаги Жонс Хопкинс университети қошидаги Марказий Осиё ва Кавказ институти тадқиқотчиси Жон Дейлининг “United Press International” (UPI) ахборот агентлигида “Четдан назар: Ўзбекистоннинг Афғонистон бўйича таклифи аҳамиятли ва долзарбдир” – “Афғонистон: нега “6+3”?” сарлавҳали мақоласи эълон қилинганини алоҳида таъкидлаш зарур. Мақола муаллифининг фикрича, “... Афғонистондаги геосиёсий ва стратегик вазият прагматик жиҳатдан баҳолангани билан ажралиб туради. 2001 йил 11 сентябрь фожиасидан анча олдин Ўзбекистон раҳбари Афғонистон глобал терроризм ва диний экстремизм ўчоғига айланиб бораётгани ҳақида бир неча бор огоҳлантирган эди. Кейинчалик воқеалар ривожини ушбу башоратни тасдиқлади”⁶.

Шунингдек, республикамызда Ер юзида тинчлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилган халқаро гуманитар ҳуқук

ҳужжатларини ратификация қилиш, уларда белгилаб қўйилган қоидаларга амал қилиш масаласига ҳам алоҳида эътибор бериб келинаётганини таъкидлаш жоиз. Жумладан, “Геноцид жиноятининг олдини олиш ва унинг учун жазолаш тўғрисида конвенция”, “Терроризмни молиялаштиришга қарши кураш тўғрисидаги халқаро конвенция”, “Терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши кураш тўғрисидаги Шанхай конвенцияси”, “Ирқий камситишнинг барча шакллари тугатиш тўғрисида халқаро конвенция” каби қатор ҳужжатларнинг ратификация қилингани фикримизнинг исботи бўла олади⁷.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш йўлида тизимли ва тадрижий ишлар олиб борилмоқда. Бу давлатимиз суверенитети, тинчлиги ва барқарорлиги, фуқаролик жамиятини қуриш ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш учун хизмат қилади. Зеро, Президентимиз Ислom Каримов таъкидлаганларидек: “... инсоннинг энг устувор ва муқаддас ҳуқуқларидан бири – бу тинч яшаш ҳуқуқидир. Давлат ва жамиятнинг бурчи ана шу ҳуқуқни барча қонуний воситалар билан қафолатлаб беришдан иборат. Бу ҳуқуқни амалга ошириш – давлат ва жамиятни демократлаштиришнинг энг муҳим шартидир. Демократиянинг инсонпарварлиги ҳам биринчи галда ана шу мезон билан ўлчанади”⁸.

Умиджон ҚўШАЕВ,

Тошкент ислом университети Ислomшунослик илмий-тадқиқот маркази бўлим бошлиғи, фалсафа фанлари номзоди.



⁶ Жон Дейли. Афғонистондаги геосиёсий ва стратегик вазиятга прагматик баҳо // Халқ сўзи, 2009 йил 10 ноябрь.

⁷ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. / Масъул муҳаррир А.Х.Саидов. Т.: Адолат, 2002. Б. 270.

⁸ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: Маънавият, 2008. Б. 73.

МОДДИЙ МАДАНИЯТНИНГ ИЖТИМОЙ-ТАРИХИЙ МОҲИЯТИ

Илмий адабиётларда моддий ва маънавий маданият деб ажратиш расм бўлган. Бу инсон фаолиятининг икки асосий соҳаси — моддий ва маънавий ишлаб чиқариш билан боғлиқ. Моддий фаолиятнинг барча соҳалари ва натижаларини ўз ичига оладиган моддий маданият ҳамиша конкрет ижтимоий-тарихий моҳиятга эга бўлади ва ўзгарувчан характер касб этади. Шу нуқтаи назардан қараганда, моддий маданият элементларини ўрганиш муайян халқ маданияти ёки унинг тарихий тараққиётининг маълум босқичидаги ўзига хос хусусиятлари ҳақида тасаввур ҳосил қилиш имконини беради. Масалан, истеъмол воситаларини ўрганиш ижтимоий ривожланишнинг муайян босқичида турган инсон нималарни ва қандай истеъмол қилаётгани, унинг эҳтиёжлари қанчалик бой ва тараққий қилгани ҳақида ҳам маълумот беради.

Биринчи табиатнинг ўзлаштирилган, ижтимоийлаштирилган қисми ҳам моддий маданият таркибига киришини алоҳида қайд этиш лозим. Маданийлаштирилган ҳайвонлар, ўсимликлар дунёси, ўзлаштирилган ер ҳудудлари, сунъий яратилган кўллар, сув ҳавзалари каби ҳодисалар унинг ёрқин кўриниши ҳисобланади. Тарихий тараққиёт уларнинг доираси тобора кенгайиб бораётганини кўрсатмоқда.

Маданийлаштириш турли минтақаларда фауна ва флоранинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда бир-биридан кескин фарқ қилишини кўриш мумкин. Масалан, Ҳиндистонда филдан, шимолда буғудан транспорт воситаси сифатида фойдаланилгани, қисман ҳозир ҳам шундайлиги фикримизнинг исботи бўла олади. Айрим маълумотларга кўра, бугунги кунда инсон томонидан озиқ-овқат маҳсулоти, саноат учун хом-ашё, жониворларга озуқа сифатида фойдаланиш учун ва декоратив мақсадларда ўсимликларнинг 2500 дан ортиқ тури маданийлаштирилган. Бундай маданийлаштириш бугунги кунда нафақат мавжуд турлар ва навларни ўзлаштириш шаклида, балки селекция қилиш, чатиштириш йўли билан уларнинг янгидан-янги турлари ва навларини яратиш кўринишида ҳам амалга оширилмоқда.

У ёки бу ҳайвон, ўсимлик инсон учун қанчалик фойдали бўлса, кишилик жамиятининг бу йўлдаги уринишлари шунчалик кучли ва қамровли бўлмоқда. Бу отлар, қора моллар, қўйлар, паррандаларнинг янги зотлари ҳамда мева, сабзавот, полиз маҳсулотлари, бошоқли дон ўсимликларининг олдин мавжуд бўлмаган навлари кўплаб яратилаётганида кўринади. Баъзи йўналишларда инсон табиатдан кўра ижодкорроқ бўлиб, табиий ҳолда учрайдиганидан кўпроқ нав ва зотларни яратмоқда. Махсус илмий тадқиқот институтлари, селекциячилик хўжаликлари олиб бораётган ишлар бу йўналишда ҳали кўплаб янгиликлар яратилишини кўрсатиб турибди. Бугунги кунда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш самарадорлигининг ўсиши, ҳаётимиз фаровонлиги селекция жараёнида яратилган навлар ва зотларга боғлиқ бўлиб қолаётгани ҳам шундай ҳулоса чиқариш имконини беради. Бу селекция жараёнининг инсоният ва унинг истиқболи учун алоҳида аҳамият касб этаётганини билдиради. Хусусан, навларнинг турли касаллик ва зараркунандаларга чидамлилиги масаласи алоҳида эътибор талаб қилаётганини таъкидлаш зарур. Зеро, маълумотларга кўра, агроэкологизмларга зарар келтирадиган турларнинг сони 100 мингдан ортиқни ташкил этади. Фақат ўсимликларнинг касалланиши оқибатида дунё бўйича йилига 50 триллион долларлик ҳосилнинг йўқотилаётгани ҳам бу масала ҳаётий-амалий аҳамиятга эгалигидан далолат беради¹.

Янгидан-янги ер ҳудудларининг ўзлаштирилаётгани, сунъий сув ҳавзалари, боғ-роғларнинг яратилаётгани ҳам моддий маданият структурасидаги ўзгаришларга мисол бўла олади. Хусусан, олимлар фикрича, юртимизда дастлабки боғлар милоддан аввалги 3-1 минг йилликда деҳқончилик қилишга ўтилиши билан боғлиқ ҳолда шакллана бошлаган. Аста-секин боғлар ўз ичига ҳовуз, фавворалар, чўмилиш ҳавзалари, зилол сувлар оқадиган ариқлар, бутазор ва гулзорлар, декоратив ва мевали дарахтлар, сайроқи ва гўзал кушлар ҳамда декоратив кўприкларни мужассам эта бошлаган. Шундай қилиб, юртимиз боғларида табиат, архитектура, яшиллик ва сув бир-бирини уйғун тўлдирган

¹ Қаранг: <http://selekcioner.ru>.

ҳолда яхлит табиий-маданий комплексга айланган. Масалан, XIV—XV асрларда биргина Самарқанд ва унинг атрофида шаҳарни яшил ҳалқа каби ўраб олган 100 га яқин ана шундай боғлар бўлган².

Умуман олганда, бугунги кунда Ер юзида инсон оёғи етмаган, унинг у ёки бу кўринишдаги таъсирига учрамаган жойнинг ўзи деярли қолмади дейиш учун барча асослар бор. Натижада Ер шари тобора “инсоний” қиёфа касб этиб бормоқда.

Моддий маданият моҳиятан инсоннинг моддий эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган. Аммо ўзлаштирилган, маданийлаштирилган айрим биринчи табиат ҳодисалари ҳозирда кўпроқ маънавий қиёфа касб этганини қайд этиш лозим. Бу, айниқса, декоратив кабутарлар, уй ўсимликлари мисолида яққол кўринади. Зеро, улар асосан инсоннинг гўзалликка интилишининг ҳосиласидир. Шу маънода улар инсон маънавий-руҳий эҳтиёжларининг қондирилишига хизмат қилади.

Бинолар, уй-жойларда моддий маданиятга хос хусусиятлар ўзини ёрқин намоён қилади. Улар тарихий тараққиёт давомида жиддий ўзгаришга учрагани, хусусан, шаклан хилма-хиллашиб, яшаш ва ишлаш учун қулай бўлиб бориши баробарида турли табиий офатлардан (масалан, зилзиладан, кескин совуқ ёки юқори даражадаги иссиқликдан) ҳимоя қилишдек сифати ҳам мустаҳкамланиб бормоқда. Сейсмологларнинг йилига тахминан 500 минг зилзилани қайд қилишлари, улардан фақат 100 мингини одамлар сезишларини, 1000 таси эса бевосита талафотлар келтириб чиқаришини инobatга оладиган бўлсак, бундай эътибор бежиз эмаслигини англаш мумкин.

Маълумотларга кўра, аجدодларимиз жуда қадимдан юқоридаги каби омилларни инobatга олган ҳолда уй-жой қуришганини кўрсатади. Олимлар фикрича, Фарғона водийсида синчли уйлар қурилиб, бино томига ётқизилган сомонли лой (лўмбоз)нинг қалинлиги 40-50 сантиметрни ташкил этганида, Хоразмда эса пахсали уйлар қуришнинг кенг тарқалиб, бино лўмбозининг қалинлиги 10-15 сантиметрдан ошмаганида сейсмик омилнинг таъсири ҳамда ёмғир кўп ёки кам ёғиши инobatга олинганини кўриш мумкин³.

В статье проанализированы особенности материальной культуры, место и роль естественно-географических условий в ее развитии. На основе конкретных фактов и примеров показаны изменения, происходящие в структурных элементах материальной культуры.

The article analyses specific aspects of material culture, role of natural-geographic conditions in its development. Also, the changes taking part in the structural elements of material culture are shown in the article with bright facts and examples.

Эрамиздан аввалги 2580 йилда бунёд этилган 146 метрлик Мисрдаги Хеопс пирамидаси XIII асрга қадар энг баланд иншоот ҳисобланган. Черков миноралари ўз узунлиги билан машҳур бўла бошлаган ўрта асрларгагина келиб вазият ўзгарди. Масалан, ўрта асрларда Англиянинг Линкольн шаҳрида қурилган собор минорасининг баландлиги 180 метрни ташкил этди. Узунлиги 324 метр бўлган Эйфел минораси ўз соҳасидаги рекордлар учун йўл очган эди.

Тўпланган тажриба XX аср бошига келиб осмонўпар уй-жойлар қуриш имкониятини яратди. Бугунги кунда АҚШнинг Чикаго шаҳрида жойлашган, узунлиги 196,7 метрни ташкил этадиган бир нечта 70 қаватлик бинолар энг баланд уй-жойлар ҳисобланади.

Ҳозирда, мутахассислар маълумотида кўра, Ер юзида баландлиги 350 метрдан юқори бўлган 50 та иншоот бор. Ўн бешга яқин мамлакатда жойлашган ушбу осмонўпар иншоотлар қаторида офис, меҳмонхона, яшаш учун мўлжалланган бинолар, радио ва телетўлқинларни узатадиган, турли аттракционлар жойлашган миноралар, электростанциялар, эритиш печларининг трубалари бор. Улар қаторида узунлиги 374,9 метр бўлган Тошкент телеминораси ҳамда 350 метрлик Сирдарё ГЭСи трубаси ҳам борлигини таъкидлаш зарур.

818 метрлик «Бурж Дубай» (БАА) осмонўпар биноси бугунги кундаги энг баланд иншоот ҳисобланади. Аммо «Тасан Корпорейшн» қурилиш компанияси томонидан Япония пойтахти Токио шаҳри учун ишлаб чиқиладиган «X-Seed 4000» номли лойиҳа кишини янада ҳайратга солади. Денгиз сатҳидан 4000 метр баланд бўладиган ушбу бинода 700 мингдан 1 миллионгача одам яшаши мумкин. Минглаб хонадонлардан ташқари ушбу иншоотда дам олиш жойлари, парклар ва хатто ўрмонлар мавжуд бўлади.

² См.: Карабаев У. Этнокультура. Т.: Шарқ, 2005. С. 210—213.

³ См.: Джаббаров И. Узбеки. Т.: Шарқ, 2007. С. 119—120.

Барча зарур эҳтиёжлар Қуёш энергияси хисобидан қондириладиган иншоотнинг лойиҳа қиймати 900 миллиард доллар, деб баҳоланмоқда. Яшовчиларни барча табиий офатлардан ҳимоя қила оладиган ушбу бино, агар хоҳиш бўладиган бўлса, 8 йилда қуриб битказилиши мумкин экан⁴.

Умуман олганда, бугунги кунда у ёки бу бино тузилишига қараб унинг қайси даврда яратилгани билан бир қаторда миллий ва минтақавий анъаналарнинг ўзига хослигини кўриш мумкинлигини алоҳида таъкидлаш зарур. Биноларни қуриш билан боғлиқ анъаналарнинг шаклланишида географик муҳитнинг таъсири ҳам катта бўлган. Бунини, хусусан, океан ва денгиз олди ҳамда иқлими иссиқ ва ўта совуқ минтақалардаги бинолар, уй-жойлар қурилиш услуби, материалларидаги жиддий фарқда ҳам кўриш мумкин.

Бундай фарқларни моддий маданиятнинг бошқа бир муҳим элементи кийим-бош, уй-рўзгор буюмларида ҳам кўришимиз мумкин. Географик муҳит таъсирида шаклланган бундай ўзига хосликлар бора-бора миллий ўзига хослик сифатида англана бошланганини ҳам қайд этиш зарур.

Тарихий тажриба муайян ҳолларда бинолар, кийим-бош, уй-рўзгор буюмлари ўзининг бирламчи функциясини йўқотишини ҳам кўрсатади. У ёки бу маданият ҳодисалари ноёб тарихий дурдоналар сифатида англана бошлаган пайтда шундай бўлади. Жумладан, тарихий ёдгорликлар сифатида асралаётган қасрлар, саройлар, кийим-бош, уй-рўзгор буюмларига нисбатан шундай дейиш мумкин. Бошқача айтганда, ўз вазифасини бажармас, яъни бевосита инсоннинг у ёки бу эҳтиёжини қондирмас экан, уларни ўтмиш моддий маданиятининг намунаси сифатида қараш мумкин, холос. Бундай моддий маданият элементлари замонавий киши учун ажодлар ақлу заковатининг нишонаси, эстетик, маънавий-руҳий завқланиш манбаи сифатида чиқади. Бир сўз билан айтганда, маънавий маданият элементига айланади. Бундай ҳолатларни, жумладан ҳалқимиз моддий маданиятининг кўплаб элементларида кузатиш мумкин. Президентимиз таъкидлаганларидек, “олис ота-боболаримизнинг ақл-заковати, қалб қўри маҳсули бўлмиш бундай ноёб ёдгорликларнинг замон тўфонларидан, қанчадан-қанча оғир синовлардан ўтиб,

бизнинг давримизгача етиб келганининг ўзида катта маъно мужассам. Мамлакатимиз ҳудудида мавжуд бўлган тўрт мингдан зиёд моддий-маънавий обида умумжаҳон меросининг ноёб намунаси сифатида ЮНЕСКО рўйхатига киритилгани эса бундай ўлмас осори атиқалар бу кўҳна ўлкада, бугун биз яшаб турган тупроқда қадимдан буюк маданият мавжуд бўлганидан гувоҳлик беради”⁵.

Моддий маданиятнинг яна бир муҳим элементи бу бевосита ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган ҳодисалар — ишлаб чиқариш куруллари, воситалари ва иншоотларидир. Бу элементларнинг хусусиятларини ўрганмай туриб моддий маданият ҳақида тўлиқ ва тўғри тасаввур ҳосил қилиш мумкин эмас.

Моддий маданиятнинг юқорида қайд этилган предметли кўринишларидан ташқари унинг техник карталар, паспортлар, чизмалар, ҳисоб-китоблар, программалар шаклидаги семиотик кўриниши ҳам мавжуд. Улар билан танишиш моддий маданиятнинг предметли кўринишининг структураси, конструкцияси ҳақида тасаввур ҳосил қилиш имконини беради. Бундан ташқари семиотик кўринишнинг мавжудлиги моддий маданиятнинг предметли кўриниши у ёки бу сабабга кўра йўқ бўлиб кетган тақдирда ҳам уни айнан қайта тиклаш имконини беради.

Моддий маданият, унинг хусусиятлари ҳақида гап кетар экан, яна бир ҳолатни таъкидлаш зарур. Инсоннинг табиат устидан зўравонлиги оқибатида кўплаб ўсимлик ва ҳайвон турлари йўқолиб кетди. Бугунги кунда ана шу аччиқ ҳақиқатни англаб етган кишилик жамияти бу борада зарур чораларни кўришга ҳаракат қилмоқда. Генетиканинг ривожини, бу соҳада сўнгги пайтда қўлга киритилаётган ютуқлар, ҳатто қачондир қилиб кетган ҳайвонлар турини тиклаш масаласининг муҳокама объектига айланишига олиб келди. Яқин келажакда бу реал воқеликка айланиши ҳам мумкин. Аммо маданият намуналарига нисбатан бундай қилиб бўлмайди. Зеро, уларнинг ҳар бири такрорланмас, ноёб характерга эга. Унга ўхшаш нарсани тиклаш, яратиш мумкин. Аммо бу энди мутлақо бошқа нарса бўлади...

Абдувоҳид ОЧИЛДИЕВ,

Тошкент ислом университети қошидаги
Исломшунослик илмий-тадқиқот маркази дирек-
тори, фалсафа фанлари доктори, профессор.

⁴ См.: Остапенко-Меленевская Е. Где построены самые высокие здания мира? - <http://shkolazhizni.ru/archive>.

⁵ Қаранг: Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: Маънавият, 2008. Б. 30—31.

ДИНИЙ ГЛОБАЛЛАШУВНИНГ МАЗМУН ВА МОҲИЯТИ

Глобаллашув шароитида диний соҳа ривожланишининг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этиш муҳим назарий ва амалий аҳамият касб этади. Ҳозирда тезкорлик, очиқлик, эркинлик тамойилларига асосланган интеграция жараёнларининг чуқурлашиб бораётгани барча соҳаларнинг ривожланиши учун кенг имкониятларни вужудга келтирмоқда. Шунингдек, бир томондан, янги ташкил топган давлатларда миллий ва диний ўз-ўзини англаш жараёнлари кечаётган бўлса, иккинчи томондан, маданиятлараро ўзаро таъсир кучайиб, жамият соҳалари доирасида глобал яхлитлашиш тенденцияси вужудга келмоқда.

Айни пайтда, турли сиёсий кучлар томонидан диний омилдан ғаразли мақсадларга эришишда янги усул ва воситаларнинг қўлланилаётгани диний экстремизм, терроризм муаммоларининг чуқурлашишига олиб келмоқда. Ушбу ҳодисаларнинг қисқа вақт мобайнида глобал характер касб этаётгани эса, ҳозирги даврда диний соҳа ривожланиши масаласини атрофлича тадқиқ этишга бўлган эҳтиёж тобора ошаётганини кўрсатмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганларидек: “Глобаллашув жараёни ҳаётимизга тобора тез ва чуқур кириб келаётганининг асосий омили ва сабаби хусусида гапирганда шуни объектив тан олиш керак – бугунги кунда ҳар қайси давлатнинг тараққиёти ва равнақи нафақат яқин ва узоқ қўшнилар, балки жаҳон миқёсида бошқа минтақа ва ҳудудлар билан шундай чамбарчас боғланиб боряптики, бирон мамлакатнинг бу жараёндан четда туриши ижобий натижаларга олиб келмаслигини тушуниш, англаш қийин эмас”¹.

Маълумки, глобаллашувнинг вужудга келиши ҳақида турли-туман қарашлар, ёндашувлар мавжуд. Уларнинг бирида глобаллашувда сиёсий омилнинг ўрнига алоҳида эътибор берилган бўлса², бошқасида

иқтисодий жиҳатлар³ ёки демографик жараёнларга⁴ урғу берилганини кўриш мумкин. Шунингдек, улар орасида глобаллашув ахборот технологияларининг мислсиз такомиллашуви натижаси экани ҳақидаги ёндашув ниҳоятда устувордир. Албатта, ушбу ёндашувларнинг ҳар бири ўзининг рационал изоҳларига эга.

Шундай бўлса-да, “глобаллашув – бу аввало ҳаёт суръатларининг бекиёс даражада тезлашуви...”⁵ экани ҳақидаги фикрдан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, реал воқелик жаҳон саҳнидаги мавжуд динлар ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг ҳам интенсивлашиб бораётганини кўрсатмоқда. Бу эса, диний йўналишдаги ўзаро алоқаларда барқарорликка эришиш зарурлигини англатади.

Ҳозирги даврда динлараро соғлом мулоқот жамият ҳаётининг бошқа соҳаларида ҳамжиҳатлик ва бирликка эришишнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Чунки диний глобаллашув жамият ҳаётининг бошқа соҳаларида кечаётган интеграциялашув, универсаллашув, яхлитлашув жараёнлари билан узвий боғлиқ равишда ривожланмоқда. Масалан, жаҳон сиёсий ёки иқтисодий тизимига интеграциялашаётган турли цивилизация, маданият ва динга мансуб давлатларнинг глобал маконда муайян мавқега эришишлари кўп жиҳатдан улар эътиқод қиладиган динлараро соғлом мулоқотнинг барқарорлигига ҳам боғлиқ.

Шу ўринда, диний йўналишдаги глобаллашувнинг мазмунини аниқлаб олиш муҳим аҳамиятга эга. Айрим мутахассисларнинг фикрича, глобаллашув анъанавий динларнинг заифлашишига, ноанъанавий динларнинг эса кучайишига хизмат қилмоқда. Шунингдек, улар глобаллашув шароитида диний маросимлар аҳамиятининг пасайиб бориши, айни пайтда, у ёки бу диннинг ижтимоий хизмат кўрсатишдаги ўрнининг мустаҳкамланиб боришини таъкидлайдилар⁶.

Яна бир гуруҳ мутахассислар фикрларининг таҳлилидан диний глобаллашув, энг аввало, жаҳон ва анъанавий конфессиялар билан бирга

³ Каранг: Геогенезис: философия и методология геоэкономики и геофинансов. Научный альманах высоких гуманитарных технологий. \ Под. ред. Ивановой Г.М. М.: НАВИГУТ, 2003. С. 250.

⁴ Каранг: Практическая демография \ Под. ред. Л.Л.Рыбаковского. М.: ЦСП, 2005. С. 164.; Рыбаковский Л.Л. Миграция населения. Три стадии миграционного процесса. (Очерки теории и методов исследования). М.: УФН, 2000. С. 164.

⁵ Каримов И.А. Юсак маънавият – энгилмас куч. Т.: Маънавият, 2008. Б. 111.

⁶ Каранг: Алексеева Т. «Реванш кочевников» или ценностное осмысление глобализации // «Космополис», 2003. № 2 (4). С. 41-46.

¹ Каримов И.А. Юсак маънавият – энгилмас куч. Т.: Маънавият, 2008. Б. 111.

² Каранг: Гаджиев К.С. Введение в геополитику. М.: ЛОГОС, 2000. С. 432.; Глобализация и моделирование социальной динамики. М.: Институт социальных наук, 2001. С. 237.; Крылова И.А. Проблема безопасности России в контексте глобализации. М.: Институт философии РАН, 2001. С. 94.; Глобализация и моделирование социальной динамики. \ Отв. ред. Николаев В.Р. М.: Институт социальных наук, 2001. С. 212.

В статье с теоретико-методологической точки зрения проанализировано возникновение и особенности развития глобализации в религиозной сфере. Раскрыты положительные и отрицательные тенденции, присущие процессам религиозной глобализации.

The article, from the theoretic and methodological point of view, analyses development of globalization process in religious sphere. It reveals the advantages and disadvantages of religious globalization.

инсоният учун кўп жихатдан номаълум бўлиб келган турли диний эътиқодларнинг ўзини намоён қила бошлагани билан изоҳланиши маълум бўлади⁷.

Шунингдек, мутахассислар ислом дини номидан ўз ақидапарастлик ғояларини тарғиб этувчи айрим куч ва оқимлар томонидан глобаллашув ҳиндуий ва христианлар тарафидан исломга қарши уюштирилаётган агрессия тарзида баҳоланаётгани ҳақида ҳам ёзмокдалар⁸.

Диний глобаллашувга кўп қутбли дунё тартибининг шаклланиши билан ўзгариб бораётган геосиёсий жараёнларнинг таъсири катта экани ҳақидаги ёндашув ҳам эътиборга молик. Хусусан, В.Немыченков: "... эндиликда геосиёсий қарама-қаршилиқлар аксарият ҳолларда турли маданиятларни юзага келтирган динлар ва конфессияларга доир цивилизациявий атамаларда баён этилмоқда"⁹, — деб ёзади.

Диний соҳада глобаллашувнинг тавсифи келтирилган ушбу фикрлар турли фан соҳалари мутахассислари томонидан илгари сурилган бўлиб, уларнинг ҳар бирида реал воқеликнинг у ёки бу жиҳати акс этганини таъкидлаш жоиз.

Шундай бўлса-да, ҳозирда моҳиятан инсоният маънавий маданиятининг муҳим қисми бўлган дин глобаллашув таъсирида бўлган бошқа ижтимоий институтлар қаторида ўзига хос ички қонуниятлари асосида ривожланиб, умумбашарий аҳамиятга молик жараёнларда ўз аксини топмоқда. Шу нуқтаи назардан қараганда, бизнингча, диний

глобаллашув, бир томондан, жаҳондаги барча мавжуд динларнинг глобал маконда ўз ўрнига эга бўлишга интилишининг кучайиши, иккинчи томондан, айрим сиёсий кучларнинг диннинг таъсирчан функциясидан ғаразли мақсадларни амалга оширишнинг механизми сифатида фойдаланиш ҳолларининг авж олиши билан характерланади.

Айни пайтда, диний глобаллашув феноменида ажратиб кўрсатилаётган ушбу икки тенденция инсоният тараққиётига таъсири нуқтаи назаридан ижобий ва салбий йўналишларда кечмоқда.

Маълумки, сўнгги йилларда диний омилдан экстремистик, халқаро террористик ҳаракат ва оқимлар кенг фойдаланмоқда. Таҳлил диний соҳага бевосита дахлдор ушбу глобал ходисаларнинг тобора чуқурлашиб ва кенг қамров касб этиб бораётганини кўрсатади.

Маълумотларга кўра, бугун дунё бўйича 500 га яқин террорчилик ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда. Биргина 2009 йил 25 октябрда Ироқнинг Бағдод шаҳрида амалга оширилган террорчилик хуружи оқибатида 130дан зиёд киши ҳаётдан кўз юмган. Бир йил мобайнида бутун Ер юзида содир этилган терактлар ва уларнинг оқибатида ҳалок бўлганларнинг сони бир неча ўн мингга ташкил этмоқда.

Айни пайтда, замонавий терроризмнинг, бир томондан, тобора шафқатсиз, ғайриинсоний моҳият, иккинчи томондан, ақлга сиғдириш қийин бўлган жуғрофий кўламлар касб этиб бораётганини алоҳида таъкидлаш муҳим¹⁰.

Глобаллашув жараёнларининг тез суръатларда ривожланишини таъминловчи асосий омил — замонавий ахборот коммуникация технологиялари ҳам бузғунчи кучлар томонидан ғаразли мақсадлар доирасида кенг фойдаланилмоқда. Жумладан, манбаларда келтирилишича, сўнгги йилларда террористик ташкилотлар ва уларнинг ғояларини тарғиб-ташвиқ қилишга қаратилган веб-сайтларнинг сони бир неча баробарга ошган. Хусусан, 10 йил аввал бундай сайтлар 20 та бўлган бўлса, бугунги кунга келиб турли сегментларда жойлаштирилган ушбу вайронкор ресурсларнинг сони 5000 дан ортиб кетган¹¹. Яна бир манбада террористик мазмундаги сайтларнинг аксарият қисми Ғарб мамлакатлари, хусусан АҚШ сегментларида жойлашгани қайд этилган¹².

¹⁰ Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари: Ўқув қўл. / Масъул муҳаррир А.С.Очилдиев. Т.: "Тошкент ислом университети" нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2008. Б. 115.

¹¹ Қаранг: Количество террористических сайтов за 10 лет выросло на 2 порядка - <http://www.securitylab.ru/news/308574.php>.

¹² Қаранг: Количество сайтов террористических организаций выросло в сотни раз - <http://www.rian.ru/society>.

⁷ Гордеев К. Глобализация против христианства. <http://www.zaistinu.ru/skrest/sk/100.shtml>; Аскеров Э. Колонка редактора. <http://www.qutb.org>; Сидеров В. Глобализм — последний этап попытки колонизации Православного Востока. http://www.zaistinu.ru/news/global/sid_250102.shtml; Подберезский И.В. Вызовы глобализации. <http://www.religare.ru>.

⁸ Қаранг: Игнатенко А. Убийственная благотворительность - <http://www.i-t-p.ru/page/stream-trends/index-9774.html>.

⁹ Немыченков В. Использование религиозного фактора в целях разложения стран с традиционной культурой. // Вестник Мирового общественного форума «Диалог Цивилизаций» 2004, № 3. С. 103.

Шунингдек, ҳозирги кунда, дунёнинг турли минтақаларидаги ислом дини ниқоби остидаги террористик ташкилотлар фаолияти айрим исломий характердаги ноҳукумат тузилмалар томонидан мафкуравий ва молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватланаётгани¹³ ҳам мусулмон дунёси тўғрисида салбий тасаввур ва тушунчаларнинг пайдо бўлишига омил бўлмоқда.

Албатта, ушбу иллатлар келтираётган моддий ва маънавий зарарларга доир факт ва рақамларни яна келтириш мумкин. Бироқ баён қилинган далилларнинг ўзи ҳам муаммонинг нақадар жиддий эканини англаш учун кифоя қилади.

Глобаллашув узлуксиз ўзаро таъсирда бўлган кўплаб тиллар, дунёқарашлар, маданиятларнинг мавжудлиги шароитида юз бермоқда. Бу ўз навбатида, турли динлар ўртасида ҳам ўзаро алоқаларни тақозо этади. Шунинг учун ҳозирда диний ташкилотлар фаоллиги ортиб бормоқда. Улар инсониятни ташвишга солаётган муаммоларни ҳал этиш жараёнида иштирок этишга тобора кўпроқ интиломоқдалар. Чунки пайдо бўлаётган глобал муаммолар, вужудга келаётган таҳдидларни жаҳон ҳамжамияти аъзоларининг конструктив ҳамкорлиги орқали ҳал этиш мумкин. Шу нуқтаи назардан қараганда, ҳозирда динларнинг бир-бири билан яқиндан ҳамкорлик қилиши объектив заруриятдир. Албатта, ушбу йўналишдаги саъй-ҳаракатлар диний соҳадаги глобаллашувнинг позитив жиҳатларини характерлайди.

Айтиш мумкинки, динлараро соғлом мулоқотни ўрнатиш диний соҳада кечаётган глобаллашувнинг муҳим йўналишини ташкил этади. Чунки миллатлар ва халқларнинг турли динларга мансублиги умумий манфаатларни рўёбга чиқариш учун диний йўналишда ҳам мулоқотни тақозо этади. Зеро, акс ҳолда диний асосдаги зиддиятлар иқтисодий, сиёсий, ижтимоий жиҳатдан оғир оқибатларга олиб келиши барчага маълум. Демак, динлараро мулоқот ушбу йўналишдаги муаммоларни ҳал этишда улкан аҳамият касб этади. Зеро, мулоқот туфайли бошқа диний таълимотлар ва конфессионал бирликлар ҳақидаги нотўғри тасаввурларга барҳам бериш, баъзи диний жамоалар томонидан сунъий равишда “душман қиёфаси”ни яратишга уринишга

ўрин қолдирмаслик, турли дин доирасидаги хатти-ҳаракатларга ишонч ва ҳурмат асосида ёндашиш, динлараро ва этнослараро муносабатларда уйғунликка эришиш ва табиийки, сиёсий зиддиятларни тугатиш имконияти пайдо бўлади.

Динлараро ва конфессиялараро мулоқотни қўллаб-қувватлаш ва бу борада барқарорликка эришишда халқаро ташкилотлар муҳим ўрин тутати. Ҳозирда динлараро соғлом мулоқотни рағбатлантириш цивилизациялараро мулоқотни таъминлаш тизимининг узвий таркибий қисми сифатида БМТ, Европада ҳамкорлик ва хавфсизлик ташкилоти каби тузилмалар фаолиятидан кенг ўрин эгаллаган. Бу йўналишда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1995 йилни “Халқаро бағрикенглик йили”, 2000 йилни “Халқаро жаҳон маданиятлари йили”, 2001 йилни “БМТ шафелигидаги цивилизациялараро мулоқот йили”, 2001—2010-йиллар оралиғидаги даврни эса Халқаро нозўравонлик маданияти ва сайёрамиздаги болалар манфаати йўлида тинчликни таъминлаш ўн йиллиги, деб эълон қилингани глобал диний ҳаётдаги асосий ижобий ўзгаришлардан ҳисобланади.

Шунингдек, БМТ Бош Ассамблеясининг Ислом Конференцияси Ташкилоти билан ўзаро ҳамкорлик ҳақидаги ҳар йили имзоланадиган резолюцияси ҳам бу йўналишдаги муҳим тадбирлардан саналади. Ушбу резолюцияга мувофиқ 2001 йил май ойида Бутунжаҳон диний ва маънавий етакчилар саммити чақирилиб, БМТ қошидаги диний вакиллар Кенгаши таъсис этилди. Бундан ташқари, Европа Кенгаши Парламентлар Ассамблеяси томонидан “Ислом цивилизациясининг Европа маданиятига қўшган ҳиссаси” тўғрисида илгари сурилган тавсиялар ҳам динлараро соғлом мулоқотни мустаҳкамлаш йўлидаги глобал аҳамиятга молик ишлар сирасига қиради.

Динлараро мулоқотга кўмаклашувчи турли ноҳукумат халқаро ташкилотлар орасида Диний эркинлик халқаро Ассоциацияси (МАРС) ҳамда унинг мамлакатлардаги бўлимлари алоҳида ўрин тутати. Ушбу Ассоциация турли диний эътиқод эгаларининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш мақсадида очилган бўлиб, ҳозирда диний конфессияларнинг ўзаро тенг мулоқоти учун қулай шароитларга эга кенг миқёсдаги форумлар шаклида фаолият олиб боради.

¹³ Бу ҳақда қаранг: Александр Игнатенко. Убийственная благотворительность. <http://www.i-r-p.ru/page/stream-trends/index.html>.

Умуман олганда, диний соҳадаги глобал ўзгаришлар турли цивилизациялар қадриятларини мувофиқлаштириш ва кенг миқёсларда динлараро мулоқотни таъминлашга конструктив ёндашув моделини ишлаб чиқишни тақозо этмоқда. Ушбу долзарб вазифани самарали бажаришда БМТ ва бошқа халқаро ташкилотларнинг саъй-ҳаракатлари билан бирга жаҳон динларининг ҳам бу жараёнда фаол иштироки талаб этилади.

Глобал миқёсда диний жараёнлар барқарорлиги кўп жиҳатдан давлат даражасида бундай муносабатларнинг тўғри йўлга қўйилганига боғлиқ. Давлат органлари ва диний уюшмаларнинг демократик асослардаги ўзаро ҳамкорлиги орқали маҳаллий кўламдаги динлараро муносабатлар тартибга солинади. Шу маънода, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда ибратли ишлар амалга оширилгани бугун жаҳон ҳамжамияти томонидан муносиб баҳоланмоқда. Кўп миллатли ва кўп конфессияли мамлакатимизда барча эътиқод вакилларига тенг имкониятлар, шарт-шароитларнинг яратилгани юртимизнинг диний глобаллашув жараёнларида ижобий маънода кенг иштирок этишига мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилмоқда. Биргина, АЙСЕКО ташкилоти томонидан 2007 йилда Тошкент шаҳрининг ислом маданияти пойтахти деб эълон қилингани Ўзбекистоннинг диний интеграция жараёнида тутган муносиб ўрнини характерлайди.

Хулоса қилиб айтганда, биринчидан, диний глобаллашув турли маданият ва цивилизациялар ўртасида умумий манфаатлар доирасида ўзаро ҳурматга асосланган ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликни йўлга қўйиш ва мустаҳкамлашнинг муҳим омилidir.

Иккинчидан, диндан ғаразли мақсадларда фойдаланиш ҳолларининг олдини олиш глобал миқёсда диний ҳаётни тартибга солиш мақсадида қабул қилинаётган қарорларнинг ижросини таъминлаш механизмларининг реал воқелик талабларидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштирилишига боғлиқдир.

Камол КАМИЛОВ,

Тошкент ислом университети
“Диншунослик ва жаҳон динларини киёсий
ўрганиш ЮНЕСКО” кафедраси тадқиқотчиси.

АРАБ АДАБИЙ ТИЛИ РИВОЖИГА ЎЗГА ТИЛЛАР ТАЪСИРИ МАСАЛАСИ

Аллоҳнинг муқаддас китоби Қуръони карим нозил бўлган араб тили халқаро эҳтиромга фақат дин сабаблигина эмас, балки мислсиз бойлиги ва софлиги туфайли ҳам эришди. Бироқ шунга қарамай, араб тилида бошқа тиллардан ўзлашмалар: лафзий бирликлар, сарфий шакллар жуда кўп ва алоҳида тадқиқни талаб қилади. Улар турли даврларда тилга қабул этилган.

Милоднинг V—VI асрларида ташкил топган деб кўпчилик олимлар томонидан расмий тасдиқланадиган араб тилида¹ сўзловчиларнинг асосий қисми қумлар ва денгизлар билан ўралган саҳро ҳудудида яшар, кундалик бадавий турмуш икир-чикирлари билан тўлиқ банд бўлганликлари туфайли, уларнинг тили дунё тиллари таъсиридан четда қолган эди. Софлик жиҳатидан, табиийки, у жуда юқори даражада турарди. Бироқ европалик олимларнинг ҳақли равишда ишора этишларича, арабларнинг илм-фанга бўлган битмас-туганмас қизиқиш ва интилишлари уларнинг тилларига ўзга тиллар унсурларининг кўплаб кириб келишига² сабаб бўлган.

Араблар бошқа халқларда ва турли тилларда битилган илм-фан намуналарини ўз тилларига ўгира бошлашлари билан муомалада бўлмаган илмий тушунча, лексик бирлик ва янги морфологик таърифлар шиддат билан араб адабий тили ва унинг лаҳжаларига кириб кела бошлаган³.

Шу боисдан фанлар тарихи билан шуғулланган олимлар араб филологиясини, ҳозир удум бўлганидек, тарихий босқич (айтайлик, умавийлар даври, аббосийлар даври каби) лар асосида таснифлашни эмас, балки араб тилига ёт лексик бирлик, илмий термин ва техник тушунтиришларнинг кириб келиши динамикасига қараб тасниф (классификация) қилишни таклиф этгандилар⁴.

¹ Расман қабул қилинган маълумотларга кўра, араб тилидаги энг қадимги ёдгорлик (Сафо ёдгорлиги, 326 йил) IV асрнинг иккинчи чораги бошига тегишли ҳисобланади. Бироқ кейинги топилган манбалар бу маълумотни икки юз йилдан олдинроққа суриб қўйди. Қаранг: Фролов А.А. Классический арабский аруз. М., 1986. С.16-17.

² Милоднинг VII асри бошларига келиб, Арабистонда иктисодий-сиёсий кўтарилиш аломатлари кўрина бошлади. Ёт унсурларнинг кўплаб кириб келиши айни шу даврдан кузатилади. Қаранг: Березин Ф.М. История лингвистических учений. М., 1975. С. 14-15.

³ Бу ҳақда қаранг: Белкин В.М. Арабская лексикология. М., 1986. С.100.

⁴ Звегинцев В.А. История языкознания в очерках и извлечениях, ч.1. С.67-68.

Тафаккур қилиб кўрилса, айнан шундай қилинганда араб филологик дунёқараши таснифда тўлиқроқ акс этган бўларди.

Шундай экан, араб тилининг бошқа тиллар билан мулоқоти муаммосини ислом фатҳлари масаласи билан уйғунлаштириш ишига алоҳида эътибор билан қараш лозим бўлади. Арабларнинг ўзлари бу сиёсий юмушни “жаҳолатдаги ўлкалар”ни “ад-дину-л-ҳаққ” кириши учун очиш деб тушунтиришади. Ҳамма гап шундаки, айти шу сиёсат давомиди араб тилининг бошқа тиллар ҳисобига бойиши, илмий ибора билан айтганда, тиллараро контакт (мулоқот)лар томон дадил қадамлар ташланди.

Тарих саҳифаларидан аёнки, фатҳлар натижасида халқлар билан бирга уларнинг маҳаллий динлари қаршиликлари синдирилди, турмуш тарзлари ва анъаналари барбод этиларди, бироқ тиллар қоларди⁵. Маҳаллий тил таслим бўлмасди, ўртада кучли кураш кетарди. Бу курашда, шаксиз, араб тилининг афзалликлари бор эди.

Аввало, у ҳукмрон тил эди. Шу жараёнда маҳаллий тилларга унинг жуда кўп лексик бирликлари дин билан кирди. Айниқса, у муқаддас тил, дуолар тили, Қуръон тили, оятлар тили бўлди. Хусусан, у фатҳ байроғи остида кўп тилларга кириб борди. У муомаладаги расмий тил, билим тили бўлди⁶ ва бу мавзу илмий адабиётда анча дуруст ўрганилган. Лекин барибир чуқур илмий тадқиқотлар ва умумлаштирувчи хулосалар етишмайди ва масала қайта илмий тафаккурга муҳтож.

Ҳозир эса бизни қизиқтирган мавзу бу эмас. Бошқа тиллардан ҳам араб тилига сўзлар ўзлашган. Масаланинг бу томони деярли ўрганилмаган ва у бизнинг эътибор марказимизда.

Кўриниб турибдики, масала моҳиятли, ўта қизиқарли, бироқ кўп меҳнатталаб⁷. Бунинг устига у дурустгина билим талаб этади. Тадқиқотчи бир неча тилдан хабардор бўлиши ва уларни қиёслаш олиш иқтидорига эга бўлиши зарур. Ушбу мақоламизда ана

⁵ Табарий Абу Жаъфар Мухаммад. Тариху-л-умам ва-л-мулук. 95-ҳижрий йил воқеалари. ТИУ хазинаси.

⁶ Мусаев О. Антология Бохарзи “Думйат ал-қаср” как памятник арабоязычной литературы Средней Азии. В кн. “Вопросы восточного литературоведения и текстологии”. М.: Наука, 1975. С.17-30.

⁷ Жуковский В.А. Раскрытие скрытого за завесой (Кашфу-л-махжуб) Абу-л-Хасана ал-Джулаби-л-Худжри ал-Газнави. Л., 1926 (издание А.Рамаскиевича). С. 19.

Тесное соприкосновение, активные взаимоотношения с другими языками сыграли важную роль в развитии и обогащении арабского языка. Арабский язык, который считался относительно чистым, незасоренным чужими элементами, с установлением близких языковых отношений с представителями многих языков в связи с распространением ислама, стал быстро развиваться.

В этом сыграли немаловажную роль также переводы на арабский язык огромной научной и художественной литературы, созданной представителями разных народов мира в течении многих столетий.

В данной статье ведется научный разговор о некоторых аспектах развития арабского языка.

An extensive study and active relationship avere decisive factors in the development of the Arabic language. Arabic is comparatively considered as a pure language, which is not mixed with borrowings from other foreign languages, in the Middle Ages the language began to grow very fast with the spread of Islam and establishing lingual communication with representatives of various languages. Herein, it played a significant part in translating scientific heritages and belles-lettres which were created dy representatives of different nations for a long time as well.

The article holds a scientific conversation on various aspects of development of the Arabic language.

шу муаммонинг айрим аспект (йўналиш) ларигагина тўхталмоқчимиз.

Дастлаб шуни таъкидлашимиз мумкинки, араб тилининг бошқа тиллардан таъсирланиши исломдан анча илгариёқ, оз-оздан бўлса-да, бошланган эди. Бироқ олимларнинг тадқиқотларига кўра, айти Қуръон тилида ёт унсурлар анча-мунча экан. Айтайлик, Қуръоннинг “ал-Фотиҳа” сурасида ҳаммаси бўлиб 25 та (асосий ва ёрдамчи) сўз мавжуд бўлса,⁸ уларнинг учтаси араб бўлмаган келиб чиқишга эга. Булар:

صراط (*сиратун*) — кўприк, жаннатга элтувчи кўприк. Бу сўз қадимги юнон тилидан кирган. Айти шу сўзни Ўрта Осиё халқлари ҳам милoddан илгари Искандар Македонияли истилолари асносида юнонлардан “ғирот” шаклида олиб, ўз тилларига арабчадагига яқин маънода қўшиб олгандилар. Ғирот – ўз устидаги чавандозни борар манзилига бир зумда етказиб қўювчи от.

Бу сўз сурада икки бора такрорланган.

عالم (*ъаламун*) – олам, катта дунё. Бу сўз араб тилига оссурийчадан ўтган.

⁸ Умумий микдорнинг 8,3 фоизи. Матбуот тилида бу микдор доимо кўпроқ фоизни ташкил этади.

Араб адабий тили ўз сўз захирасини бошқа тиллар ҳисобига доим тўлдириб, бойитиб боргани маълум. Бу маънода у бошқа тиллардан мутлақо фарқ қилмайди. Пул бирликларининг араб тилидаги ифодалари бу доимийликнинг жонли мисолидир:

динарун – denarus – лотин – динор

дирҳамун – drahma – грек-санскрит – дирҳам

жунайхун – guinea – инглиз-лотин жунайх, гиней

лира – lira – итальян-лотин – лира

қиршун – groksher – олмон – қирш

миллимун – millime – француз-лотин – миллим

таърифатун – таърифа – арабча-сомий – таърифа

Юқоридаги бир туркумни ифодаловчи сўзлардан фақат биттаси — «таърифа»гина сомий асосга эга. Кўриниб турибдики, араблар дунёнинг қайси минтақасидаги давлат билан сиёсий-иқтисодий муносабатда бўлган эсалар, унинг пул бирликлари араб тилида муомалага кирган.

Мисоллар келтиришни давом эттирамиз. Араб тилидаги форс сўзларининг кўп қисми эрамиздан олдинги иккинчи минг йиллик ўрталарида рўй берган Эрон истилосидан кейин қибт (египет) тилига, Миср исломлаштирилгач эса, ундан араб тилига ўтган. Шундай қилиб, ўзлашмаларга айрим мисоллар:

Форс (пахлавий)чадан:

’ибриқун кўза тақун арк, равоқ

ҳандасатун геометрия жамусун говмиш, сигир

саржинун ўтин, саржин

Юнончадан:

фалсафатун фалсафа фурнун плита, ўчоқ

сафинатун кема, корабль буржун минора

Санскритдан:

кафурун камфора футатун сочик

калилатун Калила димнатун Димна

Лотиндан:

балатун қаср, палата

Ивритдан:

туффаҳун олма суқун бозор

Финикийчадан

тилмизун шогирд таржуманун тилмоч

Сурёнийдан

нақусун қўнгироқ баллутун эман, дуб

Амх.арчадан

бурҳанун далил қиффатун қоп, халта

шайта.нун шайтон ‘ан’ ана анъана

Туркий тилларга келсак, улардан неологизмлар арабчага икки йўналишда қабул

қилинган: адабий тилга, лаҳжаларга. Бирок адабий араб тилига таъсир анча сезиларли бўлган эди:

’асирун атир қатибун қатиқ

’ирмун ирим ’арйун тоза асал

тамаржиййун фельдшер ’ажзаййун аптекачи

’ахурун отхона кубри кўприк

’ажаматун ачима, ботқоқ йамишун туршак ва шулар каби.

Лаҳжаларга таъсир кўпроқ Миср ва Ироқда қайд қилинган. Юқоридаги рўйхат давом эттирилиши мумкин, албатта. Бироқ ҳозир лаҳжалардан бирига доир бир характерли қўшма гапни мисол тариқасида келтириб, фикримизни яқунламоқчимиз.

1923 йилда тилшунос мутахассислар томонидан Бухоро ва Қашқадарё ўртасидаги Арабхона қишлоғида ёзиб олинган фольклор намунасида⁹ парча:

Рави гал-ки, кан, ма кан, кан фад малик.

راوي قال كه كان ما كان كان فد ملك

Унинг адабий тилдаги нусхаси мана бундай:

قال الراوي انه كان ملك

(Таржимаси: Эртаси дедик, бир бор экан, бир йўқ экан, бир подшоҳ бўлган экан.)

Араб, форс, турк лексик, морфологик, синтактик таъсирларнинг бу шаклда ўзаро тўғиз зичлашуви жаҳон миқёсида кам учрайдиган нодир ҳодиса.

Биз бу ўринда мулоқот масаласининг ташқи хоссаларига тааллуқли айрим саволларгагина жавоб қидирдик. Хулоса сифатида таъкидламоқчимизки, неологизмларнинг араб тилига кириб келиши кўп қиррали ва кўп томонлама бўлган ҳамда калка қилиш, транслитерация, транскрипция, маъно ва шаклни қисман ўзгартириш каби йўналишларда жуда узоқ вақт давом этган.

Эминжон ТАЛАБОВ,

филология фанлари доктори.

⁹ Ушбу фольклор намунаси олим, филология фанлари доктори И.Н.Винников томонидан ёзиб олинган. Қаранг: Винников И.Н. Материалы по языку среднеазиатских арабов. М.-Л, 1953. С. 123.

СТРУКТУРА И КОМПОЗИЦИЯ РУКОПИСНОЙ КНИГИ НА ВОСТОКЕ

Опыт работы в Ташкентском исламском университете, специфика учебного процесса, особенности научных исследований студентов, магистрантов и преподавателей университета, где более 60 % составляют изучение и изыскания огромного научного наследия закономерно предполагает работу с мусульманской рукописной книгой. Текстологическая и источниковедческая научная работа с рукописью требует понимания и знания традиционных для мусульманской рукописной книги законов композиционного и структурного построения рукописи.

Как мы уже отмечали, источниковедение – специальная историческая дисциплина – рассматривается большинством исследователей как комплексная наука, в состав которой входят все прочие дисциплины, традиционно именуемые в востоковедении вспомогательными, одним из таких направлений можно считать изучение структуры, формы упорядочения материала, которых придерживались средневековые ученые Востока. На наш взгляд одним из неотъемлемых компонентов источниковедческого анализа памятника, так сказать первым шагом исследования, должно стать тщательное и подробное описание композиционной структуры источника.

Такое направление научного исследования, без всякого сомнения, поможет разобраться во все увеличивающейся массе исторических источников, установить методы их классификации по типам их структурно – композиционного построения.

Законченное письменное произведение средневекового Востока, как правило, имеет четкую структуру т.е. «композицию», состоящую из трех частей: **вводной части, основной и заключения**, но термина «композиция» как такового не существовало, поэтому употребляли разные слова, по сути ставшие филологическими терминами: **тартиб, таркиб, тарз, назм, сура**

боб, қисм и. Вводная часть, как правило, состоит из предисловия – **муқаддима**. Этот раздел является важной частью источника, выполняющая идеологическое объяснение позиции автора, отображающая его теоретические представления. Предисловие включает в себя сведения об авторе, о названии сочинения, побудительных мотивах и времени его написания, здесь же приводится подробное оглавление - **фихрист**.

Вводная часть может быть написана как в стихотворной, так и в прозаической форме. Традиционным правилом следует считать – начинать историческое повествование с вводных формул **басмалы** (би – исм Аллах ар-рахман ар-рахим – «во имя Аллаха, всемогущего, всемилосердного») и завершать книгу формулой **«таммат ал-китаб»** (окончена книга). Затем идет прославление Аллаха и его посланника Мухаммада; этот обязательный элемент сочинения, также имеет сокращенное наименование по первым словам – **хамдала**. Далее следует формула **«а затем» (ва ба’ду)**, с которой начинается собственно введение к данному сочинению. Когда хотят охарактеризовать сочинение то – его началу приводят два отрывка: первые слова из **хамдалы** и первые слова после **ва-ба’ду** или **ва ’амма ба’ду**.

Название – важнейший элемент рукописи, которую по нему и опознают. Подавляющее большинство сочинений вводятся словами – терминами **китаб, сахифа, мусхаф, курраса, дафтар** и т.д. из-за частой употребительности они нуждаются в дополнительном уточнении. Для этого достаточно одного дополнительного слова, например – **Китаб ал-Харадж, Китаб ал-Фасих, Китаб ал-Агани, Рисалат ал-Гуфран**. Таким дополнительным словом может быть имя автора: **Диван Джарир**, или имя лица, которому сочинение посвящено **Л-Зидж ал-Хаким** (обычно в форме нисбы) **Китаб ал-Фахри**; обозначение жанра – **Китаб ат-Тафсир; Китаб ас-Сунан; Китаб ан-Навадир, Китаб ат-Табакат**.

Рассмотрим второй элемент структуры, который разрабатывался в сочинениях наиболее тщательно, особенно исторических.

Мақолада ислом динига оид қўлёзмалар (асосан тарихий) композицияси ва тузилиши баён этилган. Албатта, бу умумий кўринишда берилган бўлиб, уни қуйидагича шарҳлаш мумкин. Ислом тарихишунослиги ва қўлёзма анъаналари учун ўхшашлик ва намунавийлик (стандартлик) ўзига хос хусусиятларга эга. Шунинг учун ҳам тадқиқот материаллари услуби мусулмон қўлёзма анъаналари тарқалган барча ҳудудларда ўхшашидир. Бизнинг фикримизча, турли характерли ва тарихий асарларнинг тилини типологик қиёслашни ўзида жамлаган тарихий- қиёсий таҳлил услуби самарали услуб деб айтиш мумкин.

The subject of this article is one of the less studied problems of medieval Muslim culture. The author describes main forms of materials classification, used by Persian-speaking and Turkish-speaking historiographers of the Middle Ages, and defines functions and role of structural elements in a historical book.

Late medieval historians stuck to traditional forms of composition. Historical books had, as a rule, a strict, firmly established structure, including three components: the introduction, the main text and the conclusion. There were several modes of organizing the main text: chronological, political-regional and thematic. However, the classification of materials by dynasties and reigns was the main principle of composition. A chronological order of exposition was observed inside each section. The choice of composition principles was made taking into account the subject of a work, the sources, the purposes of the historian, but even more the will of the patron. The stability of traditional historiographical forms was pre-determined by the conservatism of cultural and historical environment and its ideological basis.

В средневековой мусульманской историографии применялось несколько способов организации материала основного текста. Один из них - хронологический: «Год такой-то» или «События такого-то года». другой композиционной приём – политико-региональный. Материал располагается здесь по географической соотнесенности событий. Следующий структурный принцип исторической книги – тематический, преобладающим принципом композиции надо считать расположение материала по династиям или отдельным царствованиям. Исторические повествования, как правило, состоят из структурных подразделений, получивших название. Они могли разделяться на тома – *джилд*, *муджаллад*, *киتاب* или части – *кисм*, *дафтар*, *рукн*, глава – *фасл*, *боб*, *рауза*, *дастан*, разделы – *макала*, *таифа* и т.п., которые в свою очередь могут делиться

на более мелкие параграфы – *зикр*, *байан*, *кисса*. Однако ведущие принципы членения основного текста – это глава (*боб*, *фасл*).

Повествование заканчивается заключением – *хатима*, *ихтитам*, или приложением – *татимма*, *зайл*, или послесловием, *гуфтардар ихтитам*, и авторской концовкой к сочинению состоящей в большинстве случаев из одной-двух фраз – «а Аллах лучше знает», «на том кончалось» с добавлением благочестивых выражений.

Материалы о композиции и структуре мусульманской книги (в основном исторической) изложенные нами, конечно, в основных чертах, могут быть прокомментированы следующим образом. Для мусульманской историографии и рукописной традиции вообще свойственна высокая степень единообразия и стандартизации. И поэтому приемы исследованного материала оказались единообразными для всей территории распространения мусульманской рукописной традиции. Потому наиболее плодотворным методом, на наш взгляд, надо считать метод историко-сравнительного анализа, включающего типологическое сопоставление разных по характеру и языку исторических сочинений.

Метод сравнительно-типологического анализа уже давно и с успехом используется востоковедами-филологами при изучении литературных процессов на Востоке.

Темур МУХТАРОВ,

доктор филологических наук, профессор.

ЛИТЕРАТУРА

Т.Н.Султанов – Взгляды позднесредневековых мусульманских авторов на историческую науку. – Народы Азии и Африки. 1988 №1, стр. 315.

В.В.Бартольд. Сочинения. Т.6 М. 1960. стр. 315.

Н.Д.Миклухо-Маклай. Описание персидских и таджикских рукописей ИВАН ССР. Вып. М. 1975. №315.

К.А.Бойко – Арабская историческая литература в Испании. М. 1977.

А.Б. Халидов. Арабские рукописи и арабская рукописная традиция. М. 1985.

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙНИНГ “ҲИНДИСТОН» АСАРИДА ҚЎЛЛАНГАН ҚИЁСИЙ ТАҚҚОСЛАШ УСУЛИНИНГ АҲАМИЯТИ

Мустақиллик йилларида берунийшунос олимлар буюк мутафаккир илмий меросининг хилма-хил қирраларини ўрганиб, янги илмий методологик усулларни қўллаб келишмоқда.

Догматик мафкура ҳукмронлик қилган пайтларда мафкуравий стереотиплар шаклланган бўлиб, унга биноан фалсафа тарихи фани марксистик фалсафанинг тарихий-фалсафий методологияси асосида шаклланган эди. Ваҳоланки, фалсафа тарихи таҳлилининг кўрсатишича, фалсафий методлар марксизмдан аввал ҳам шаклланган ва мустақил равишда ривожланган. Фалсафанинг илк даврларидан бошлаб, аста-секин фалсафа тарихидаги услублар ҳам шаклланиб, ривожланиб борди, бу эса кейинчалик фалсафа тарихи ва методологиясининг пайдо бўлиб, ривожланишига олиб келди. Шуни таъкидлаш керакки, Яқин Шарқ ва Марказий Осиё мамлакатларида фалсафанинг ривожланиши билан бир қаторда фалсафий-тарихий услуб ва фикрлар ҳам ривожлана бошлаган эди. Бу фалсафий-тарихий фикрлар ҳозирги даврда ҳам ўз қимматини йўқотмаган, негаки, улар ўша давр мутафаккирларининг дунёқараши қандай эканини кўрсатиб келган.

Бу борада Берунийнинг ҳинд ва юнон файласуфлари ҳамда суфийлар фикрларини таҳлил қилишда қиёсий таққослаш услубидан фойдалангани катта аҳамиятга эгалиги яққол кўзга ташланмоқда. Буни алломанинг қуйидаги фикридан ҳам кўриш мумкин: “Юнонларнинг сўзлари билан биргаликда бошқаларнинг сўзларини баён қилмайман, фақатгина суфиянинг ёки насоро тоифаларидан бирортасининг сўзини қўшиб баён қиламан. Чунки ҳаммаларининг ҳулул ва иттиҳод хусусидаги тушунчалари бир-бирига яқиндир”¹.

Беруний “Ҳиндистон” асарида борлиқ масаласида, унинг тузилиши, борлиқнинг фалсафий тушунчаларини таҳлил қилар экан, қиёсий таққослаш усулидан кенг фойдаланади.

У ҳиндлар, юнонлар ва суфийларнинг борлиқ ҳақидаги фикрларини солиштиради.

Берунийнинг ёзишича, юнон файласуфлари борлиқни чексиз ва абадий деб ҳисоблаганлар. Борлиқ ҳақидаги бундай тушунча уни илоҳийлаштириш билан боғлиқдир. Борлиқдаги барча стихиялар – сув, ҳаво, ер ва олов илоҳийлаштирилган. Масалан, милетлик Фалес сувни илоҳийлаштирган бўлса, Анаксимен ҳавони, Гераклит оловни илоҳийлаштирган. Биз моддий стихиялар деб билган нарса-ашёларни, унсурларни юнонлар илоҳий куч билан бирлаштирганлар.

Шунинг учун юнонларнинг қадимги натурфалсафий қарашларини пантеистик қарашлар, деб ҳисоблаш мумкин. Юқорида аллома келтирган ҳулул ва иттиҳод тушунчалари ҳам пантеизм моҳиятига тўғри келади. Юнонлар худони биринчи сабаб, деб аташган ва барча моддий стихияларнинг ичида худони ахтаришган. Бу ҳақда Беруний шундай деб ёзади: “Борлиқ биргина нарса; биринчи сабабчи эса, шу борлиқда турли-туман шаклда кўринади, унинг кучи борлиқнинг бўлакларида ҳам бирлик, ҳам ўзгаликни келтириб чиқарадиган қарама-қарши ҳолатлар орқали жойлашади”, деган фикрга борганлар. Уларнинг ораларида “ўзини мумкин қадар биринчи сабабчига ўхшатиб, орадаги воситаларни тарк қилиб ва монеларни олиб ташлаб, бутунлай биринчи сабабчига ўзини топширган киши у билан бирлашади”, дейувчи кишилар ҳам бор”². Яна аллома фикрини давом эттириб: “Суфий маслағидагилар ҳам шундай эътиқод қиладилар, чунки (иккаловининг ҳам бу масалага) қараши бир-бирига ўхшайди”³, – дейди. Бундан кўринадики, юнонлардагига ўхшаш пантеистик қарашларни суфийларда ҳам кузатиш мумкин. Суфийлар ер, сув, ҳаво илоҳий кучга эга бўлиб, худонинг нури ҳар нарсада мавжуддир, деб ҳисоблаганлар. Уларнинг фикрича, худо бир, яъни бирламчи сабаб, барча сабабларнинг сабаби, шу билан бир қаторда у ҳамма ерда мавжуд. Аллоҳнинг ҳар ерда мавжудлиги барча нарсаларда жоннинг мавжудлигидир. Демак, айнан шу жон орқали худо ҳар ерда ва ҳар нарсада зухурдир⁴.

² Ўша манба. Б. 43.

³ Ўша манба. Б. 43.

⁴ Ўша манба. Б. 43.

¹ Абу Райҳон Беруний. Ҳиндистон. // Танланган асарлар. II жилд. Т.: Фан, 1963. Б. 28.

В статье рассматривается метод сравнительного анализа, который использовал Беруни в своем произведении "Индия" для выявления общих, схожих взглядов древне-греческих, индийских и суфийских мыслителей.

Анализ проведенный в данной статье показывает, что в ряде вопросов, касающихся проблем бытия, знания, познания между древними, западными и восточными мыслителями имеются большие сходства. Они касаются проблем пантеизма, проблем врожденных и приобретенных знаний.

В статье автор попытался показать, что великий мыслитель Беруни блестяще решил все эти проблемы.

The historical memory makes up the foundation of historical creation. The article is devoted to the research of the historic-philosophical works of Beruni coming out as one of the important components of the rich and polyhedral heritage of Abu-Raikhan Beruni and his contribution to studying history of philosophy of peoples in many regions including the Central Asia as well.

The author shows in the article that a great thinker Beruni skillfully solved the abovementioned problems.

Юқорида келтирилган борлиққа оид пантеистик фикрлар хиндларнинг фалсафасида ҳам кўзга ташланади. Берунийнинг таъкидлашича, улар борликни ягона деб ҳисоблаб, уни браҳман деб атаганлар. Табиатдаги барча нарсалар, мавжудотлар браҳманнинг хилма-хил кўринишларидир.

Браҳман кўринишларидан бири Вишнудир. Вишну, уларнинг фикрича, сувда ҳам, ҳаво ва ерда ҳам мавжуддир. Васудева "Гита" номли машҳур китобида айтганидек, "Ҳақиқатни олганда ҳамма нарса тангриники, Вишну жонли нарсалар туриши учун ўзини Ер қилди, уларни овқатлантириш учун ўзини сув, уларни ундириб ўстириш учун олов, шамол қилди ва ҳар бири учун ўзини қалб қилди"⁵.

Аллома ҳинд ва юнон файласуфлари, ҳамда суфийларнинг борлиқ ҳақидаги қарашларини қиёсий таққослаб, уларнинг бир-бирига ўхшашлигини аниқлайди. Демак, уларнинг ўхшашлиги табиатни руҳлантириш, илоҳийлаштиришда бўлган.

Шўролар давридаги тадқиқотларда ва кўпгина дарсликларда қадимги юнон файласуфларидан айримлари, жумладан, Фалес, Анаксимен, Гераклит содда стихияли материалистлар, деб аталган. Лекин бизнинг

фикримизча, Берунийнинг юқоридаги қиёсий таққослаш усулидан келиб чиқиладиган бўлса, уларни бундай деб аташ хатодир. Материалист файласуфлар фалсафанинг асосий масаласида материяни руҳдан ажратиб, уни бирламчи, руҳни эса иккиламчи, деб ҳисоблашган. Уларнинг фикрича, материя илоҳий эмас, у ҳеч қандай бирламчи сабабга ҳам муҳтож эмас.

Юқорида келтирилганлардан кўринадики, ҳинд, юнон файласуфлари ва суфийларнинг фикри бунга қарама-қаршидир. Улар материя ва руҳни бирлаштиришган ва материяни илоҳийлаштиришган. Уларнинг фикрича, барча моддий нарсалар ягона илоҳий кучнинг хилма-хил тажаллисидир (кўринишидир). Беруний ушбу фикрни куйидаги сўзлар билан изоҳлайди: "Жон осмондан бир хил ҳолат ва кайфиятда тушадиган ёмғир сувиға ўхшайди. Асл моддаси турлича бўлиб, ёмғирга қўйилган тилла, кумуш, шиша, чинни, сопол ва шўр тупроқдан ясалган идишларга ёмғир суви йиғилса, сувнинг кўриниши, мазаси ва ҳиди ўзгаради"⁶.

Тадқиқотчи Г.Носирходжаеванинг таъкидлашича, Берунийнинг санкхья мактаби бўйича фикрлари ҳам шўролар даврида материалистик руҳда талқин қилинган. Муаллиф бунда иккита тамойил аралашиб кетганлигини таъкидлайди, яъни биринчи тамойил борлиқнинг асосида нима ётганлиги бўлса, иккинчи тамойил ҳаракатни келтириб чиқарадиган сабаб масаласидир. Унинг фикрича, санкхья мактаби тарафдорлари олам худо томонидан яратилганини инкор этмайдилар, лекин оламдаги ҳаракатнинг сабабини моддий шаклларда, деб ҳисоблайдилар. Г.Носирходжаева бу ҳақда шундай ёзади: "Яқин давргача бизнинг фалсафий адабиётларимизда санкхья фалсафий мактабининг тарафдорларига материалистик тизим сифатида қарашар эди". Ваҳоланки, бу ўринда оламнинг борлиги ва унинг бирламчи сабаби ҳақида фикр юритилмаган, балки бу ерда оламнинг ҳаракати назарда тутилган.

Беруний "Ҳиндистон" асарида санкхья таълимотининг ҳаракат тамойилини тушунтириш учун кўр ва шол мисолини келтиради: "Ҳамма томондан алоқа узилиб, ҳалокатли бўлиб қолган бир чўлда яшовчилар

⁵ Ўша манба. Б.47.

⁶ Ўша манба. Б.53.

қочиби кетиб, фақатгина бир кўр ва бир шол киши қочолмаса ва иккаласи қутулишдан умидни узиб, очликда қолса, бир-бирига йўлиқиб танишгач, қимирлай олмайдиган киши кўрга: “Мен юришдан ожизман, лекин тўғри йўл кўрсатишга қодирман. Сен эса менинг аксим, йўл кўрсатишга ожизсан, лекин юришга қодирсан. Мумкин бўлса, мени орқанга опичиб ол, мен йўл кўрсатайин, иккаламиз биргаликда ҳалокатдан қутулайлик,” деса, шунда кўр унинг айтганини қилиб, бир-бирига ёрдам бериши сабабли ихтиёрий иш тугал вужудга келади ва ҳалокатдан қутулгач, бир-биридан ажрашади”⁷. Унинг бу мисолида шол бу рух (пуруша)дир, кўр эса материя (пракрития)дир. Пуруша барча нарсаларни кўришга ва англашга қодирдир, лекин у ҳаракатсиздир. Пракрития, яъни материя эса фаол ҳаракатланади, аммо унинг ҳаракатлари тартибсиз, хаотик тусга эгадир. Фақат уларнинг бирлашиши, қўшилиши ҳаракатни тўғри йўналишга солади, хаос ўрнига тартиб юзага келади ва иккаласи ҳам ўз мақсадига эришади.

Шундай қилиб, Берунийнинг фикридан кўринадики, санкхья таълимотига кўра дунёнинг асосида моддий ва рухий субстанциялар бирлиги ётади. Санкхья таълимотининг асосий ғояси тананинг фаоллиги, рухнинг мавжудлигини инкор этмайди. Шунинг учун Г.Носирходжаева бу таълимотни материалистик деб талқин қилишни ноўрин деб билади. Унинг таъкидлашича, шўролар даврида кўпгина олимлар алломанинг қарашларини давр талабидан келиб чиққан ҳолда, материалистик руҳда талқин қилишган.

Беруний пурушани абстракт жон ёки рух деб ҳисоблаб, уни тана билан бирлаштирувчи воситачи индивидуал рух “жива” ҳақида гапиради. Рух ниҳоятда нафис бўлиб, ғализ ва жуда катта фарқ қилувчи тана билан қўшила олмайди. Шунинг учун у латиф, нозик таначалар деб аталмиш индивидуал жон бўлган живадан фойдаланади. Беруний бу ҳақда қуйидагиларни ёзади: “Ҳиндлар рухларни унсурлардан пайдо бўлган ғализ баданларга кўнади, шу бирлашиш натижасида латиф баданлар жонга улов, яъни ташувчи бўлиб қоладилар, деб ҳисоблайдилар”⁸.

⁷ Абу Райхон Беруний. Ҳиндистон. // Танланган асарлар. II жилд. Т.: Фан, 1963. Б.53.

⁸ Ўша манба. Б. 51.

Шўролар даврида кўпгина тадқиқотчи олимлар санкхья таълимотини таҳлил қилиб, унинг энг муҳим томонларидан бирига аҳамият беришмаган. Бу эса нозик-латиф рухнинг тана билан бўлган бирлигидир. Берунийнинг айтишича, ғализ тана – бу арава бўлиб, унинг бошқарувчиси аравакаш эса рухдир. У (рух)нинг боши узра тафаккур қуёши мунаввар нур сочиб туради.

Оламни билиш масаласида ҳам Беруний ҳинд, юнон файласуфлари ва суфийларнинг фикрини қиёсий таҳлил қилади ва уларнинг ўхшаш томонларини аниқлайди. Уларнинг барчаларида билиш аслида унутилган нарсаларни хотирлашдир. Бундай хотирлаш жоннинг танадан-танага кўчиши билан боғлиқдир. Ҳиндлар танадан-танага кўчишни “таносух”деб аташса, юнонлар бунини “метампсихоз” деб атайдилар. Бу фикрларнинг барчасида билиш воқеликнинг инсон онгидаги инъикоси эмас, балки жоннинг олдинги ҳаётдаги таассуротлари ва хотираларидир. Жон бошқа танага ўтгандан кейин хотирадаги билим қайтадан жонланади ва эсга тушади. Ҳиндларнинг фикрича, билиш қобилияти мия билан боғлиқ бўлмай, балки билиш – бу жоннинг фаолиятидир. Жон танага кирганида тананинг моддий эҳтиёжлари жоннинг нурини хиралаштиради ва ундаги эслаш қобилиятини пасайтиради. Бу борада Беруний ҳиндларнинг қуйидаги фикрларини келтиради: “Жон моддадан ажралса, илмми бўлади, моддага кирса, булғаниб илмсиз бўлиб қолади; ўзини фоила(яъни ишловчи) ва дунё ишлари ўзи учун белгилаб қўйилган деб гумон қилиб, дунё ишларига тутинади; сезилувчи нарсалар унда нақш олади, бадандан ажраганида унда сезилувчиларнинг излари қолади, ундан тамоман ажралиб кетмайди; жон моддага мушток бўлиб, унга яна қайтади”⁹. Ҳиндлар яна шундай дейдилар: “Расо олим бўлган киши инсонларнинг энг фазилатлисидир; чунки у тангрини, тангри эса уни дўст тутати; у қайта-қайта ўлиб тирилган; у бутун умрида камолотни талаб қилиб, ниҳоят унга етишган”¹⁰.

Билиш масаласида Беруний ҳиндларнинг фикри юнонлар фикрига ҳам ўхшашлигини кўрсатади ва Сукротнинг қуйидаги фикрларини келтиради: “Жон (баданда)

⁹ Ўша манба. Б. 57.

¹⁰ Ўша манба. Б. 57.

бўлиб турганида бизнинг илм ўрганишимизни (қайтадан) эслашдан бошқа нарса бўлмайди. Чунки жонларимиз шу инсонлик суратига айланишдан илгари бирон жойда бўлган. Агар одамлар болалик чоғларида ишлатиб, одатланган нарсаларни бировда кўриб қолсалар, бундан таъсирланиб, ёшликдаги ишларини эсга келтирадилар. Демак, унутиш билимнинг кетишидан, илм эса, жоннинг баданга киришидан илгари ўрганганини эслашдан иборатдир”¹¹.

Эслаш жараёнининг заифлашиш сабаблари жоннинг танага кириши билан боғлиқдир. Жон танага кирганида унинг хотираси заифлашади. Бу фикрларни Беруний Проклуснинг қуйидаги сўзлари билан тасдиқлаб: “Эслаш ва унутиш сўзлагувчи жонга хос ишлардир. Сўзлагувчи жоннинг ҳамиша мавжудлиги аниқ. Шундай бўлгач, ҳамиша илмли бўлиб, баданга кирганида илмни унутади. Чунки сўзлагувчи жон бадандан ажраганида ақл макони бўлиб қолаверади. Жон баданга кирганида (бадан) унинг устидан куч билан бир қадар ғалаба қозониб, маконлик мартабасидан пастга туширади”¹², – деб уқтиради.

Беруний қиёсий таққослаш орқали ҳинд ва юнонларнинг фикрлари суфийларникига жуда ўхшаш эканлигини кўрсатади. Берунийнинг ёзишича: “Суфия маслағидагилардан “дунё ухлоқ жон, охират уйғоқ жон”, деювчилар ана шу Проклус айтган маънога яқин борадилар. Улар худонинг осмон, арш, курси каби маконларда бўлишини мумкин дейдилар. Суфиянинг баъзилари худонинг ҳамма оламда – ҳайвон, ўсимлик ва жонсиз мавжудотларда бўлиши мумкин дейдилар. Буни худонинг “ҳамма нарсада кўриниб туриши” (зухури куллий) деб атайдилар. Буни мумкин дейишлари сабабли, уларнинг фикрича, жонларнинг кетиб-келиб баданларга жойлашишлари (яъни таносух)да хавф-хатар бўлмай қолади”¹³.

Ақл тана билан бевосита боғлиқдир ва инсон ҳаёти давомида шаклланиб боради. Ақлий билим ҳам жонга хизмат қилиши керак. У, яъни ақлий билим жоннинг ўз-ўзини англаши учун ёрдам бериши керак. Беруний буни қуйидагича изоҳлайди: “Ақлнинг энг яқин ёрдамчиси фикр ва табиат, энг

узоқ ёрдамчиси бешта сезгидир. Сезгилар билинганлардан бир бўлагини фикрга етказса, фикр уни сезги янглишишларидан тозалаб, ақлга топширади. Ақл уни умумий (илм)га айлантиради ва буни нафсга билдиради, нафс (жон – Л.Ю.) шу билан олимликка айланади”¹⁴.

Юқоридагилардан кўринадики, юнон, ҳинд файласуфлари ва суфийларнинг фикрича, тафаккур инсоннинг ҳаёти давомида шаклланиб боради ва унинг асосий вазифаси инсоннинг моддий оламга мослашишига ёрдам беришдир. Жондаги билим эса рухий тусга эга бўлиб, инсоннинг ҳаёти давомида шаклланиб боради, балки туғилиб бешикка беланиши биланок ҳосил бўлади. Беруний шундай ёзади: “(Ҳиндлар фикрича) илм уч йўлнинг бири билан ҳосил бўлади. У йўлларнинг бири шуки, илм илҳом билан замонсиз ва фурсат ўтмай, балки туғилиб, бешикка беланиши биланок ҳосил бўлади. Масалан, ҳикматшунос Капила туғилишидаёқ илм ва ҳикмат эгаси бўлиб туғилган. Иккинчи йўл шуки, илм бир озгина вақтдан кейин илҳом билан ҳосил бўлади. Масалан, бароҳим (брахман) болалари балоғатга етгач, илм уларга илҳом тариқасида берилган эди. Учинчи йўл шуки, илм ўрганиш орқали бир қанча вақтдан кейин ҳосил бўлади. Бу худди бошқа ҳамма одамлар балоғатга етганларида таълим олиб, илмга эга бўлганларига ўхшайди”¹⁵.

Жон танага кирганда туғма билимларнинг кўпи хотирада заифлашиб қолади. Шунинг учун тафаккур ушбу заифлашган хотирани кучайтиришга ёрдам бериши керак. Қайта-қайта ёдлаш, қайтариш орқали хотира кучайиб боради. Натижада жондаги туғма билимлар ҳам хотирага туша бошлайди.

Ҳинд, юнон файласуфлари ва суфийларнинг фикрича, тафаккур инсоннинг жонига, қалбига хизмат қилиши керак. Бу борада биз қуйидаги мулоҳазани келтирмоқчимиз:

Европа цивилизациясининг ривожланиши натижасида XVIII асрга келиб, тафаккурга бўлган муносабат кескин ўзгарди. Беруний даврида туғма билимлар жонга тегишли, тафаккур ва жон бир-бирига хизмат қилиши керак, деб ҳисобланган бўлса, XVIII асрга келиб, рационалистик фалсафий оқимларда туғма билимлар инкор этилди. Жоннинг ўзи

¹¹ Ўша манба. Б. 60.

¹² Ўша манба. Б. 72.

¹³ Ўша манба. Б. 60.

¹⁴ Ўша манба. Б. 69.

¹⁵ Ўша манба. Б. 70.

ҳам тафаккурнинг хусусияти, деб ҳисоблана бошланди. Жон ва тафаккур ўртасидаги фарқ эътиборга олинмай қўйилди. Шунингдек, илм ва билим жоннинг хотирлаш қобилияти, деган фикрлар рад этилди. Шўролар давридаги материалистик қарашларда ҳам айнан шундай рационалистик позиция мавжуд эди. Шунинг учун ўша давр тадқиқотларида Берунийнинг юнон, ҳинд файласуфлари ва суфийларда илмни жоннинг хотирлаш қобилияти деб тушунилиши ҳақидаги фикри эътибордан четда қолиб кетди. Кўриб турибмизки, аллома “Ҳиндистон” асарида юнон, ҳинд файласуфлари ва суфийларнинг билим тўғрисидаги фикрларида рационаллик билан бир қаторда иррационал дунёқараш мавжуд эканини кўрсатиб берган.

Шўролар даврида чеклаб қўйилган айрим фалсафий таълимот ва тушунчаларни бугунги мустақиллик кунларига келиб чуқур ва ҳар томонлама мукамал изоҳлашга имконият яратилди. Масалан, иррационализм таълимоти ва тушунчаси янгича таҳлил қилинмоқда: “Иррационализм инсон руҳий фаолиятининг рационаллик доирасидан ташқарига чиқувчи хилма-хил жиҳатларини биринчи ўринга сурадиган турли хилдаги фалсафий тизим ва йўналишларни ўзида бирлаштиради. Масалан, иродани (волюнтаризм), интуицияни (интуитивизм), онгсизликни (психоанализ) ва ҳ.к. Барча динлардаги мистик йўналишлар иррационализм (норационал) табиатга эга: ислом динида бу тасаввуф бўлса, Ҳиндистонда йога, Хитойда эса Дзен буддизмдир”¹⁶. Бундан кўринадики, иррационализм таълимоти ҳаётдаги ҳар қандай тизим ва қолипларни четлаб ўтиб, инсон интеллектининг иродасига бўйсунмайдиган беқиёс мураккаб ва чексиз яширин имкониятларга эга.

Иррационалистик дунёқарашда тафаккур ва интуиция ёки бошқача қилиб айтганда, ақл ва қалб бир-бирига қарама-қарши қилиб қўйилмайди. Беруний ақлий билиш билан қалбдаги билиш бир-бирига хизмат қилишини ҳинд, юнон файласуфлари ва суфийларнинг қарашларида яққол кўрсатиб берган.

Бу фикримизни тасдиқлаш учун Жалолиддин Румийнинг “Ичингдаги ичингда” асаридаги кулл-и ақл ва жузъий ақл ҳақидаги мулоҳазаларини келтирамиз.

Мавлоно Румий ақлий билимни жузъий ақл деб атаса, қалбдаги билимни эса, кулл-и ақл деб атайди ва уларнинг бир-бирларига боғланиши кераклигини таъкидлайди. Бундан биз Румийнинг “жузъий ақл” тушунчаси ҳозирги даврда ишлатиладиган “интеллект” тушунчасига ва “кулл-и ақл” тушунчаси эса “интуиция” тушунчасига айнан тўғри келишини кўришимиз мумкин. Румий яна: “Барча санъатларда жузъий ақл эгаси ўрганишга муҳтож. Кулл-и ақл эса ҳамма нарсани ўртага қўйган, топган ва майдонга келтирган. Кулл-и ақлни ақли жузъийга боғлаганлар валий ва набийлардир. Кулл-и ақл муаллимдир. Унинг ўрганишга эҳтиёжи йўқ”¹⁷, — деб мулоҳаза билдиради.

Мавлоно Румийнинг юқоридаги сўзларидан кўринадики, суфийлар ақл ва қалбни бир-бирига қарама-қарши қўймаганлар. Улар қалбдаги билимларни ботиний билимлар деб аташган, ақлий билимни эса, зоҳирий деб аташган. Ботиний билимларни кулл-и ақл бошқарса, зоҳирий билимларни эса, жузъий ақл бошқаради, деб ҳисоблайдилар. Қадимдаги бу атамалар ҳозирги даврга келиб қайтадан кўрилиб, рационализм ва иррационализм тушунчалари орқали талқин қилинмоқда.

Шўролар даврида рационализм иррационализмга қарама-қарши қўйилган бўлиб, ақл ва қалб тушунчалари бир-биридан ажратилган, ҳатто уларни бир-бирига боғлаш масаласи кўтарилмаган ҳам эди. Бироқ аллома Беруний даврида бу масала мавжуд эди ва буюк мутафаккир бу масалани, яъни қалб билан ақлнинг бир-бирига узвий боғлиқлиги, уларнинг бир-бирига хизмат қилиши кераклигини ўз асарларида баён этган.

Юқорида келтирилганлардан хулоса қилиш мумкинки, бизнинг буюк ватандошимиз Абу Райҳон Беруний қадимги Ғарб ва Шарқ мутафаккирларининг фикрларини таҳлил қилиб, қиёсий таққослаш усули орқали уларда ўхшашлик борлигини кўрсатиб берган.

Лола ЮЛДАШЕВА,

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
Фалсафа ва ҳуқуқ институти тадқиқотчиси.

¹⁶ Фалсафа комусий луғат. Т.: Шарқ, 2004. Б. 174.

¹⁷ Жалолиддин Румий. Ичингдаги ичингда. Т.: Ёзувчи, 1997. Б. 121–122.

«ИМОМ» ТУШУНЧАСИНИНГ ТАРИХИЙ-ЭТИМОЛОГИК МАЗМУНИ ВА ИЖТИМОЙ МОҲИЯТИ

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом замонларидан эътиборан имомат ва унинг вожиблиги кўплаб мутакаллим олимларнинг диққат марказида турган масалалардан биридир. Таниқли араб олими Ибн Манзур ўзининг “Лисон ал-араб” (“Араблар тили”) номли изоҳли луғатида имомат ва унинг вожиблиги тўғрисида: “ал-амму – охирги ҳаракат замма билан қасд маъносида.” дейди. “Қомус ал-муҳит” (“Қатта луғат”) нинг муаллифи Муҳаммад ибн Яъқуб ал-Фирузабодий ҳам бу сўзнинг маъноларини бир жойга жамлаб, “...қасра билан келса, ҳолат маъносини, мим қасрала бўлганда тўғри йўлга бошловчи, йўл кўрсатувчи маъносини билдиради”, – деган фикрни айтади. Имомат-имом раҳбарлигида намоз ўқиш маъносида қўлланса, замма билан “уам” шаклида бўлса, савоб ишларни ўзида жам қилган одам маъносини беради. “Амом” – бир жамоатга юборилган элчи¹. Демак, луғатшуносларнинг умумий хулосаси бир мақсадга йўналтирилган ҳидоятга бошловчи маъносида тўхтайтиди. Уларнинг фикрича, имом инсонларга нисбатан арабларда қарвонни адашмай тўғри йўлдан олиб борадиган йўлбошчига ўхшайди. Қуръонда айтилган шу маънони ифода этувчи бир қанча оятлар бор:

“Эсланг, Иброҳимни бир неча сўзлар билан Раббим имтиҳон қилганида, уларни мукаммал адо этди. Шунда (Аллоҳ): “Албатта, Мен сени одамларга имом (пешво) қиламан”, – деди”².

“Биз (Иброҳимга) Исҳоқни ҳадя этдик ва Яъқубни ҳам (набира қилиб) қўшиб бердик ҳамда барчаларини солиҳ кишилар қилдик. Яна уларни Бизнинг амримиз билан (одамларни) ҳидоят этадиган пешволар қилдик ва уларга яхши амаллар қилишни, намозни баркамол адо этишни ва закот беришни ваҳий қилдик”³.

Имом сўзи қандай йўл, қандай жиҳат ёки қанақа томонга бўлишидан қатъи назар, у яхшилик йўли ҳам, ёмонлик йўли ҳам бўлиши мумкин. У йўл кўрсатувчи, йўллагувчи, бошқарувчи маъносини билдиради. Луғатшунослар ушбу маъноларни Қуръони

каримга ишора қилган ҳолда зикр қиладилар. Жумладан, “Лисон ал-араб” изоҳли луғатида имом сўзи йўлга бошқарувчи маъносида келган. Аммо Қуръони каримда келтирилган ояти карималарнинг аксариятида имом ал-ҳодий ал-хайр (яхшиликка бошловчи) маъносида қўлланганлигини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Чунончи, бу тушунча Аллоҳ таоло хитоб қилган ёки имом деб васф қилган одамларнинг табиатидир.

Шу боисдан ҳам, кўпчилик оятларда келтирилган Унинг каломи расул ва анбиёларга йўналтирилган. Расул ва анбиёларнинг табиатида эса фақат ҳидоят, итоат, имон кабилар бор. Шунингдек, имом зикрида ёмонлик ва куфрга ҳидоят маъноларининг ҳам муносиб ўрни бўлиб, ушбу каломнинг кимга қаратилганлигига боғлиқ. “Уларни дўзахга чорлайдиган пешволар қилиб қўйдик. Қиёмат кунида ҳам уларга (ҳеч ким томонидан) ёрдам берилмас”⁴ ояти каримасидаги калом Фиръавнга қаратилган эди. Кофирларнинг ўз ваъдаларида турмасдан яна аввал қилиб юрган куфр ишларига қайтганларидан кейин шу оят нозил бўлган. “Агар аҳдлашганларидан кейин (уни) бузсалар ва сизларга динингизни таъна қилсалар, унда (бу каби) куфр пешволарига қарши жанг қилингиз! Зеро, улар учун (ҳеч қандай муқаддас) қасамлар йўқдир. Шояд (шунда қилмишларидан) қайтсалар”⁵ оятига асосланган.

Имом хусусидаги мулоҳазамизни давом эттирадиган бўлсак, имом ҳидоятга бошловчи ёки фақат шунга ўхшаш ишларга йўллайдиган шахсдир. Имом буюрадиган ишлар баъзан яхши, баъзан эса ёмон ҳам бўлиши мумкин. Анбиёлар, расуллар, солиҳ зотлар хайрли ишларнинг имомлари ва ҳодийларидир. Улардан бошқа кофирлар ва мушриклар эса ёмонликнинг йўлбошчилари ва пешволари ҳисобланадилар.

Шундай қилиб, бу атамаларнинг муомалага кириш жараёни аслида пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом даврларида пайдо бўлган бўлса-да, у билан боғлиқ ихтилофли масалалар нисбатан кейинроқ, ҳижрий III асрнинг бошланишидан эътиборан, илми-л-каломга оид асарлар таълиф этилиши билан бошланган. Мутакаллимлар шундан кейин ўз китобларида имомат масаласига махсус боблар бағишладилар. Яна шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мутакаллим олимлар биз юқорида

¹ Муҳаммад ибн Яъқуб ал-Фирузабодий. Ал-Қомус ал-муҳит. 2-нашр. 4-жилд. Қоҳира. 1344 х. Б. 75—76.

² Қуръони карим маъноларининг таржимаси: Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур. Т.: Тошкент ислом университети, 2001. Б. 19. “Бақара” сураси, 124-оят.

³ Ўша манба. Б. 327 – 328. “Анбиё” сураси, 72-73-оятлар.

⁴ Қуръони карим маъноларининг таржимаси. Б. 390. “Қасас” сураси, 41-оят.

⁵ Ўша манба. Б. 188. “Тавба” сураси, 12-оят.

зикр қилган “мўъминлар амири”, “халифалик”, “имомлик” маъноларидаги имоматга эътироз билдира бошладилар. Чунки улар ҳам диний, ҳам дунёвий ишларда имомат тушунчасини “мўъминларнинг ишларини бошқариш” деб бир хил тушундилар. Уларнинг фикрича, Куръон ва ҳадиси шарифни билувчи ҳар қандай мусулмон ижтимоий келиб чиқиши ва ҳолатидан қатъи назар имом бўла олади. Бу бизга маълум ибодатдаги имомлик бўлиб, аввал бошида намозга Пайғамбар алайҳиссалом имомликка ўтганлар. У зот умрларининг охирларида бетоблик боис Абу Бакрга бу ишни топширганлар.

Аббосийлар (749–1258) даврига келиб вазият кескин ўзгарди, яъни энди ибодатга махсус тайёргарлик кўрган кишилар бошчилик қилдилар. Фотимий ҳукмдорларда (909–1171) эса рамазон ойи давомида жума кунлари халифанинг имомлик вазифасини ўз зиммасига олиши анъана тусига кирди. Шу тариқа, секинлик билан “ибодатга сўзи ўткир, ижтимоий ва сиёсий мавқега эга бўлган нуфузли шахслар бошчилик қилиши керак” деган тушунча шакллана бошлади. Кўпинча, бу вазифани хошимийлар авлодидан бўлган шахслар зиммасига олди. Шиаларда, суннийларга хилоф равишда, имом Аллоҳ ва банда ўртасидаги воситачи вазифасини ўтайди. Биринчи шиа имоми сифатида Али (р.а.) эълон қилинган ва бу вазифа ундан фарзандларига мерос қолган⁶. Улар бу масалага алоҳида эътибор берган бўлсаларда, бошқа мутакаллимлардан фарқли ўлароқ, халифаликнинг ўзини инкор қилиб, имомга эргашишни қўллаб-қувватладилар. “Ал-Аҳком ас-султония” (“Хос (асосли) ҳукмлар”) асарининг муаллифи Абу-л-Ҳасан Али ибн Муҳаммад ал-Мовардий шундай деган: “Аллоҳ таоло ўз умматига бир раҳнамо кишини вакил тайин қилдики, у нубувватга ўринбосар бўлди. Динга уни қўриқчи-муҳофиз қилди. Сиёсат ишларини ҳам шаръий диннинг тадбирини кўриш учун унга топширди. Одамларнинг барчаси унинг фикрини қўллаб-қувватлайдилар. Шу тариқа, имомат уларга бир пойдевор каби бўладики, элу юрт, диннинг қоидалари ўша пойдевор асосида барқарорликка эришади. Халқнинг манфаатлари унинг сабабидан тартибга солинади. Унинг шарофати билан барча-барчасининг иши собитликка эришади.

⁶ Тўлиқроқ маълумот олиш учун қarang: Encyclopedie de l'islam. Dictionnaire géographique, ethnographique et biographique des peuples musulmans. Leyden – Paris, 1931; Петрушевский И.П. “Ислам в Иране VII – XV веках”. Ленинград. “Издательство Ленинградского университета”. 1996; Thoraval Y. Dictionnaire de civilization musulmane. Paris. “Larousse”. 2001.

В данной статье анализируется историческое происхождение понятия имама и на основе данного лингвистического анализа раскрывается социальной ответственности религиозных деятелей носящих звания имама. На основе исторических документов обоснуется миссия современных имамах перед своего народа.

This article analyzes historical origin of the conception of «imams» and on the basis of this linguistic analysis social responsibilities of religious workers, working as imams are defined. On the basis of historical documents the authors discusses the mission of modern imams before is the nation.

Амоматдан махсус фармонлар, буйруқлар содир бўлади”⁷. Алломанинг бу қарашларига ҳамоҳанг фикрларни Имом Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Умар Фахриддин ар-Розий, ас-Саъд ат-Тафтазоний ҳамда муҳаддислардан ас-Саййид Муҳаммад Рашид Ризода ҳам учратишимиз мумкин⁸.

Демак, имомлик динга риоя қилиш асосида қурилган. Чунки динга эътибор натижасида ҳад-чегара бехатар бўлади, шариат қонун-қоидалари ва диний таълимотлар амалга оширилади. Пайғамбар алайҳиссалом Мадинага ҳижрат қилганларидан кейин бир вақтнинг ўзида ҳам набий, ҳам элчи ва ҳам ҳоким бўлдилар. Чунки у Зот мусулмонларнинг диний ва дунёвий ишлари билан боғлиқ барча масалаларга масъул бўлиб қолдилар. Мана шу ҳолат имоматнинг бош, асосий мазмун-моҳияти (жавҳари) ҳисобланиб, у имомат масаласи билан шуғулланган машхур олимларнинг келтирган таърифлари билан ҳамоҳангдир. Умумий раҳбарлик — раёсат — “ал-амма” калимасини аллома ар-Розий ва ат-Тафтазоний қўллаган бўлсалар ҳам, бу маънони олим Мовардий зикр этмаганини эслатиш мумкин. Имом ар-Розий имоматни бир қадар чегаралаб, кўп шахслардан танланган бир шахсга юклатилганлигини уқтиради.

Лекин Абдурахмон ибн Халдун имомат таърифида биз юқорида зикр қилган тақлидий-анъанавий таърифлардан фарқ қиладиган бир манҳаж⁹га амал қилади. У, жумладан, имоматнинг таърифида инсон табиати ва ҳукм юритиш тизимлари бўйича инсон билан ҳам, ижтимоий тузум билан ҳам боғлиқ бир

⁷ Абу-л-Ҳасан Али ибн Муҳаммад ибн Ҳабиб ал-Басрий ал-Бағдодий ал-Мовардий. Ал-Аҳком ас-султония. Қоҳира. 1380 х. Б. 3.

⁸ Ал-Мовардий. Ал-Аҳком ас-султония; Саъдуддин Масъуд ибн Умар ат-Тафтазоний. Матн макосид ат-толибин (ас-Саййид Муҳаммад Рашид Ризо ўзининг “Ал-Хилофа” номи китобида ушбу асардан танлаб-танлаб келтиради). 1305 х.; Ас-Саййид Муҳаммад Рашид Ризо. Ал-Хилофа ав ал-имома ал-узма. Қоҳира. 1341 х.

⁹ Режа, дастур.

қоидани келтиради. Шунга кўра, Абдурахмон ибн Халдун “Бошқарув тизимлари ёки мулк” номли асарида уни “Ал-Мулк ат-табиъий” — “Табиъий подшоҳлик” деб таърифлайди. У мақсад ва интилиш, кучли истакка кўра барча нарсаларни ўз зиммасига олишдир¹⁰. Ундан сиёсий ҳокимият пайдо бўлади ва бу “барча нарсаларни ақлий назар тақозосига кўра дунёвий ишлар манфаатлари эътиборини тортиш ва зарарли нарсаларни даф қилишда зиммасига олишдир”¹¹. Ибн Халдун бошқарув табиатини олдинги турига кўра таърифлаб, дейди: “Мулкнинг ҳақиқати шундай зоҳир бўлдики, у инсонлар учун зарурий бирлашишдир. Унинг тақозосига кўра эғалик қилиш ва қаҳр қилиш келиб чиқади. Зеро, ҳар иккиси ғазаб ва ҳайвонийлик аломатларидан ҳисобланади. Унинг ҳукмдорлари (ҳукмлари соҳиби), кўпинча, адолатсизлик билан қўл остидаги халққа нисбатан ҳақиқатдан четга чиқиб, жабр-зулм қилганлар. Бу ишлар дунёвий ишларда ҳукмдорнинг мақсадлари ва қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда уларнинг курби етмайдиган нарсаларни зиммасига юклагани боис адолатсизликка йўл қўяр эдилар. Олдин қўйилган мақсадларнинг ўзгариши билан бу иш ҳам ўзгаради. Шу боисдан ҳам, унга итоат қилиш қийинлашади. Натижада ғалаён ва турли қирғинлар келиб чиқди. Бу ҳол эса, ўз-ўзидан, шу соҳадаги сиёсий қонун-қоидаларни ишлаб чиқишга зарурат туғдирди”¹².

Ибн Халдун бошқарув тизимининг (низом ал-ҳукм) икки турини зикр қилган:

Биринчиси, ибтидоий одамнинг ҳаётига яқинроқ бўлиб, бу каби тузумда одамнинг онгида ёввойиликдан қандайдир бир қўриниш устун бўлган. У кучли, зўр одам боқий бўлади, деган ақида билан яшайди. Буларнинг тузуми шафқатсизлик ва истибоддга асосланган.

Ибн Халдун назарда тутган иккинчи тур, аслида, ривожланган инсон ҳаётини ўзида мужассам қилади. Бу соғлом жамиятда мавжуд бўлиб, унинг ижтимоий низоми-тузуми, конституциявий ҳукми йўлга қўйилган.

Ибн Халдун сиёсий, ижтимоий, маданий томонлари билан бир қаторда диний-руҳий жиҳатлари билан ҳам ажралиб турадиган бир жамиятда яшаган эди. Шу туфайли ҳам, Ибн Халдуннинг ижтимоий тузумида учинчи тур ҳам бўлиб, у моддий ва руҳий томонлари ўзида

бирлаштиради. Дунёвий ишларни ҳам, диний ишларни ҳам эътибордан четда қолдирмайди. Ибн Халдун унга шундай таъриф беради: “Ўзининг ухровий ва дунёвий манфаатлари хусусида уларга тегишли шаръий нуқтаи назар тақозосига кўра барча масалаларни зиммасига олишлари лозим. Чунки шаръий олим назарида дунёнинг ҳар қандай ишлари ўз эътибори билан охиратнинг манфаатларига бориб тақалади. Аслида, у динни қўриқлаш ва дунёвий сиёсат олиб бориш масаласида шариат олимлари назарида халифаликка оид бир тушунчадир”¹³. Шу ўринда, Ибн Халдун имомларнинг мусулмонларга ибодатда раҳбарлик қилиш билан бирга, дунёвий ишларида ҳам, мавжуд маданий, ижтимоий тузумнинг мазмун-моҳиятини тўла очиб беришда ҳам ўзига хос ўринга эга эканликларини уқтирмакда. Бу эса инсонларнинг икки дунё саодатига эга бўлишлари учун алоҳида аҳамият касб этади.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, ҳозирги жамиятимизда ҳам имом ва имомлик тушунчалари мавжуд бўлиб, улар айнан инсонларни Аллоҳ таоло ўзининг Қуръони каримида белгилаб берган кўрсатмаларига оғишмай амал қилишга чорловчи, хайрли ишларга даъват этувчи ва Аллоҳ таолонинг тўғри йўлига бошловчи маъноларида қўлланади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, имомлик нафақат диний, ибодатга алоқадор, балки дунёвий-ижтимоий мазмунга ҳам эга эканлигини эътибордан қочирмаслик керак. Ҳақиқатан ҳам, имом сўзи йўлбошчи, раҳнамо, уюштирувчи, ижтимоий жараёнларнинг бориши ва йўналишига масъул киши деган маънони беради. Шундай экан, бугунги кун имомлари мақсад-вазифаларидан келиб чиқадиган масъулиятни ҳис қилган ҳолда ижтимоий жараёнларда фаол иштирок этишлари, Ватан равнақи, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлигига ўзларининг хайрли улушларини қўшишлари лозим бўлади.

Иргаш ДАМИНОВ,

Имом Бухорий халқаро маркази илмий котиби.

¹⁰ Абдурахмон ибн Халдун ал-Мағрибий. Ал-Мукаддима. Миср. 1322 х. Б. 190.

¹¹ Ал-Мукаддима. Б. 190.

¹² Ал-Мукаддима. Б. 190.

¹³ Ал-Мукаддима. Б. 191.

ҲАКИМ ТЕРМИЗИЙ ВА НАҚШБАНДИЯ ТАРИҚАТИ

Ҳаким Термизийнинг тасаввуфдаги ўрни. Ҳаким Термизий (ваф. 932) ўзи яшаган тасаввуфий муҳитда катта обрў-эътибор ва таъсирга эга шахслардан бўлган. Унинг 200 га яқин рисоласи бўлиб, булар асосан рухий-маънавий таълимотларни ўз ичига олиб, мухлислар саволларига юксак савияда берилган жавоб, йўл-йўриқ ва кўрсатмалардир. Савол-жавоб тарзидаги рисоаларнинг бу даражада кўплиги Ҳаким Термизий ўз даврида тасаввуф оламида ғоятда улкан мавқега эга бўлгани ва жамиятнинг эътибор марказида турганидан далолатдир. Хаттоки, у ўзи яшаган муҳитда жуда катта таъсирга эга бўлган *маломатия* сулукига асос солган уч шайхдан бири Абу Усмон Ҳирийнинг сулукдаги камчиликларини унга жавоб тариқасида йўллаган мактубида очикдан-очик ёзиб, унга керакли насихатлар бериши, шу билан бир қаторда минтақадаги яна бир кучли тасаввуфий йўналиш – *карромийлик* таълимотига қарши чиқиши Ҳаким Термизийнинг ўзига хос мустақил йўналиш ва маслак соҳиби эканини тасдиқлайди. Алломанинг таъсир доираси фақат ўзи яшаган давр ва минтақа билан чегараланиб қолмаган. Биз унинг асарлари Имом Ғаззолий (1058—1111), Ибн Арабий (1165—1240), Ибн Қаййим Жавзий (1116—1201), Хожа Муҳаммад Порсо (1345—1419) ва бошқа йирик мутасаввифлар ижодига таъсир этганини кузатишимиз мумкин.

Имом Ғаззолийнинг машҳур «Ихё улум ад-дин» асарининг «Китоб ал-илм» ва «Китоб руб‘ ал-муҳликот» деб номланувчи бўлимларида Ҳаким Термизийнинг таъсири яққол кўзга ташланади. Жумладан, «Китоб ал-илм»да келтирилган қалбнинг тақсмоти худди Ҳаким Термизийнинг «Баён ал-фарқ» асарида тасвирланган қалбни ташкил этувчи қисмларнинг ўзгинасидир. Шунингдек, ушбу бўлимдаги ал-илм аз-зоҳир ва илм ал-ботин, ақл, нафс, рух, қалб тушунчалари ҳақидаги фикрлари ҳам Ҳаким Термизийнинг «Баён ал-илм», «Анво‘ ал-улум», «ал-А‘зо ва-н-нафс» номли асарларидан бевосита ўзлаштирилган.

«Китоб руб‘ ал-муҳликот»да эса Имом Ғаззолий Ҳаким Термизийнинг «ал-Акёс вал-муғтаррин» асарида истифода этганига гувоҳ бўламиз. Унинг асарларида ал-Ҳаким ат-Термизийнинг «валоят» ва «хатм ал-авлиё» борасидаги қарашлари такрор-такрор зикр этилади. «Футухот ал-маккийя» асарида Ибн Арабий Ҳаким Термизийнинг «Хатм ал-авлиё»

асарида кўрилган масалалар шарҳига алоҳида катта бўлим ажратади. Чунончи, Ибн Арабий бу асарида Термизийнинг «Хатм ал-авлиё» асарида ўртага ташланган саволларга жавоблар берган. Ушбу саволлар 157 та бўлиб, улар Ҳаким Термизий томонидан ўзини авлиё деб ҳисоблайдиган шахсларга берилган¹. Бундан аввал эса Ибн Арабий ушбу саволларга доир мустақил китоб «ал-Жавоб ал-мустақим ‘амма са’ ала ‘анҳу ат-Термизий ал-Ҳаким» асарини таълиф этган эди. Мазкур асарнинг бир қўлёзма нусхаси Искандария (Миср) шахрининг «Мактабат ал-баладийя» кутубхонасида (инв.) №3467 тартиб рақами остида сақланади². Ибн Арабий Термизийнинг фақат валоят ва нубувват ҳақидаги фикрларини ўзлаштириб қолмай, аллома таълимотининг бошқа қирраларини ҳам ўз асарларида мужассам эттирган.

Алломанинг Ибн Арабийга таъсири унинг «ат-Тадрибот ал-аҳдийя фи ислоҳ ал-мамлака ал-инсонийя» асарида ҳам кўринади. Чунончи, Ибн Арабий дейди: «Инсон дунёсининг асоси – қалбдир, унинг вазири – ақлдир. Ушбу ақл қалбга шундай бир ахлоқ ва сифатлар тақдим этиши лозимки, булар билан у мамлакат ишларини вазминлик, қатъиятлик билан юқори даражада бошқара олсин»³. Бу қарашлар эса Ҳаким Термизийнинг «Наводир ал-усул»идаги 220-усул билан ғоятда мутаносиб⁴.

Шунингдек, Ибн Қаййим Жавзий ўзининг «ар-Рух» асарида нафс ҳолатларини тасвирлаётиб, баъзи сўзларнинг маъноларини очиб беришда Ҳаким Термизийнинг асарларидан фойдаланади, лекин ҳеч бир ўринда ундан иқтибос келтираётганини зикр этмайди. Ваҳоланки, муаллиф ўзи таянган манба ва уларнинг муаллифларини тартибли равишда зикр этиб келган⁵. Чунончи, Ибн Жавзий ушбу асарида «Маҳобат ва кибрнинг бир-биридан фарқлари» бўлимини ёзишда Ҳаким Термизийнинг «ал-Фуруқ ва ман‘ ат-тародуф» асари таъсирида бўлганлиги яққол сезилиб туради⁶.

Шунингдек, Зиёуддин Аммор ибн Муҳаммад ибн Аммор Бадлисий (ваф. 590/1194) ўзининг «Баҳжат ат-то‘ифа би-л-лоҳи ‘орифа» (Аллоҳни билувчи тоифанинг сурури)

¹ Ҳаким Термизий бу саволларга жавоб бера олган шахсларнигина «авлиё» деб санаш мумкин деб ҳисоблаган. Мазкур 157 саволнинг аксариятининг жавоби «Наводир ал-усул»да мавжуд. Тадқиқот мобайнида Ибн Арабийнинг саволларга берган баъзи жавоблари Ҳаким Термизийнинг асарларида мавжуд бўлган жавобларга мос келмаслиги аниқланди.

² Уватов У. Ал-Ҳаким ат-Термизий. Т.: Маънавият, 2001. Б. 26.

³ Жуюший М.И. Ал-Ҳаким ат-Термизий диросат ли осорихи ва афкориhi. Қоҳира: Дор ан-наҳда, 1980. Б. 334.

⁴ Қаранг: Ал-Ҳаким ат-Термизий. Наводир ал-усул. Қоҳира: Дор ар-район ли-т-турос, 1988. Т. II. Б. 189.

⁵ Жуюший М.И. Ал-Ҳаким ат-Термизий диросат ли осорихи ва афкориhi. Б. 334.

⁶ Ибн Қаййим ал-Жавзий. Ар-рух / Ас-Саййид ал-Жамилий нашрга тайёрлаган. Байрут: Дор ал-китоб ал-арабий, 1996. Б. 351.

В статье рассматривается влияние известного суфия Хакима Тирмизи на учение тариката нақшбандия. Автор анализирует цитаты из произведений Тирмизи, приведённые в книге «Фасл ал-хитаб» – являющийся главным источником тариката, который принадлежит перу великого теоретика нақшбандия – Ходжи Мухаммада Порса. В заключении указывается на то, что, тарикат заимствовал в основном своеобразные взгляды Тирмизи о понятии «Ахл ал-байт» – «Семья пророка».

The article reveals the influence of famous sufi Khakim Tirmizi on the teachings of Naqshbandi school. The author analyses the citations from Tirmizi that are given in "Fasl al-Hitab" of Khodja Muhammad Porso, the theoretic of Naqshbandi school. As a conclusion, the author shows that Naqshbandi took many aspects about "Ahl al-Bayt" (family of the Prophet) from the works of Tirmizi.

асарини яратишда Ҳақим Термизийнинг «Хатм ал-авлиё» асаридан жуда кенг фойдаланган⁷. Маълумки, Бадлисий мовароуннахрлик машхур суфий шайх, кубравия тарикатининг асосчиси Нажмиддин Кубронинг пир-муршиди бўлган⁸.

Жалолуддин Суютий ҳам «ал-Итқон фи улум ал-Қур’он» китобидаги «Синоним деб гумон қилинадиган, лекин синоним бўлмаган лафзлар қоида» бўлимини Ҳақим Термизийнинг «ал-Фуруқ ва ман’ ат-тародуф» асари асосида ёзган. Шунингдек, «ал-Итқон»нинг «Қарашлар ва нуқтаи назарларни билиш» бўлимидаги фикрлар Термизийнинг «Таҳсил назо’ир ал-Қур’он» асаридаги қарашларнинг айнан ўзидир. Кўплаб бошқа олимлар ҳам Ҳақим Термизийнинг улкан илмий меросидан истифода этганлар. Зеро, АҚШлик тадқиқотчи Николас Ҳир ёзганидек, Ҳақим Термизийнинг ўздан кейинги суфийларга бевосита мурид ва шогирдлари орқали таъсиридан кўра, ўз асарлари ва рисоалари билан кўрсатган таъсири тўлароқдир. Унинг китобларидан яқин даврларгача кўплаб нусхалар кўчирилгани, бу асарлар қанчалик одамларга маъқул бўлгани ва улар унга нақадар эҳтиёж сезганликларини таъкидлайди⁹.

Нақшбандия таълимоти шаклланишида Ҳақим Термизий илмий меросининг ўрни. Ҳақим Термизий Мовароуннахр ва Хуросонда тасаввуф илми таракқиётида катта ўрин эгаллаган улуғ шахсдир. Абдулрахмон Жомий «Нафаҳот ал-унс» асарида келтиришича,

⁷ Усмон Яҳё. «Хатм ал-авлиё» нашрининг кириш қисми. Байрут: ал-Мактаба ал-қослуқийа, 1965. Б. 38.

⁸ Қаранг: Кныш. А. Мусульманский мистицизм. М.: Диля, 2004. Б.222.

⁹ Николас Ҳир. Ал-Ҳақим ат-Термизийнинг “Баён ал-фарқ байн ас-садр ва-л-қалб ва-л-фу’ад ва-л-лубб” асари нашрининг кириш қисми. Қоҳира: Мактаба ал-қуллийа ал-Азҳарийа, 1957. Б. 12.

буюк мутасаввиф, нақшбандия тарикатининг асосчиси Баҳоуддин Нақшбанд Ҳақим Термизийнинг қарашлари ва китобларидан кенг истифода этган: “Ҳазрат Хожа Баҳоуддин Мухаммад Бухорий ал-маъруф Нақшбанд вақтики, ўз мабодий аҳволу сулукидин ҳикоят айтурлар эрмиш ва машойихи қибор арвоҳиға ўз таважжухларининг асарин баён қилур эрмиш. Дер эрмишларки, ҳар қачон қидват ул-авлиё Хожа Мухаммад Али Ҳақим Термизий руҳиға таважжух воқеъ бўлур эрди, ул таважжух асари маҳзи бесифатлиғ зухури эрди ва ҳар неча ул таважжухда сайр воқеъ бўлур эрди, ҳеч асаре ва гарде ва сифате мутолаа тушмас эрди”¹⁰. Яъни таважжух онида, руҳ билан ботиний боғланган пайтда худди тирик ҳолида кўргандек, аниқ-тиниқ суҳбат қураб эди.

Ҳақим Термизийнинг нақшбандия сулукига таъсири асосан Баҳоуддин Нақшбанднинг энг яқин шогирди, унинг ўринбосари (халифаси), кейинчалик эса тарикат шайхи бўлган Хожа Мухаммад Порсо¹¹ орқали кечган. Мухаммад Порсо турли диний масалаларга нақшбандийликнинг муносабатини ифодалашга бағишлаган «Фасл ал-хитоб» асарида Ҳақим Термизийнинг илмий меросидан самарали фойдаланади¹². «Фасл ал-хитоб» нақшбандийлик сулуки қарашларини ифодаловчи муҳим манбадир¹³. Унда кўплаб уламоларнинг у ёки бу масаладаги фикр ва қарашлари келтирилади. Биз ушбу асарда Ҳақим Термизий номини 22 маротаба учратдик. Энг муҳими, «Фасл ал-хитоб»да Ҳақим Термизийнинг бизгача етиб келмаган ҳамда суфийлар ҳақидаги илк яратилган табақот асари деб ҳисобланган «Та’рих ал-машойих»¹⁴ асаридан иқтибос келтирилган, бу эса Хожа Мухаммад Порсо даврида «Та’рих ал-машойих» маълум бўлганлигидан дарак беради. Зеро, шу пайтгача бу китобнинг мавжуд бўлганлиги баъзи тадқиқотчилар томонидан шубҳа остига олинади.

«Фасл ал-хитоб» асарида «Наводир ал-усул»дан ўндан ортиқ иқтибослар келтирилади. Иқтибослар одатда «қола аш-

¹⁰ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 жилдлик. 17-жилд Т.: Фан, 1994. Б.84.

¹¹ Қаранг: Каримов Э.Э. Суфийские тарикаты в Центральной Азии XII-XV вв. : Дис. ... тар. фан. док. – Т.: ЎзР ФА ТИ, 1998. – Б. 148.

¹² Порсо ўзининг «ат-Таҳқикот» асарида ҳам Ҳақим Термизийнинг меросига мурожаат этади. Қаранг: Хожа Мухаммад Порсо. Ат-Таҳқикот. ЎзР ФАШИ. Қўлёзма № 1411. В. 109 б.

¹³ Асар бир неча бор қайта-қайта нашр этилиб, ислом уламолари томонидан энг ишончли қўлланма сифатида фойдаланилган, шариат, тарикат, диний фирқалар тўғрисида бирон-бир мунозара чиқса, шу асарда келтирилган фикрлар ишончли далил-ҳужжат деб қабул қилинган. Асарда исломда бахсли ҳисобланган 500 га яқин масала батафсил ёритилган. Қаранг: Ислом энциклопедия. Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2004. Б. 258.

¹⁴ Ушбу асар «Табақот ас-суфийя» номи остида «Қашф аз-зунун»да қайд этилган ҳамда Ҳақим Термизийга нисбат берилган.

шайх Абу Абдуллоҳ фи-л-асл (усулнинг рақами келтирилади) мин китобиҳи “Наводир ал-усул” шаклида бошланади. Баъзи иқтибослар тўлиқ бобларни ўз ичига олади.

«Фасл ал-хитоб»да «Наводир ал-усул»дан куйидаги мавзулар келтирилган:

5-усул – Салафларнинг жундан тўқилган кийим кийиб, узлатга чекиниб, одамларга аралашмасдан Аллоҳ йўлида шу ишларни қилганликлари, кейинги баъзи тоифалар эса бу ишларни риё учун қилаётганликларининг танқиди.

32-усул – Бўхтон сўзининг маъноси, унинг «бўхтон» деб номланишига сабаб, у қалбни ҳайрон қолдиради (*йабҳату*), шунингдек, у оғир гуноҳ экани Аллоҳ таоло томонидан Қуръонда маълум қилганлиги.

50-усул – Аҳли байт ҳақида, аҳли байт бу фақат Расулуллоҳнинг оилалари эмас, балки Аллоҳ танлаган бандалар эканлиги. Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг «аҳли байтга эргашиб залолатга учрамайсиз», – деганлари бу фикр ва илмни яхши эгаллаган фуқаҳо ва уламоларга эргашиш дегани эканлиги. Шунингдек, Қуръондаги «*ули ал-амр минкум*» оятидан мақсад уламо ва фуқаҳолар экани.

124-усул (янги нашрда 122) – Мусулмон умматининг аввали ва охири яхши, ўртаси қоронғи эканлиги ҳақида. Бу умматнинг аввали ва охири худди тарозининг икки палласига ўхшашлиги, ўртаси эса тарозининг тили экани, агар икки палла тенг турса ўртаси ҳам текис туриши, агар бир томони оғиб кетса, мувозанат бузилиши ҳақида.

146-усул (янги нашрда 144) – Худди туялар ичида зотли юк ташувчи туялар кам бўлганидек, одамлар ичида муваҳхидлар кам, муваҳхидлар ичида Аллоҳ тизгини билан жиловланган мустақимлар кам, мустақимлар орасида сиддиқлар кам. Улар Аллоҳ учун бағоят қадрлидирлар. Жаннатий одам – мол-дунё келганда ортиқча хурсанд бўлмайдиган, мол-дунё кетса хафа бўлмайдиган одамдир. Энг яхши мўмин қалби тоза, тили ростгўй одамдир.

217-усул – Юсуф, Юнус, Яҳё ибн Закариё алайҳиссаломларнинг Аллоҳ томонидан имтиҳон қилиш учун жазоланганликлари ҳақида;

223-усул (янги нашрда 222) – Аҳли байт Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг орқаларидан эргашган сиддиқлар эканлиги. (Бу боб Али (р.а.)ни бошқа саҳобалардан устун қўядиган тоифаларга раддиядир.)

269-усул (янги нашрда 267) – Илм уч хилдир: 1. Аллоҳни билиш; 2. Аллоҳнинг тадбирларини билиш; 3. Аллоҳнинг амрларини билиш.

Аллоҳ таоло бандаларни турли тоифа қилиб яратди ва уларга зарур бўлган илмни берди. Улар илм билан Парвардигор қудрати, зоти ва сифотини танийдилар, илм билан Унга ибодат қиладилар.

277-усул (янги нашрда 275) – султонлар ҳақида: Султон Аллоҳнинг ердаги сояси, Аллоҳнинг мазлум бандалари паноҳ топиш учун унга мурожаат қиладилар. Агар адолат қилса, унга ажр ёзилади, раъият эса шукр қилади, агар жабр қилса, унга гуноҳ ёзилади, раъият эса сабр қилади.

Шулар билан бир қаторда «Фасл ал-хитоб»да Ҳаким Термизийнинг валоят, аҳли байт, хос авлиёлар, уларга Аллоҳ томонидан билдирилган Аллоҳнинг гўзал исмлари¹⁵, ваҳий, нубувват, Қуръондаги латоифлар, каромат, Абу Ҳанифанинг сулукка кириб жун киймоқчи бўлганлари, лекин бу ишдан қайтарилганлари ҳамда баъзи оят тафсири, нафс, қалб ҳақидаги фикрлари келтирилади¹⁶.

Шуниси диққатга сазоворки, Порсо «Наводир ал-усул»дан фақат «сиҳоҳ ситта»га кирмаган ҳадисларни Ҳаким Термизийнинг уларга берган шарҳи билан бирга келтиради. Агар ҳадис «сиҳоҳ ситта»да келган бўлса, у ҳолда ҳадисни улардан ривоят қилади. Лекин Ҳаким Термизийнинг «Наводир ал-усул»идан бошқа бир асаридан ҳадис ривоят қилса, баъзан уларнинг «сиҳоҳ»да ҳам ким томонидан ривоят қилинганлигини кўрсатиб ўтади. «Фасл ал-хитоб» асарида «Наводир ал-усул»дан «сиҳоҳ ситта»га кирмаган ҳадисларнинг ривоят қилиниши Ҳаким Термизийнинг нақшбандийлик сулукидаги бекиёс ўрни ва унинг ишонч соҳиби эканлигидан далолатдир. У ўз даврида текинхўрлик ва фаолиятсизликни тарғиб этувчи карромий фирқасига қарши фикрлар билдирган. Кишиларни деҳқончилик ва хунармандчилик билан машғул бўлишга чақирган. Бу айти «Дил ба ёру, даст ба кор» ғоясининг илдиизидир.

Шубҳасиз, «Фасл ал-хитоб»нинг нақшбандийликдаги ўрни бекиёсдир. Ушбу асар нақшбандийликнинг назарий пойдеворини ўзида мужассам этган. Унинг таълиф этилишида «Наводир ал-усул» катта аҳамият касб этгани Ҳаким Термизий таълимотининг бу сулукка бевосита таъсири бўлганлигини кўрсатади.

Иброҳим УСМОНОВ,
тарих фанлари номзоди.

¹⁵ Улар бу исмлар билан кароматлар кўрсата оладилар.

¹⁶ Қаранг: Хожа Мухаммад Порсо, Фасл ал-хитоб. Т.: Литография Гулям Хасан Арифджанова. ТИУ манбалар хазинаси. Тошбосма № 34.

АБУ БАКР РОЗИЙНИНГ ҲАЁТИ ВА ИЛМИЙ МЕРОСИ

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, барча соҳаларда бўлгани каби миллий-маънавий меросимизга бўлган муносабат ҳам тубдан ўзгарди. Асрлар давомида халқимизнинг эътиқодини ўзида акс эттирган муқаддас динимиз асосидаги ота-боболаримиздан мерос бўлиб қолган маънавий бойлик изчил ўрганила бошланди. Бу ҳақда Юртбошимиз Ислом Каримовнинг шундай фикрлари бор: «Агар мендан, нега миллий қадриятларимиз шунча замонлар оша безавол яшаб келяпти, деб сўрашса, бу аввало, муқаддас динимиз ҳисобидан, деб жавоб берган бўлур эдим. Шу заминда ўтган неча-неча авлодлар диний эътиқодни юракда сақламаса, ислом фалсафасини ривожлантириб келмаса, биз бебаҳо ва бетакрор маънавий-руҳий меросдан маҳрум бўлиб қолардик»¹. Мана шу бой меросни чуқур таҳлил қилиб, ҳаётга татбиқ этиш ва ўсиб келаётган баркамол авлод тарбиясида ундан самарали фойдаланиш катта аҳамиятга эга. Шунингдек, Президентимиз Ислом Каримов айтганларидек: «Биз Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳмад Яссавий, Замахшарий, Имом ал-Мотуридий каби мутафаккирларимизнинг қутлуғ меросидан бутун халқимиз, жумладан ёшларимиз ҳам баҳраманд бўлишига, уларнинг мана шундай маънавий муҳитда камол топишига, ислом динининг инсонпарварлик фалсафаси, буюк ғоялари ёш авлод юрагидан жой олишига шароит яратмоқдамиз»².

Тафсир илми инсон тафаккури ривожлангани ҳамда дунёда янгидан янги кашфиётлар кўпайгани сари замон ва маконга қараб вақти-вақти билан услуби ва ҳажми доимо ўзгариб келган. Ҳар бир илм арбоби ўзининг илмий салоҳияти ва давр талабидан келиб чиқиб, Қуръонни тафсир қилишга ҳаракат қилган. Шунинг учун турли даврларга оид фарқли мавзулардаги тафсирларни кўришимиз мумкин. Масалан, оятларни ҳадис орқали тафсир қилиш, тасаввуфий тафсир, фикҳий тафсир ва ҳоказо. Фикҳий тафсир деб, Қуръони каримнинг фикҳий ҳукмларига, яъни ибодат ва муомалот жиҳатларига эътибор бериб, оятларни шарҳлаш ва улардан ҳукм олишга айтилади.

Одатда, фикҳий тафсирларда ҳукмий оятларга кўпроқ эътибор қаратилади. Манбаларда дастлабки фикҳий тафсир сифатида Имом Шофъеийнинг «Аҳком ал-Қуръон» тафсири кўрсатилади. Бундан ташқари мамлакатимиз илм аҳли орасида Муҳаммад Али Собунийнинг «Равоий-л-баён фи тафсири ояти аҳкоми-л-Қуръон» тафсири алоҳида ўринга эга.

Ўз даврида ислом илмларининг маркази ҳисобланган Бағдодда таҳсил олган ва ҳанафий олимларининг раҳбари лавозимига кўтарилган ҳамда умрининг охиригача бу вазифада қолган Абу Бакр Розий Жассос Ҳанафийнинг «Аҳком ал-Қуръон» асари ҳам бу соҳада ҳанафий олимлари томонидан доимо мурожаат қилинадиган энг мўътабар манбалардан бири ҳисобланади.

Абу Бакр Розий (305/907—370/981)³ Рай шаҳрида дунёга келган. Олимнинг тўлиқ исми Аҳмад ибн Али Розий, куняси Абу Бакр⁴ ва лақаби Жассосдир. Абу Бакр Розий 65 ёшида Бағдодда вафот этган. Абу Бакр Розий ўз даврининг энг машҳур ҳанафий уламоларидан бири эди. Рай шаҳри Аббосийлар даврида мусулмон оламининг илмий, тижорат ва саноат марказларидан бири ҳисобланган. Мазкур шаҳардан кўплаб олим ва давлат арбоблари етишиб чиққан. Абу Бакр Розий йигирма ёшида Бағдодга кўчиб келган. Бағдодда замонасининг энг кучли ҳанафий фақиҳларидан ҳисобланган Абулҳасан Кархий ва Абу Али Шоший дарсларида иштирок этган ва фикҳ илмини ўрганган. Кейинчалик у ўз устозлари вазифасини бажарган. Абу Бакр Розий умрининг охиригача Бағдодда ҳанафий олимларининг раҳбари бўлиб қолади. Ундан дарс олиш учун турли мамлакатлардан кўплаб одамлар Бағдодга келади. Уларнинг аксари машҳур олим бўлиб етишган.

Абу Бакр Розий ҳадисшунослик, фикҳшунослик ва тилшунослик каби соҳалар билан бир қаторда тафсиршуносликда ҳам етук олим ҳисобланган.

Абу Бакр Розийнинг тафсир илмига оид «Аҳком ал-Қуръон» асари Қуръони каримдаги ўзига хос ҳуқуқ тизимини ажойиб тарзда ёритиб берганлиги билан бундан кейин ҳам бу соҳада тадқиқот олиб боровчилар учун муҳим манба сифатида алоҳида ўрин тутди. Чунки ушбу асар ҳанафий фикҳи соҳасида илк асарлардан бири бўлишига қарамасдан ҳали тадқиқотчилар томонидан алоҳида тадқиқот

¹ Каримов И.А. Миллий истиклол мафкураси халқ эътиқоди ва буюк келажакка иншончдир. Т.: Ўзбекистон, 2000. Б. 35.

² Каримов И.А. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. Т.: Ўзбекистон, 1999. Б. 11.

³ Хайруддин Зириклий. Ал-Аълом. VIII жилдди. Байрут: Дор ал-илм лил-малайин, 1998. Б. 171.

⁴ Абу Муҳаммад Абдулқодир ибн Абул-Вафо Муҳаммад ибн Муҳаммад Мисрий, Кураший. Ал-Жавоҳир ал-музия фи табакот ал-ҳанафия. II жилдди. Хайдаробод: 1332/1913. Б. 89.

объекти сифатида ўрганилмаган. Жассос Ҳанафий эса, ўз даврида мохир ҳуқуқшунос, мужтаҳид олим, айна пайтда кучли муфассир ва муҳаддис ҳисобланган.

Абу Бакр Розийнинг устозлари Абу Саҳл Зажжож ва Абу Ҳасан Кофий бўлиб, фикҳ илмини Аҳмад ибн Мусо Хоразмий, Муҳаммад ибн Яҳё Журжоний, Муҳаммад ибн Аҳмад Насафий, Абу Ҳасан Заъфароний, Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Умар кабилардан олган.

Абу Бакр Розийнинг ҳаёти ва асарлари ҳақидаги маълумотлар тарихий манба ва адабиётларда ихчам тарзда келтирилади. Масалан, Абу Саъид Самъонийнинг “Китоб ал-ансоб”⁵, Ибн Қутлубуғонинг “Тож ат-тарожим”⁶, Лакнавийнинг “ал-Фавоид ал-баҳийя”⁷, Қурашийнинг “ал-Жавоҳир ал-музия”⁸, Ҳожи Халифанинг “Кашф аз-зунун”⁹, Заҳабийнинг “Сияр ал-аълом ан-нубало”¹⁰, Зириклийнинг “ал-Аълом”¹¹, Алоуддин Самарқандийнинг «Тухфат ал-фуқаҳо», Шамсуддин Заҳабийнинг «Тазкират ал-хуффош», Ибн Касирнинг «ал-Бидоя» каби асарлари шулар жумласидандир. Шунингдек, турк олими Мевлит Гунгорнинг «Жассос ва Аҳком ал-Қуръон»¹² номли тадқиқотида асар ҳақида атрофлича тўхталиб ўтилган, аммо уларда «Аҳком ал-Қуръон» асарида ҳанафий мазҳаби фикҳий ҳукмларининг таҳлили алоҳида объект сифатида олинмаган.

Абу Бакр Розийнинг илмий мероси куйидагилардан иборат:

1. Шарҳ ал-Жомеъ ал-кабир ли Муҳаммад ибн ал-Ҳасан аш-Шайбоний.
2. Шарҳ ал-Жомеъ ас-сағир ли Муҳаммад ибн ал-Ҳасан аш-Шайбоний.
3. Шарҳ ал-Маносик ли Муҳаммад ибн ал-Ҳасан аш-Шайбоний.
4. Шарҳ Мухтасар ал-фикҳ ат-Таҳовий.
5. Шарҳ Осор ат-Таҳовий.
6. Мухтасар Ихтилаф ал-фуқаҳо ли-т-Таҳовий.
7. Шарҳ Адаб ал-Қозий ли ал-Хассоф.
8. Шарҳ Мухтасар ал-Кархий.
9. Шарҳ ал-Асма ал-хусна.
10. Жавобот ал-масайл.

⁵ Абу Саъид Абдулкарим ибн Муҳаммад ибн Мансур Тамимий. Китоб ал-ансоб. V жилд. /Абдуллоҳ Умар Борудий таҳрири остида. Байрут: Дор ал-фикр, 1419/1998. Б. 125.

⁶ Косим ибн Қутлубуғо. Тож ат-тарожим фи табақот ал-ҳанафия. 1862. Б. 63.

⁷ Лакнавий Муҳаммад Абдулҳай Ҳиндий. Ал-Фавоид ал-баҳийя фи тарожим ал-ҳанафия. II жилд. Коҳира: 1324/1906. Б. 87.

⁸ Абу Муҳаммад Абдулқодир ибн Абул-Вафо Муҳаммад ибн Муҳаммад Мисрий, Қураший. Ал-Жавоҳир ал-музия фи табақот ал-ҳанафия. II жилд. Хайдаробод: 1332/1913. Б. 211.

⁹ Ҳожи Халифа. Кашф аз-зунун. II жилд. Истанбул: 1360-62/1941-43. Б. 47.

¹⁰ Муҳаммад ибн Аҳмад Заҳабий. Сияр ал-аълом ан-нубало. Байрут: Муассасатур-рисола, 1992. Б. 98.

¹¹ Хайруддин Зириклий. ал-Аълом. VIII жилд. Байрут: Дор ал-илм ли-л-малайин, 1998. Б. 168.

¹² Mevlit Gungor. Cassos ve Ahkamul Kur'an. Ankara.: 1989. Б. 37.

Эта статья посвящена жизни и творческому наследию багдадского ученого ханафитского мазхаба Абу Бакр Разий. А также даны сведения о внесенном им вкладе в направление усул фикх и комментариев.

У Абу Бакр Разий было более 12 произведений. Самым распространенными из них считаются «ал-Фусул фи-л-усул» и «Аҳкому-л-Қуръон». «ал-Фусул фи-л-усул» – является самым основным произведением усул фикха ханафитского мазхаба. Надо подчеркнуть, что в произведении «Аҳкому-л-Қуръон» комментированы только обязывающие аяты.

This article is dedicated to the life and scientific heritage of Abu Bakr ar-Razi, who was a Baghdadi scientist of Hanafi School. Moreover, Abu-Bakr ar-Razi's contribution to the fiqh and interpretations are also included.

There are more than 12 books by Abu Bakr ar-Razi. It is considered that “al-Fusul fi-l-Usul” and “Ahkomu-l-Qur'an” are the most important books of Hanafi School. It should be mentioned that verses including obligatory directions are interpreted in “Ahkomu-l-Qur'an”.

11. Аҳком ал-Қуръон.

12. Усул ал-фикҳ.

Абу Бакр Розий «ал-Фусул фи-л-усул» ни ўзининг машҳур китоби «Аҳком ал-Қуръон»дан ҳам аввал ёзган. Муаллиф ўз китобида фақат фикҳий масалаларни зикр қилиб ўтади. Аммо усул ал-фикҳ масалалари келганда кенг шарҳ қилади.

«Ал-Фусул фи-л-усул» асари ҳанафий мазҳаби бўйича ёзилган энг асосий китоблардан биридир. Шу билан бирга, бу китоб ҳанафийларнинг бу борадаги аввалги китобларидан бири бўлиб, кўпчилик асосан шу китобга суяниб иш кўрган. Абу Бакр Розий «ал-Фусул фи-л-усул»ни ўзининг машҳур шайхи имом Кархийнинг вафотидан кейин ёзган. Бу китоб унинг илмий тажрибалари ва фаолиятининг хулосаси сифатида юзага келган ва ҳанафий мазҳабидаги усул ал-фикҳнинг тожиги айланган.

Абу Бакр Розий Қуръони каримнинг фақатгина ҳукмий оятларини тафсир қилган.

Хулоса қилиб айтганда, тарихда яшаб ижод этган олимлар ҳаёти ҳамда улар қолдириб кетган илмий меросларини ўрганиш кишилик жамиятининг юксалиши ва камол топишига кўмак бўлар экан, Абу Бакр Розий каби буюк алломаларнинг ҳаёти ва илмий меросларини тадқиқ этиш тадқиқотчи олимларимиз олдида турган долзарб вазифалардан биридир.

Бурҳониддин АҲМЕДОВ,

Тошкент ислом университети тадқиқотчиси.

ХОЖА МУҲАММАД ПОРСО ВА УНИНГ ИЛМИЙ МЕРОСИ

Амир Темур ва Темурийлар даврида ислом дини мамлакатдаги маънавий бирлик, маданий юксалиш, адолатни ўрнатиш ва уни сақлашда катта аҳамият касб этди. Тасаввуф, айниқса, нақшбандия тариқати бу давр маънавиятининг ғоявий асоси бўлиб хизмат қилди. Нақшбандия таълимоти исломга таянган ҳолда ахлоқий поклик, меҳнатга интилиш ва билим эгаллашга кенг йўл очиб берувчи ғояларни тарғиб қилиб, маънавий-ижтимоий ҳаётда муҳим ўрин эгаллади. Нақшбандия тариқатининг Баҳоуддин Нақшбанд, Ёқуб Чархий, Хожа Муҳаммад Порсо, Хожа Аҳрор каби вакиллари шу даврда яшаб ижод этдилар.

Улардан бири, ўз замонасининг етук олими Хожа Муҳаммад Порсо ҳаёти ва унинг илмий мероси ислом манбашунослигида муҳим ўрин эгаллайди.

Манбаларда келтирилишича, алломанинг тўлиқ исми Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Ҳофиз ал-Бухорий (746—822/1345—1420)дир. Хожа Муҳаммад Порсо Бухорода туғилгани сабабли, унинг исми-шарифига “ал-Бухорий” нисбаси қўшилган, кенг оммага эса Порсо номи билан танилган¹.

Хожа Муҳаммад Порсо Баҳоуддин Нақшбанднинг иккинчи халифаси мақомига эга бўлган ва Марказий Осиёда нақшбандия оқимининг энг йирик вакили ҳамда тарғиботчиси сифатида танилган. Олим Ш.Зиёдовнинг фикрига кўра, унинг Марказий Осиё тасаввуф илми ривожининг реформаторларидан бири бўлганлиги кенг тадқиқотчиларга маълум бўлиб бормоқда². Манбаларни таҳлил қилган ҳолда шуни айтиш мумкинки, унинг ҳаёти ва илмий фаолияти тўғрисидаги маълумотлар ҳанузгача тўлиқ ёритилган эмас.

Олим М. Ҳасановнинг илмий изланишлари натижасига кўра ҳам “Тухфат уз-зоирин” китобида Хожа Муҳаммад Порсо Баҳоуддин Нақшбанднинг иккинчи халифаси бўлгани, Баҳоуддин Нақшбанд ўзининг бу шогирдига катта умид билан қарагани ва унинг тарбиясини ўз назоратига олгани ҳақида айтиб ўтилган³.

¹ Маънавият юлдузлари. О.Бўриев, М.Ҳасанов. Хожа Муҳаммад Порсо. Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. 2001. Б. 200.

² Зиёдов. Ш. Хожа Муҳаммад Порсо кутубхонаси. //Диншунослик фанларининг долзарб муаммолари. Т.: ТИУ. 2009. Б. 107,108.

³ Маънавият юлдузлари. О.Бўриев, М.Ҳасанов. Хожа Муҳаммад Порсо. Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. 2001. Б. 201.

Асарда келтирилган мисоллар Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг шогирдига нисбатан ҳурмат ва эътиқоди кучли бўлганини кўрсатади.

Хожа Муҳаммад Порсо фақат тасаввуф илми билан шуғулланиб қолмай, ижтимоий ҳаётда ҳам муҳим ўрин эгаллаган. Фаҳриддин Али ас-Сафийнинг «Рашаҳот» асаридаги маълумотларга кўра, Хожа Муҳаммад Порсо ўша даврдаги сиёсий воқеаларга алоқадор бўлган. Унинг фаолиятдан Амир Темурнинг фарзанди Муҳаммад Жаҳонгирнинг ўғли Халил Мирзо, шунингдек, Хуросон шоҳи Шохрух яхши хабардор эдилар. Порсо Шохрух билан турли масалалар бўйича ёзишмалар ҳам олиб борган⁴.

Хожа Муҳаммад Порсонинг бой илмий мероси тасаввуф манбашунослигида бениҳоя кадрлидир. Унинг асарларини таҳлил қилиб, уларни мазмунига кўра қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин.

1. Баҳоуддин Нақшбандга бағишланган асарлар: *Рисолаи Қудсия*. ЎзР ФА ШИ, инв №25/7/VII, *Мақомати Хожа Баҳоуддин Нақшбанд*. ЎзР ФА ШИ, инв №2520/I, *Рисола*. ЎзР ФА ШИ, инв №2520/ VI

2. Тасаввуф тарихига оид асарлар: *Фасл ал-хитоб ли-васл ал-аҳбоб*. ЎзР ФА ШИ, инв №1449/I, *Рисолаи кашфия*. ЎзР ФА ШИ, инв №8183/ VI, *Таҳқиқот*. ЎзР ФА ШИ, инв №1411.

3. Хожа Алоуддин Атторга бағишланган асар. *Мақомати Хожа Алоуддин Аттор*. ЎзР ФА ШИ, инв №2520II

4. Қуръони каримга ёзилган тафсир: *Тафсир*. ЎзР ФА ШИ, инв №2180

5. Муридлар учун ёзилган асар: *Рисола дар одоби мурид*. ЎзР ФА ШИ.

6. Фатвога оид асар: *Фатво*. ЎзР ФА ШИ, инв №3100/X.

7. Васиятнома. *Васиятнома*. ЎзР ФА ШИ, инв №1676/XI

Мазкур асарлардан ташқари ЎзР ФА ШИда унинг бошқа асарлари ҳам мавжуд. Шу билан бирга, ЎзР ФА ШИда Хожа Муҳаммад Порсонинг қўли теккан ва ўз муҳрини босган бошқа муаллифларнинг асарлари ҳам сақланмоқда. Хожа Муҳаммад Порсонинг шахсий кутубхонаси бўлгани, унда ўз замонасининг машҳур асарлари тўплангани ва шу кутубхона муҳри билан қўплаб асарлар ёзилгани ҳақида тадқиқотчиларимиз ўз илмий изланишларида айтиб ўтишган⁵.

⁴ Ўша манба. Б. 203.

⁵ Зиёдов Ш. Хожа Муҳаммад Порсо кутубхонаси. //Диншунослик фанларининг долзарб муаммолари. Т.: ТИУ. 2009. Б. 106—114.

Хожа Муҳаммад Порсонинг йирик асарларидан бири «ат-Таҳқиқот» («Тасаввуф истилоҳлари ҳақида рисола») асари бўлиб, у ҳақда батафсил тўхталиб ўтсак. «Ат-Таҳқиқот» асари ЎзР ФА ШИДа қўлёзма рақами инв. №1411 остида сақланади. Қўлёзманинг 6 та нусхаси мавжуд. Нусхалардан энг қадимийси Зайнуддин Муҳаммад ибн Кутбиддин Аҳмад томонидан 1045/1635 йилда кўчирилган. Муаллиф асарни форс тилида ёзган бўлишига қарамасдан, унда арабий жумлалар ҳам кузатилади. Асарда мавзулар алоҳида бобларга ажратилмаган, балки кўрилатган масала қизил сиёҳ билан белгилаб кетилган. №5465 инв. рақами остида сақланаётган бошқа нусханинг муқаддима қисмида асарда ёритиб берилган мавзулар ажратилиб, тартиблаб чиқилган. Асар нусхалари мазмунда деярли фарқ йўқ. Фақат ёзилиш услуби ҳар хилдир. Асарда хаттот томонидан айрим жойларда изоҳлар келтирилганини кўриш мумкин.

Асар ўзининг илмийлиги ва мураккаблиги жиҳатидан бошқа асарлардан ажралиб туради. Унда тасаввуфий маърифат, тасаввуфий тушунчалар, тафсир илми, ҳақиқат, мақом, каромат, Қуръон оятлари, ҳаж амаллари, тариқат масаласи, тавҳид, ислом арконлари (намоз, рўза, закот), дил тушунчаси, вужуд баёни каби масалалар Муҳаммад Порсонинг ўзи таҳқиқ қилган фикрлари орқали тасвирланган. Асарда Ибн Арабий (1165—1240)га ҳам алоҳида фасл ажратилган бўлиб, унинг ваҳдатул-вужуд ҳақидаги тасаввуфий қарашлари муаллиф томонидан шарҳлаб берилган⁶. Муаллиф ўша даврда муҳим бўлган масалаларни очиб беришга ҳаракат қилган. Шу сабабдан асар ҳозирги кунгача ўз қимматини йўқотгани йўқ.

Хожа Муҳаммад Порсонинг машҳур рисоаларидан яна бири «Рисолаи қудсия» («Қудсий калималар ҳақидаги рисола») асаридир. Хожа Алоуддин Аттор илтимоси билан ёзилган бу асарини Порсо Баҳоуддин Нақшбанд айтган ва ўз қулоғи билан эшитган қудсий калималарни шарҳлашга бағишлаган бўлиб, бу ҳақда унинг ўзи шундай дейди: «Бу сўзлар (уларнинг) муборак оғизларидан чиққан сўзлардан бир томчисигина бўлиб, бу заиф банда...бу қудсий калималардан баъзиларини садоқат ва иродат юзасидан табарруқона ва иршод сифатида қаламга олиб юрарди»⁷.

⁶ Тарихий манбашунослик муаммолари // Республика илмий-амалий анжумани материаллари // Н. Хидирова. Хожа Муҳаммад Порсонинг тасаввуф тарихига оид асарлари. Т.: 2003. Б.85.

⁷ Махмудхон Махдум Ҳасанхон Махдум. Баҳоуддин Балоғардон. Т.: Ёзувчи, 1993. Б. 4—7.

В данной статье ведется речь о жизни и деятельности второго ученика Бахауддина Накиббанди Хаджи Мухаммеда Парса (746-822/1345-1420). В основном в статье излагаются мысли о ценностях его научных трудов в суфизме. Также говорится о его незаменном и бесценном вкладе в духовность народов Средней Азии.

In the article the author speaks about the life and scientific activity of the famous sufi Muhammad ibn Mahmud al-Hofiz al-Bukhari (746-822/1345-1420) who is known by a nickname Hoja Muhammad Porso and a second disciple of Bahouddin Naqshband. The article describes the great importance of his works in Sufizm. It also Sheds light on the invaluable contribution of the sholar to moral legacy in Central Asia.

Порсо «Рисолаи қудсия» асарида нақшбандия тариқатининг вакили, Хожа Али Рометаний номи билан машҳур бўлган Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Алининг (ваф. 1321) Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёти, сулуки, қилган ишлари, айтган сўзлари ва кўрсатган кароматларини ўз ичига олган «Мақомати Хожа Нақшбанд» («Хожа Нақшбанднинг ҳаёт йўллари») номли йирик асари ҳақида биринчилардан бўлиб маълумот берган.

Асарда Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёти, унинг хизматлари ва маънавий олами ҳамда нақшбандия тариқатининг асослари очиб берилган. Унда ноёб маълумотлар келтирилгани сабабли у тасаввуф бўйича муҳим манба ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, тасаввуф, унинг тарихи ва жамиятга кўрсатган таъсири, ижтимоий асослари, энг муҳими, юртимиз маънавий ҳаётида тутган ўрнига оид масалаларни тадқиқ этиш долзарб мавзулардан саналади. Ҳозирги вақтгача мамлакатимизда тасаввуф олимлари ва уларнинг асарларига оид олиб борилган тадқиқотлар асосан тариқатларга бағишланган эди⁸. Тасаввуфий асарлар ҳақида чуқур изланишлар олиб борилган эмас. Шу сабабли, бу мавзунинг ёритиб, илм аҳлига етказиш тадқиқотимизнинг асосий мақсадларидан биридир.

Севара КАРИМОВА,

Тошкент ислом университети аспиранти.

⁸ Н. Комилов, «Тасаввуф» I—II китоб. Т., Ёзувчи, 1996—1999 й. М. Ҳасаний. «Баҳоуддин Балоғардон», Т., Ёзувчи, 1993. Э.Каримов. «Суфийские тарикаты в центральной Азии XII—XV вв». Автореф. канд. дисс.

«ҚИСАСИ РАБҒУЗИЙ» АСАРИДАГИ ХИТОЙЧА ЎЗЛАШМАЛАР

Милоддан аввалги II асрда Хун давлати кучайиб, империяга, яъни хоқонликка айланди. Шунда унинг таъсир доираси Шарқда Корея ярим оролигача, Ғарбда Каспий денгизигача, жанубда Ҳимолай тоғлари, Амударёнинг шимолий ҳудудларигача етиб борди. Хитойлар билан хунлар чегараси Буюк Хитой деворидан ўтган. Бу даврда Ғарб билан Хитойни боғлаб турган савдо йўллари хунлар назоратида эди. Шундан кейин Хун хоқонлиги Ғарбий Хан империясининг Шимолга ва Ғарбга қараб кенгайиш йўлини тўсиб қўйди. Хитой хоқонлари хунларнинг ҳудудидан ўтадиган савдо йўллари назорат қилиш имконига эга бўлишган. Марказий Осиё халқлари Буюк ипак йўли орқали Хитойга бориб савдо-сотиқ қилганлар¹. Бундан ташқари, Буюк ипак йўли давлатларида буддавийликнинг ёйилиши Шарқ халқларининг маданий алоқалари, шарқ тилларининг ўзаро таъсирини ҳам таъминлаб берди. Буни қадимги хитой-турк маданий муносабатлари, адабий алоқаларида ҳам кузатиш мумкин.

Туркий халқлар буддавийлик динига сиғинган чоғларда хитой тилидан қадимги туркий тилга кўплаб диний-фалсафий, тарихий, бадий асарлар, табобатга тегишли китоблар таржима қилинган. Диний-фалсафий қарашлар, маданият, бадий адабиётда кечган жараёнлар қадимги туркий тил луғат таркибининг янги атамалар билан бойишига имкон берди. Хитой тилидан диний ва фалсафий тушунчаларни англатувчи сўзлар, буддавийлик, маданият, адабиётшунослик, китобат иши ва фаннинг айрим соҳаларига доир атамалар туркий тилга ўзлаша бошлади². Аён бўладиги, туркийлар билан хитойликларнинг ижтимоий-сиёсий, иктисодий, маданий алоқалари қадим тарихга бориб тақалади. Бу ҳамкорликлар натижаси ўлароқ, туркий тиллар сўз бойлигига хитойча ўзлашмалар кириб келган. Профессор Ҳ. Дадабоевнинг таъкидлашича, “Қадимги

туркий сўзлар луғати”да 240 га яқин хитойча лексема мавжуд бўлиб, уларнинг аксарияти асосан маданий соҳага тааллуқлидир³. Изланишларимиз “Қисаси Рабғузий” асари тилида қуйидаги туркий ва хитойча сўзлар истеъмолда бўлганлигини кўрсатди.

“Қисаси Рабғузий” асарида “ёзмок” маъноси **бити**= феъли орқали очиб берилган: *Сулаймън уч хат битиди* (147v4). Мазкур сўз биринчи марта Култэгин ёдгорлигида қўлланилган: *Бэңгү таи тоқымдъм битидим* – тошдан ёдгорлик ясатдим ва унга ўйиб ёздим⁴. Кези келганда айтиш жоизки, лексема ёдгорлик луғат таркибида бир нечта янги сўзлар ҳосил қилиш учун асос вазифасини ўтаган. Жумладан, -(и)к/-(и)г аффикси ёрдамида битиг — “ёзув”, ўз навбатида, ундан —чы/-чи қўшимчаси орқали **битигчи** — “котиб”, -сыз/-сиз, -лик/-лиг аффикси билан **битигсиз** — “ёзувсиз”, **битиглиг**— “ёзувли” каби от ва сифат сўз туркумларига оид атамалар ясалган.

Ёдномада “алвон рангли хитой (парча) газмоли” **чуз** деб номланган: *Он сәкиз кўнлўк йэргә чуз атлас тўшәдиләр* (149v11). Термин даставвал “Қутадғу билиг” достонида битилган: *Чўзоул бу өрүм тон ағылар тәңи* — бу қўлда тўқилган мато ипак матолар билан баробар юрарди (ДТС, 157).

Йинжу сўзи “дур, марварид” маъносини билдирган: *Бир нэчәләри тәңиздин гавҳар, йинжү чықардыләр* (146r16). Лексема Берлин қўлёзмалар фондида сақланаётган уйғур ёзувидаги манбаларда **йинчү** шаклида келган: *Қызыл йинчү* (ДТС, 256). «Девон»да **йинжү**, **жинжү** фонетик вариантлари зикр этилган. Айни пайтда, Маҳмуд Кошғарий луғатида йинчү сўзининг “оқсоч, чўри” семаси ҳам борлиги ҳақида маълумот мавжуд (ДТС, 256). Шунингдек, қисса тилида текшириляётган лексик бирликнинг форс-тожикча **гавҳар** синонимини ҳам кузатиш мумкин: *Аның төрт булунында төрт қийаматлыг гавҳар орнатмыш эрдиләр* (96v6).

Хан «хукмдор» семасини ифодалаган: *Көн чэригни басты ханлар, ишқ чэригин ким басар* (77v4). Мазкур истилоҳ дастлаб қадимги туркий манбаларда **қан** шаклида «хукмдор»,

¹ Хўжаев А. Буюк ипак йўли. Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007. Б. 91—92.

² Содиков К. Буюк ипак йўли ва илк ўрта асрларда Марказий Осиёда кечган тарихий-маданий жараёнлар//Туркшунослик тадқиқотлари. Биринчи китоб. Т.: Тошкент давлат шарқшунослик институти, 2009. Б. 14—15.

³ Дадабаев Х. Общественно-политическая и социально-экономическая терминология в тюркоязычных письменных памятниках XI—XIV вв. Т.: Ўзбекистон, 1991. С. 136.

⁴ Древнетюркский словарь. Л.: Наука, 1969. С. 103. (Бундан кейин: ДТС).

«йўлбошчи, бошлиқ» маъноларини англатган: *Тангри анча тэмиш эринч қан бэртим қанның қодуп ичикдиң* — Тангри шундай деди: мен сенга хон бердим, сен эса ўз хонингни ташлаб, ўзгага бўйсундинг; *Отрў тәңри қаны Хормузта тәңри тәңриси Бурханқа ынча тәп өтүг өтүнти* — Шундан кейин маъбудалар йўлбошчиси тангри Хурмуз тангрилар тангриси Бурхандан илтимос қилди (ДТС, 417). Ўрганилаётган ўзлашма «Қутафғу билиг» ҳамда Маҳмуд Кошғарийнинг «Девон»ида ўзининг асл маъносида ишлатилган: *Бу Тавғач ара Бугра ханлар ханы* (ДТС, 636); *Хан жуваж қурды* (I, 12). Демак, маълум бўладики, **х** нинг **қ** товушига ўтиш ҳодисаси XI асрда юз берган. Мазкур лексема хитой тилидаги *ке* «буюк, улуғ» + *куан* «хукмдор» терминидан олинганлиги ҳақида қараш мавжуд⁵. Бундан ташқари, қиссада лексик бирликнинг форс-тожикча **пādshāh**, арабча **султāн**, **малик** синонимлари ҳам истифода қилинган: *Қуртқа айды: бу иш битсә Райāн пādshāh өлгāндин соң Румдин чэрик кэлгāй* (88г7); *Ул султāн өлгāндин соң өзгā султāн олтурды* (164v11); *Малик сорды: бу огланны қайдын алдың?* (33г19).

“Рост, ҳақиқий, тўғри” маъноси **чын**⁶ ўзлашмаси ёрдамида берилган: *Билқис айды: Сулаймāн чын йалавач эрмиш* (149г17). Ушбу сўз биринчи марта қадимги туркий тил ёдномаларида қайд этилган. (ДТС, 148). Ўзлашма XIV аср Хоразм манбалари тилида ҳам ўзининг асл маъносида истеъмолда бўлган: *...Көз учы бирлә айды ким эй чын мāх*⁷. Обида сўз бойлигида лексеманинг туркийча **кōни**, форс-тожикча **рāст** ва арабча **ҳақиқат** синонимлари ҳам кўзга ташланади: *Ҳикмат ма’ниси кōни бышыг ишлик болур* (163v11); *Аны сынагайн тәб бу ишни қылдым, атам сōзи рāст чықты* (164v8); *Ҳақықат билдиким сәни ким эрсā кōрмās эрмиш* (121v18).

Чаң лексемаси “муסיқа асбоби” семасини ифодалашга хизмат қилган: *Йана сōрдиким: чаң, танбур, қопуз чалмоқ бэлгүрдимү?* (177г7). Термин “Олтун (тусли) ёрук” ёдгорлигида

Данная статья посвящена исследованию китайских слов, использованных в произведение «Рассказы Рабгузи» («Кисаси Рабгузи») Насируддина Рабгузи. В статье также речь идет о заимствованных терминах, касающихся некоторых отраслей религии таких как, религиозные и философские понятия и, слова, имеющие отношение к искусству, культуре и литературоведению буддизма, которые были заимствованы с китайского на тюркский в результате осуществленных переводов многочисленных китайских произведений на старинный тюркский в период, когда тюркские народы исповедовали буддизм.

This article is dedicated to study Chinese words, used in «Folk legend Rabghuzi» of Nosiruddin Rabghuzi. The matter is also about borrowed terms, concerning some branches to religion such as religious and philosophical notions, as well as words, relating to art, culture and literature of Buddhism, which were borrowed from Chinese into Turkic as a result of translations of numerous Chinese works into the ancient Turkic, when Turkic people worshiped Buddhism.

“қўнғироқча”, Маҳмуд Кошғарий “Девон”ида “зарбли муסיқа асбобининг тарелкаси” маъноларида келган: *Сол илигинтā чаң тутар* (ДТС, 139). Ўзлашма XIV аср Хоразм ёдномаларида “муסיқа асбоби” семасини англатган: *Сэвāр шāхлықдын артуқ чаң ўнин* (XIII, 3368).

Умуман олганда, ёднома луғат бойлигида қўлланилган хитойча лексик бирликлар қисса тилининг равонлиги ва халқчиллигини таъминлашда туркий сўзлар билан бирга ўзлашмалар ҳам алоҳида ўрин тутганлигини кўрсатади.

Бахтиёр АБДУШУКУРОВ,
филология фанлари номзоди.

⁵ Дадабоев Х., Ҳамидов З., Холманова З. Ўзбек адабий тили лексикаси тарихи. Т.: Фан, 2007. Б. 34; Қаранг: Менгес К. Восточные элементы в «Слове о полку Игореве». Л., 1979. С. 110-111.

⁶ Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк. Таржимон ва нашрга тайёрловчи С.М.Муталлибов. I—III. Т.: Фан, 1960 — 1963. Б. 326.

⁷ Кутб. Хосрав и Ширин //Фазылов Э. Староузбекский язык. Хорезмийские памятники XIV в. I—II. Т.: Фан, 1966—1971. С.4166.

МЕҲНАТСЕВАРЛИК – АХЛОҚИЙ ҚАДРИЯТ МЕЗОНИ

Меҳнатсеварлик халқимизга хос ахлоқий қадриятлардан ҳисобланиб, халқ оғзаки ижоди намуналаридан тортиб, алломаларнинг асарларида ахлоқий, умуминсоний қадрият сифатида ўз аксини топган.

“...Ҳамма замонларда ҳам жамиятда яшаган одамлар ўртасида юриш-туриш, ўзини тутиш, муомала қилиш, ўзаро муносабатда бўлиш билан бирга, ҳаёт мақсади ва манфаатлари билан боғланган маънавий қоидалар мавжуд бўлган. Бу маънавий қоидалар одамлар қалбида ҳаёт тажрибаси, зарурияти ва эҳтиёжлари асосида шаклланиб, уларнинг фаолияти, хатти-ҳаракатида кўзга ташланадиган ахлоқ нормасига айланган. Бундай юриш-туриш нормаларининг йиғиндиси ахлоқ деб аталади. Ахлоқ инсон маънавиятининг ўзаги, энг олий белгисидир. Жаҳонда кўп ажойиботлар бор, лекин уларнинг энг гўзали инсондир, — деган эди буюк юнон файласуфи Софокл. Инсоннинг гўзаллиги эса унинг ахлоқи, одоби билан белгиланади”¹.

Ҳозирги кунда ўсиб-улғайиб келаётган ёшлар маънавиятини ахлоқий қадриятлар билан бойитиб, комил инсон қилиб тарбияламоқ давр талабидир. Ёшларнинг қайси соҳада фаолият кўрсатишларидан қатъий назар, ахлоқий томондан гўзал бўлиб тарбияланиб боришлари — бу демократик ва фуқаролик жамияти маънавий ҳаёти эҳтиёжидан келиб чиқадиган объектив ҳақиқатдир. Инсон ахлоқий қадриятлар орқали тарбияланиши натижасида ижобий ижтимоий сифатларга эга бўлиб боради. Инсоннинг ижобий ижтимоий сифатларига ақллилик, одоблилик, билимлилик, меҳнатсеварлик, соғломлик, миллий ғурур, ватанпарварлик, инсонпарварлик, жасурлик, шиддатлилик, сабр-қаноатлилик, саховатлилик ва бошқалар киради. Инсон ўзида ана шу ижобий ижтимоий сифатлардан бирини шакллантирмоқчи бўлса, албатта, бошқаларини ҳам шакллантиришга мажбур, чунки улар ўзаро бир-бири билан узвий боғлиқликдадир.

“Комил инсон сифатларининг асосийларидан бири меҳнатсеварликдир. Меҳнатсеварлик деб, меҳнатнинг туридан — оғир меҳнатми, енгилми, ақлий меҳнатми, жисмонийми — қатъи назар, киши уни бажаришга жон-жаҳди билан киришишига айтилади”².

Инсон дунёда ҳаёт кечириши жараёнида унда бир қатор моддий ва маънавий эҳтиёжлар туғилиши табиий. Бу эҳтиёжларни қондириш учун киши ўз олдига муайян мақсадлар қўяди ва уларга эришиш учун ҳаракат қилади. Шунда у анчагина жисмоний ва ақлий куч сарфлайди. Бунга меҳнат дейилади. Киши олдига билим олишни мақсад қилиб қўйган бўлса, ақлини ишлатиб, жуда кўп интеллектуал қувват сарфлаб, мақсадига эришади. Кўпчилик билим олиш жараёни машаққатларини билмай туриб, китоб ўқиш, билим эгаллаш ҳам меҳнатми, деб ўйлайди. Шу ўринда бир мақолада ўқиган ҳаётий мисолни келтирмоқчи эдим. Республика хунар таълими ходимлари малакасини ошириш институтига малакасини ошириш учун курувчилар гуруҳи келган экан. Уларнинг талабига биноан, республикадаги илғор курувчилардан бирини “Қурилиш ишларини илмий ташкил қилиш” мавзuida маъруза ўқиб беришга таклиф қилишибди. У икки соатли маърузани ўқиб кетгандан сўнг, бир неча кундан кейин келиб шундай деган экан: “Мени бундан кейин маъруза ўқишга чақирманг, жуда оғир иш экан, ундан кўра ўн сотих ерни кетмон билан ағдариб чиққаним осон эди, маърузангиз мени жуда чарчатди, маърузангиздан кейин уч кун мазам бўлмай юрди”, - деб нолиб қолибди. У ҳақиқатни айтаётган эди. Аслида ақлий меҳнат жуда оғир иш ҳисобланади.

Кўпинча ота-оналар ўз фарзандларининг ноқобиллигидан нолийдилар, лекин бундай ноқобилликка ўзлари айбдор эканликларини тушунмайдилар ёки тасаввур қилмайдилар. Агар ота-она фарзандининг ички дунёсини ёшлигиданок ахлоқий қадриятлар орқали ахлоқ-одоб, илм-хунар, меҳр-мурувват, раҳм-шафқат, меҳнатсеварлик нури билан безатганда эди, шундай оқибатларга олиб келмас эди.

Маълумки, инсоннинг юксак ахлоқий фазилатларга эга бўлишида ва унинг инсон сифатида шаклланишида халқ манфаати йўлида қилган ҳалол меҳнати ҳал қилувчи роль ўйнайди. Шундай экан, инсонни меҳнатдан ажралган ҳолда тасаввур қилиб бўлмайди. Меҳнат ҳамма вақт инсонни комилликка етаклайди.

Ҳар қандай меҳнат билан шуғулланиш осон бўлмагани учун киши меҳнатсеварлик сифатига осонликча эришавермайди. Бунинг учун киши ёшлиқданок меҳнат туридан қатъи назар, ўзини узоқ йиллар давомида меҳнатга ўргатиши керак бўлади. Агар фарзанднинг меҳнат тарбиясига ота-она ва ўқитувчилари томонидан эътибор кам бўлган бўлса, у ҳолда фарзанднинг ўзи

¹ Юсупов Э. Инсон камолотининг маънавий асослари. Т.: Университет, 1998. Б. 70.

² 2 Зийёмуҳаммадов Б. Комилликка элтувчи китоб. Т.: «TURON-IQBOL». 2006. Б. 252.

В данной статье автор попытался функционально раскрыть значение трудолюбия в жизни молодёжи как критерий нравственных ценностей.

Также, в статье говорится, что, труд – великое благо, способное воспитать и закалить волю человека. Все другие формы нравственных ценностей и их совершенствование реализуются через труд.

This article tells about the problems of young people's upbringing.

In the article, the author speaks about the significance of spiritual-moral values in the education of the youth. It is important to state about the national upbringing of the youth, the devotion to their motherland and religious moral measures.

бу бўшлиқни тўлдиришга ҳаракат қилиши лозим. Фаолиятсиз дангаса бўлгандан кўра, ҳар куни, маълум бир вақтда, муайян ишларни бажариб, ўзини меҳнатга ўргатиши, ўзини-ўзи чиниктириб бориши лозим. Зеро, фаолиятсизлик инсон ақл-заковатини ғовлатиб, жисмоний заифлаштиради ва руҳини нуратади. Ўзини меҳнатга ўргатиш учун киши, авваламбор, меҳнат якунида келадиған натижани кўз олдиға аниқ келтириши ва унга меҳр қўйиши керак. Одам қилаётган ишиға қизиқмас экан, бу фаолият унинг учун азобға айланади. Инсон меҳнатсиз тура олмайдиған бўлиб қолганда, яъни меҳнат қилиш ҳаёт тарзига айланиб кетганда, меҳнатсевар деган фазилатға эға бўлади.

Марказий Осиё халқлари маънавиятининг асоси ҳисобланган “Авесто”да ҳам ҳаёт ва инсон, ахлоқ ва одоб, гўзаллик ва ижод, тинч меҳнат, жамиятдаги адолат ва осойишталик тўғрисидаги фалсафий мушоҳадалар ўз аксини топган.

Тинч меҳнат ва одамларнинг осойишта ҳаётиға хайрихоҳлик зардуштийлик ғояларининг ўзига хос жиҳатларидан бири ҳисобланган.

“Авесто”да ёзилишича: “Кимда ким буғдой экса, у Ошани (Ҳақиқатни) экади. У Мазда динини яна ва яна кўкартиради. У Мазда динини юзлаб ҳамду сано, назру ниёз ўн минглаб қурбонликлар билан қувватлантиргандек қудратли қилади.

Қачонки эгатларда уруғ етилса, девлар ўринларидан кўпадилар.

Қачонки буғдой гуркираб кўкарса, девлар даҳшатдан титрай бошлайдилар.

Қачонки буғдой ун берса, девлар нола чекадилар.

Қачонки буғдой хирмонға уюлса, девлар нобуд бўладилар.

Қай бир хонадонда буғдой бош чиқарса, у хонадонға девлар яқинлаша олмайди.

Қай бир хонадонда буғдой омбори бўлса, гўё қиздирилган темир девлар бўйини чирмаб ташлайди...” (“Вандидод”, 3-фарғард, 31-32 бандлар)³.

Бундан кўриниб турибдики, қадимий динлардан ҳисобланган зардуштийлик динида ҳам тинч меҳнат улуғланган, кимда ким меҳнат қилса, ўн минг қурбонлик қилган билан баробар бўлади, инсоннинг меҳнатсеварлик фаолияти тана ва жондаги барча нопок кучларни кувади, фақат меҳнат туфайли ҳақиқат, тинчлик ва давлатға эришиш мумкин деб айтилади.

Тасаввуф ва тариқат аҳлининг буюк намояндаси Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларининг “Дил ба ёру даст ба кор” (Дилинг Аллоҳда, кўлинг меҳнатда бўлсин) деган ҳикмати инсоният тафаккурининг ўлмас тамойилларидан бири бўлиб қолаверади⁴. Ҳазрат “Яратган раббим ризқимни ҳам беради”, деб бирон-бир фойдали меҳнат қилмай, фақат тоат-ибодат билан мағрур юришни эмас, балки одам Аллоҳ таолони дилиға жо қилиб, баҳоли қудрат меҳнати билан ризқ-рўз топиб яшаши зарурлигини уқтиради. Ул зоти шариф айни қоидаға аввало ўзи амал қилган. У икки томонни бирлаштириб, ҳам хилват сари рухий эҳтиёжни қондириш ва жамоат ичида яшаб, элға фойда келтириш йўлидан борган. Унинг шогирдлари мунтазам равишда фойдали меҳнат билан шуғулланганлар, дехқончилик ва боғдорчилик қилганлар, ҳар бирларининг ўз ҳунарлари бўлган, ҳашар йўли билан кўрғон ва работлар қурганлар.

Шунингдек, Баҳоуддин Нақшбанд талабаларни мадрасаға қабул қилиш пайтида ёшлардан: “Бирон касбинг борми?”,- деб албатта сўрар экан, касби-кори, ҳунари йўқ болалар ўқишға қабул қилинмас экан. Бунинг сабабини Нақшбанд ҳазратлари: “Агар киши ҳунарли бўлса, у киши билимини ҳақиқатға бағишлайди, ўз меҳнати билан кун кечиради. Борди-ю, касби бўлмаса, билимини тирикчиликка сарф этади, ҳалол меҳнатни унутади”, дея изоҳлаган. Донишманднинг бу ўғити Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг “Сизларнинг яхшироғингиз дунёсини деб охиратини, охиратини деб дунёсини тарк этмаган, одамларға оғирлиги тушмайдиган кишидир”⁵, деган ҳадисларига тўла мос келади.

³ Махмудов Т. “Авесто” ҳақида. Т.: Шарқ, 2000. Б. 37.

⁴ Комилов Н. “Тасаввуф”. Т.: Ёзувчи, 1996. Б. 101.

⁵ Мухаммад пайғамбар қиссаси. Ҳадислар. Т.: Камалак, 1991. Б. 86.

Гарчи меҳнатсеварлик масаласида бир қанча баҳсталаб мулоҳазалар мавжуд бўлса-да, улар янгиланаётган жамиятимизнинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий ҳаётидаги муаммолар, одамлар турмуш тарзи, тафаккури, руҳиятидаги ўзгаришлар билан алоқадордир. Меҳнат инсонни тарбияловчи, иродасини тобловчи буюк неъматдир. Бошқача айтганда, ахлоқий кадриятларнинг бошқа барча шакллари ва улар тақомили ҳам бевосита меҳнат орқали рўёбга чиқади.

Ёшлар ўзини меҳнат қилишга ўргата олиши керак бўлади. Билмаган ва суймаган нарсасига одам кўп ҳам интилавермайди. Ундан сўнг, вужудидаги “эртага қиларсан”, “ҳозир шу сенга зарурми”, “иш қочиб кетармиди”, “мазанг йўқ, шекилли” деб турган шайтон даъватини ҳам енгил шарт бўлади. Буларнинг ҳаммаси “дангасалик” деган ижтимоий хасталик кўринишларидандир. Бу касалликни енгиб, шайтоннинг “бўйини синдиргандан” кейин эринмай, шу билан биргаликда, шошмай ва чўзилмай, мақсад сари ҳаракатни бошлаш ва шу ҳаракатларни узлуксиз равишда, ҳар куни маълум бир вақтда тамомлаб, бир неча йиллар давомида қайтаравериш натижасида меҳнатга бўлган кўникма малакага ва ундан кейин ҳаёт тарзига айланади.

Одам ўзини ўзи меҳнатга ўргатиш жараёнида узлуксизликка амал қилган ҳолда, меҳнат ҳажмини аста-секин ошириб бориш йўли билан керакли натижага эришади. Киши меҳнат қилмаса туropolмайдиган бўлиб қолганида, билингки, меҳнат қилиш унинг руҳига сингиб, маънавиятига айланган бўлади. Шундагина киши меҳнатсевар инсон, деган ижтимоий сифатга эга бўлади.

Демак, ёшлар ўз оиласи, ота-онаси, давлат ва жамиятга манфаат келтириш фикру ҳаёлида бўлишлари ва шунга амал қилиб яшашлари керак бўлади. Буларнинг барчаси тарбия ва меҳнат қилиш билан боғлиқ эканини унутмаслик керак.

Дилафруз МИРЗАЕВА,

Тошкент ислом университети аспиранти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ КАФОЛАТЛАРИНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

Истиқлолнинг дастлабки кунлариданок республикамиз демократик ҳуқуқий давлат куриш йўлини танлаб, унинг иқтисодий, ҳуқуқий асосларини фаол равишда вужудга келтиришга киришди. Ўзбекистон мустақил, демократик, ҳуқуқий давлат сифатида инсонпарварлик қоидаларига асосланган, миллати, дини, ижтимоий аҳволи, сиёсий эътиқодларидан қатъи назар фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлаб, барча фуқароларнинг қонун олдидаги тенглиги, қонун устуворлиги, жамият манфаатлари ҳимоя қилиниши ва халқнинг хавфсизлигини таъминламокда.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллик эълон қилиниши билан болалар манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган бир қатор тадбирларни амалга оширди. Миллий қонунчилик тизими бола ҳуқуқларини ҳимоялаш борасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Оила кодекси, Меҳнат кодекси, Фуқаролик кодекси, “Давлат ёшлар сиёсати асослари тўғрисида”, “Таълим тўғрисида”, “Соғлиқни сақлаш тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”, “Фуқаролар ўз-ўзини бошқариш органлари тўғрисида”ги қонунлар билан бир қаторда “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуни ва бошқа ҳуқуқий меъёрий ҳужжатлар билан бойиди.

Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш;
- боланинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш;
- боланинг камситилишига йўл қўймаслик;
- боланинг шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш;
- болалар ҳуқуқлари ва имкониятларининг тенглигини таъминлаш;
- бола ҳуқуқлари кафолатларининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш;
- бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш;
- бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда

ҳимоя қилиш бўйича давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари фаолиятининг очиқлиги ҳамда ошкоралигини таъминлаш;

— болаларнинг жисмоний, интеллектуал, маънавий ва ахлоқий камол топишига қўмаклашиш;

— бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида фаолиятни амалга оширувчи кадрлар тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш;

— болаларда ватанпарварлик, фуқаролик, бағрикенглик ва тинчликсеварлик туйғуларини тарбиялаш;

— болани Ўзбекистон халқининг тарихий ва миллий анъаналари, маънавий қадриятлари ҳамда жаҳон маданияти ютуқлари билан таништириш;

— бола шахсини, унинг илмий, техникавий ва бадиий ижодкорлигини ривожлантириш;

— болалар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш;

— болада ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни шакллантириш;

— бола ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасида ҳамкорлик қилиш;

— бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида фаолиятни амалга оширувчи халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантириш;

— болаларнинг ижтимоий кўникмасига, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларни камайтиришга қўмаклашиш¹.

Қонунга кўра ҳар бир болага инсон ҳамда фуқаро ҳуқуқлари ва эркинликлари тегишли бўлади ҳамда давлат томонидан кафолатланади.

Никоҳда ва никоҳсиз туғилган болалар тенг ҳамда ҳар тарафлама ҳимоядан фойдаланади.

Шунингдек, қонунда бола ҳуқуқларининг асосий кафолатлари — унинг яшаш ҳуқуқи, индивидуалликка ва уни сақлаб қолишга бўлган ҳуқуқи, эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи, ҳимояга бўлган ҳуқуқи, оилавий муҳитга бўлган ҳуқуқи, ғайриқонуний кўчирилишдан ҳимояланиш ҳуқуқи, ўз фикрини ифода этиш ҳуқуқи, ахборот олиш ҳуқуқи, фикрлаш, сўз, виждон ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқи, хусусий мулкка бўлган ҳуқуқи, турар жойга бўлган ҳуқуқлари, меҳнат қилиш ҳуқуқи, дам олиш ва бўш вақтга бўлган ҳуқуқи, соғлиғини сақлаш ҳуқуқи, билим олиш ҳуқуқи, ижтимоий ҳимояга муҳтож

Конвенция о правах ребенка является документом о правах человека, который ратифицирован самым большим количеством стран в истории человечества. Это конвенция ратифицирована Узбекистаном, что показывает приверженность Правительства страны к обеспечению гарантий реализации прав детей. Закон «О гарантиях прав ребенка» является реализацией прав каждого ребенка, живущего в Узбекистане, включая социально уязвимых детей. Реализация, продвижение и защита прав детей – это обязанность каждого.

The convention concerning the rights of children is a document of human rights which has been ratified by most countries in the history of mankind. This was endorsed by Uzbekistan and was really the token of governments adherence to the guarantee of the children's rights. Law 'On the Guarantee of the Rights of Child' is the fulfillment of the rights of every child living in Uzbekistan, including the socially vulnerable ones. Implementation, advancement and protection of children's rights are the duty of all.

болалар ҳуқуқларининг қўшимча кафолатлари белгиланган.

Давлат боланинг оилада бўлишига тўсқинлик қилувчи шароитларни бартараф қилиш, бола оиласидан ажратилган ҳолларда эса уни оиласига тезроқ қайтариш бўйича зарур чораларни кўради.

Давлат ногирон болаларни ҳамда жисмоний ва (ёки) руҳий ривожланишида нуқсонли бўлган болаларни тарбиялаётган оилаларга моддий ёрдам, маслаҳат ёрдами ва бошқа ёрдам кўрсатади ҳамда уларни қўллаб-қувватлайди.

Ота-она қарамоғидан махрум бўлган бола тўғрисида ғамхўрлик қилишда имтиёзли ҳуқуқ бу вазифани бажаришга қодир бўлган қариндошларига берилади.

Болани оилага жойлаштиришнинг имконияти бўлмаган тақдирда уни ихтисослаштирилган муассасаларга жойлаштириш охириги чорадир.

Оилада тарбияланиши мумкин бўлмаган ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар уларга зарур ғамхўрликни ҳамда қўллаб-қувватлашни таъминлайдиган муқобил шаклда жойлаштирилиш ҳуқуқига эга.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни муқобил жойлаштиришнинг шакллари қуйидагилардир:

— васийлик ва ҳомийликни белгилаш;

— болани фарзандликка олиш;

— оилага тарбияга олиш (патронат);

— ихтисослаштирилган тарбия, даволаш муассасаларига, ижтимоий ҳимоя муассасаларига жойлаштириш.

¹ Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикасининг қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 1-2-сон, 1-модда.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни муқобил жойлаштиришнинг бошқа шакллари ҳам назарда тутилиши мумкин.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни муқобил жойлаштириш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар жамият ҳаётида иштирок этишда бошқа болалар билан тенг ҳуқуқларга эгадир.

Давлат ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар ва улар оилаларининг жамият ҳаётида фаол иштирок этишини таъминлаш учун уларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситмаслик шартлари асосида дастурлар ишлаб чиқиш ташаббускори бўлади ҳамда зарур ресурслар ажратади.

Таълим, тиббиёт ва маданий-маърифий муассасалар ногирон болалар ҳамда жисмоний ва (ёки) руҳий ривожланишида нуқсонлари бўлган болаларнинг эркин ҳаракатланишлари учун мослаштирилган бўлиши керак.

Давлат ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни реабилитация қилиш тизимини шакллантириш ва ривожлантиришни ташкил этади ҳамда бунга кўмаклашади.

Ногиронлик белгиланган пайтдан бошлаб бола тегишли давлат органлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган яқка тартибдаги реабилитация дастуридан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар, тўлиқ давлат таъминотида турган ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларини битирган ёки жазони ўташ муассасаларидан озод қилинган болалар, шунингдек ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган бошқа тоифадаги болалар ўзлари илгари яшаган турар жой майдонига эга бўлиш ёки қонун ҳужжатларига мувофиқ турар жой олиш ҳуқуқига эга.

Ижтимоий ёрдам уни олиш ҳуқуқига эга бўлган ҳар бир болага тайинланади.

Ижтимоий ёрдам кўрсатиш миқдори, шартлари ва тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Етим болаларга ва ота-онасининг ёки бошқа қонуний вакиллариининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга таълим бериш ҳамда уларни таъминлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўлиқ давлат таъминоти асосида амалга оширилади.

Давлат органлари ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ҳар бир болага, болаларнинг

жойлаштирилиши шаклидан қатъи назар, моддий ва бошқа шароитларни таъминлайди.

Давлат ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган ҳомийлик дастурларини қонун ҳужжатларига мувофиқ рағбатлантиради.

Ногирон болалар тиббий-ижтимоий ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўлиб, бу профилактика, даволаш-ташхис қўйиш, реабилитация, санаторий-курорт, протез-ортопедия ёрдамини, ҳаракатланиш воситалари билан имтиёзли шартларда таъминланишни ва бошқа ёрдам турларини ўз ичига олади.

Ногирон болалар давлат соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизими муассасаларида бепул тиббий-ижтимоий ёрдам олиш, ўз уйларида парвариш қилиниш ҳуқуқига эга.

Жисмоний ва (ёки) руҳий ривожланишида нуқсонлари бўлган болаларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тартиби, уларга бериладиган имтиёзлар рўйхати қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Жисмоний ва (ёки) руҳий ривожланишида нуқсонлари бўлган болалар ота-онаси ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахсларнинг аризасига кўра Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети, ҳомийлик ва бошқа жамғармаларнинг маблағлари ҳисобидан, шунингдек ота-онаси ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахсларнинг маблағлари ҳисобидан ижтимоий муҳофаза тизими муассасаларида сақланишлари мумкин.

Давлат махсус педагогик ёндашувга эҳтиёжи бўлган ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг белгиланган таълим стандартлари ва талаблари даражасида билим олишларини кафолатловчи зарур маблағлар ажратади ҳамда бошқа чоралар кўради.

Жисмоний ва (ёки) руҳий ривожланишида нуқсонлари бўлган болалар ва ногирон болалар улар учун махсус ишлаб чиқилган таълим дастурлари бўйича таълим муассасаларида ўқиш ва тарбияланиш ҳамда ўз жисмоний, ақлий қобилиятлари ва хоҳишларига мос бўлган таълим олиш ҳуқуқига эга.

Т и б б и й - п с и х о л о г и к - п е д а г о г и к комиссиянинг тавсияси бўлган тақдирда, жисмоний ва (ёки) руҳий ривожланишида нуқсонлари бўлган болалар ва ногирон болаларнинг ота-оналари ўз хоҳиш-истагига кўра ҳамда боланинг қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда таълим (умумтаълим ёки ихтисослаштирилган) муассасаси турини танлаш ҳуқуқига эга.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларга ўрта махсус, касб-хунар ва олий ўқув юртларига ўқишга киришда қонун ҳужжатлари билан имтиёзлар белгиланиши мумкин.

Қонун ҳужжатлари ижроси самараси сифатида Ўзбекистонда болалар ҳуқуқини ҳимоя қилиш борасида ўзига хос институционал тизим яратилди. Жойларда вояга етмаганлар билан ишлаш комиссиялари тузилди. Ички ишлар вазирлиги қошида вояга етмаганларни ижтимоий ҳимоя қилиш Маркази ташкил этилди. “СОС – Ўзбекистон болалар маҳаллалари уюшмаси”, Болалар жамғармаси, “Сен ёлғиз эмассан”, “Соғлом авлод учун” жамғармалари, “Республика болалар ижтимоий мослашув маркази” каби жамоат тузилмалари фаолият олиб бормоқда.

Болаларнинг ҳаёти, таълим-тарбияси, маънавий ва ахлоқий камолоти, уларнинг баркамол ўсиб улғайишига дахлдор барча масалалар давлатимизнинг муҳим вазифаларидан бири сифатида ўзига хос ҳуқуқий мақом касб этган. Болаларнинг таълим олиш ҳуқуқи инсон ҳуқуқларининг таркибий қисми бўлиб, унга кўра ҳар бир инсон таълим олиш ҳуқуқига эга. Таълим олишда ҳеч бўлмаганда бошланғич ва умумий таълим бепул бўлиши лозим. Бошланғич таълим мажбурий бўлиши керак².

Мустақилликка эришганимиздан сўнг таълим соҳасида кўплаб ижобий ўзгаришлар амалга оширилди. Мамлакатимиздаги аҳолининг 64% ни ёшлар, унинг 25% дан кўпроғини болалар ташкил этгани³ боис, уларнинг манфаатлари давлатимизнинг диққат марказини эгаллади, натижада таълим соҳасида улкан ишлар амалга оширилди. Жумладан, “Таълим тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди ва давлатимиз томонидан таълим шароитини яхшилаш учун катта маблағлар ажратилди. Биргина 2006 йилда давлат харажатларининг таълим тизими учун ажратилган улуши давлат бюджетининг 53 % ни ва ялпи ички маҳсулотнинг 11 % ни ташкил этди. Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури асосида 2004–2009-йиллар давомида жами 8476 та мактаб қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилиши режалаштирилган. 2004–2006-йиллар давомида жами 3016 та мактаб қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, бунга 333,7 млрд. сум маблағ

сарфланди. Натижада, 6,5 миллиондан ортиқ болаларнинг таълим олиш шароитлари замонавий талабларга мос келтирилмоқда⁴.

Таълимни ривожлантиришга қаратилган яна бир муҳим қадам бу «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг ишлаб чиқилиши бўлди. Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий моделимиз ўз илмий салоҳияти, аҳамияти, чуқур фалсафий маънога эга эканлиги билан халқаро микёсда тан олинди ва ўз ўрнини топди. Масалан, 1998 йил Австралияда келгуси аср таълими истиқболларига бағишланган «Осиё-Тинч океани минтақасида XXI аср таълим муаммолари» деб номланган халқаро анжуманда таълимни ривожлантиришга қаратилган махсус давлат дастури фақат икки мамлакат – АҚШ ва Ўзбекистондагина мавжудлиги таъкидланди.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш жоизки, болалар ҳуқуқи, айниқса, таълим соҳасида қуйидагиларга эътибор бериш билан амалга оширилади:

1. Болаларнинг таълим самарадорлигини ошириш учун ўқитувчилар ва мураббийларнинг ҳаётини талабларини қондириш, уларни рағбатлантириш, ўз ишларидан мамнун бўлишини таъминлаш ва уларнинг ҳар томонлама (ўз соҳалари юзасидан, педагогик ва ҳ.к.) малакаларини ошириш.

2. Бола таълимига бағишланган назарий ва амалий адабиётларни кўпайтириш ҳамда хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш.

3. Таълим муассасалари раҳбарияти тарбияси оғир, сурункали дарс қолдирувчи ва қонунбузарликка мойиллиги бор болаларни доимий назорат остига олиши, уларнинг бўш вақтларини тўғри ташкил қилиши, уларни тўғарақларга жалб этиш каби чоратадбирларни амалга ошириши зарур. Бундай болаларнинг фақатгина ўзлари билан ишламасдан, ота-оналари билан ҳам суҳбат ўтказиш, биргаликда ишлашни йўлга қўйиш лозим.

Дилафруз КАРИМОВА,

Ўзбекистон Миллий университети магистранти.

² Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. Т.: Ўзбекистон, 1998.

³ Мирзаева М. Бола ҳуқуқлари эътиборда. // Тошкент окшоми, 2008 йил 24 апрель.

⁴ Мусаев У. Бола ҳуқуқларини ижтимоий ҳимоя қилиш қонуний асослари. // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. 2007 йил № 3.

ИНДОНЕЗИЯДА МУСУЛМОН ДИНИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритган дастлабки кунлариданоқ давлат таълим тизимини ислоҳ қилишга, уни янги замонавий услублар билан бойитишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бир сўз билан айтганда, таълим олиш ва таълим бериш сифатини оширишга қаратилган тадбирлар кўлами кундан-кунга кенгайиб бормоқда. Таълим тизимини такомиллаштириш нафақат юртимизда, балки замон талабларидан келиб чиқиб, жаҳон миқёсида ҳам юз бераётган табиий жараён эканини Индонезия мисолида кузатиш мумкин.

Жануби-Шарқий Осиё минтақасида жойлашган, аҳолисининг асосий қисмини мусулмонлар ташкил этадиган Индонезия таълим тизимида ислом динига оид фанларнинг ўқитилиши XVIII аср охири — XIX аср бошларидан бери давом этиб келмоқда. Илк даврда бундай таълим ўқувчиларга, одатда маҳаллий масжидда имом томонидан берилар эди. Таълим олувчилар индонез тилида “сантри” (“ўқувчи”) деб номланганлар. Дарсларда Марказий Осиёдаги диний мактаблар каби ўқувчиларга Қуръони карим оятлари ва баъзи ҳолларда ҳадислар ўқитувчининг кетидан қайтариш йўли билан ёдлатилган. Бундан ташқари, ўқувчилар учун араб тилида ўқиш ва ёзишни ўрганиш мажбурий ҳисобланган¹.

Мазкур анъанавий турдаги мактабларда дарслар фақатгина диний матнларни кўр-кўрона ёдлатишдан иборат бўлиб, дунёвий ва диний фанлар чуқур ўқитилмас эди.

Бу даврда анъанавий мактаблар билан бир қаторда “песантрен бесар” (юқорироқ даража) мактаблари ҳам фаолият олиб борган. Уларда араб тили грамматикаси, ислом ҳуқуқи, Қуръони карим тафсири, илоҳиёт ва баъзида тасаввуф каби фанлардан ҳам ўқувчиларга дарс берилган. Мазкур икки турдаги мактаблар фақатгина ўғил болаларнинг таълим олишига мўлжалланган бўлиб, уларнинг ёши ва ўқиш муддатларига чекловлар қўйилмаган. Ўқувчилар таълим учун ҳеч қандай тўлов тўламаганлар. Аммо уларнинг моддий таъминотлари ўзлари ва ота-оналарининг зиммасида эди.

Ҳар бир ўқувчи дарсга келишда ўз эҳтиёжи учун уч хил кийим, маълум миқдорда пул, гуруч ҳамда устозига бирор совға олиб келиши

шарт ҳисобланган². Ўзига тўқ ота-оналар ўқувчи фарзандларига моддий ёрдам бериб турар, акс ҳолларда ўқувчилар ўз-ўзларини таъминлаш учун устахона ва далаларда меҳнат қилар эдилар.

Ҳозирги кунга келиб бу турдаги мактаблар Индонезиянинг баъзи чекка қишлоқларидагина сақланиб қолган бўлиб, шаҳар ва унга яқин ерларда янги турдаги замонавий талабларга мос келадиган мактаблар фаолият юритмоқда.

Индонезияда замонавий турдаги мактаблар XIX аср охири — XX аср бошларида пайдо бўла бошлади. Бу турдаги мактаб асосчилари асосан Миср, Ҳиндистон, Туркия давлатларида ўқиб, ўз малакасини ошириб келган маҳаллий мусулмон уламолари эди. Замонавий мактаблар алоҳида синф хоналарига эга экани, таълим жараёни араб тили ва ёзувида эмас, балки маҳаллий тил ва лотин ёзувида олиб борилиши, ислом динига оид фанлар билан бир қаторда адабиёт, тарих, география, алгебра, арифметика каби гуманитар ва аниқ фанларнинг ўқитилиши билан эски турдаги мактаблардан фарқлана бошлади³. Бу мактаблар ўқувчиларга бошланғич таълим олиш имкониятини берарди.

Кейинчалик ислом уламолари бошланғич таълим билан чекланиб қолишни истамадилар ва таълим жараёнини давом эттириб, олий ислом ўқув юртларини ташкил қилишга ҳаракат қила бошладилар. 1940 йилга келиб Индонезиянинг Паданг штатида ана шундай олий ислом ўқув юртини ташкил этишга муваффақ бўлдилар. 1949 йил 15 декабрда Индонезия ўз мустақиллигини қўлга киритгач эса, диний мактаблар сони кескин равишда кўпая бошлади.

Бошланғич диний таълим муассасалари асосан ислом дини кенг тарқалган Ғарбий Ява, Ача, Шимолий Суматра, Мадуро штатларида кўпая бошлади. Бу каби диний таълим муассасаларининг кўпайишига аввало, Дин ишлари вазирлигининг молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаши сабаб бўлган бўлса, иккинчи томондан Индонезиядаги мавжуд дунёвий таълим тизими талабга жавоб беролмайдиган даражага тушиб қолганди.

Индонезия таълим вазири Бамбанг Судибьо (Bambang Sudibyo) ўз маърузаларидан бирида: “Индонезия ислом мактаблари дин ва унинг асосларини жуда ҳам мукамал тарзда ўқитишлари билан машхур эканини биламан, лекин улар умумий таълимни инкор этишлари ноўриндир”, деб таъкидлаган эди⁴.

² Ионова А.И. Ислам в Юго-Восточной Азии: проблемы современной идейной эволюции. М.: Наука, 1981. С.32.

³ Индонезийский язык // Индонезия элчихонаси маълумотлари, 2006. Б. 2.

⁴ История Индонезии с древних времен до наших дней // Тошкентдаги Индонезия элчихонаси маълумотлари, 2007. Б. 30.

¹ Ионова А.И. “Мусульманский национализм” в современной Индонезии (1945-1965). М.: Наука, 1972. С.40.

Шунга кўра, Фан ва таълим вазирлиги томонидан, 1993 йил қабул қилган 060/U/1993-рақамли буйруғининг 39-бандига асосан, Индонезиядаги ҳар бир диний мактаб ўқув режасида дунёвий мактаблар ўқув режасидаги каби қуйидаги фанлар мавжуд бўлиши лозим деб топилди:

Панчашила (Pancasila) таълимоти⁵;
диний таълим;
фуқаролик таълими;
индонезия тили;
ўқиш ва ёзиш;
математика (арифметика билан бирга);
фан ва техникага кириш;
география;
миллий ва умумий тарих;
санъат ва хунармандчилик;
жисмоний ва санитар тарғибот;
расм ва инглиз тили⁶.

Индонезиядаги мусулмон диний таълими қуйидаги босқичлардан иборат таълим тизимида амалга оширилади:

- мактабгача таълим;
- мактабдан ташқари таълим;
- асосий, яъни умумий таълим;
- умумий ўрта таълим;
- олий таълим;
- махсус таълим⁷.

Ҳозирги кунда Индонезиянинг ислом динига ихтисослашган таълим муассасалари сони 14 мингдан ортиқдир. Булар ичида ислом ва шариат уламоларини тайёрловчи қатор коллеж, институт ва университетлар ҳамда олий ислом академияси мавжуд.

Диний таълим – ўқиш муддати тўққиз йилдан иборат бўлган асосий (умумий), умумий ўрта ва олий таълим босқичларига бўлинади. Дин ишлари вазирлиги томонидан ташкил этилган ва ислом динига ихтисослаштирилган мактаблар мавжуд. Улар бошланғич – “мадраса ибтидоийя”, ўрта – “мадраса санавийя”, умумий ўрта – “мадраса олия” мактаблари бўлиб, бир-бири билан узвий боғлиқ ҳисобланади. Яъни, ўқиш муддати олти йилдан иборат бўлган бошланғич “мадраса ибтидоийя”ни тугатган ўқувчи ўқиш муддати уч йилни ташкил этган “мадраса санавийя”да, сўнгра ислом ўрта мактаби – “мадраса олия”да таҳсилани давом эттиради⁸.

⁵ “Панчасила” ёки “Панчашила” – санскрит тилидаги “Panca” – “беш” ва “sila” – “тамоил” деган икки сўздан иборат бўлиб, бир-бирига узвий боғлиқ, бир-биридан ажралмас бўлган беш фалсафий тамойилдан таркиб топган миллий ҳаёт йўлидир (Қаранг: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2003. Ж. 6. Б. 671).

⁶ Қаранг: www.indonesia.embassy.uz

⁷ История Индонезии с древних времен до наших дней // Индонезия элчихонаси маълумотлари, 2007. Б. 35.

⁸ Ионова А.И. “Мусульманский национализм” в современной Индонезии (1945-1965). М.: Наука, 1972. С.40.

В данной статье анализируется религиозное образование, формы и стадии его развития в Республике Индонезия, с преобладающим мусульманским населением. Также, освещаются своеобразные черты преподаваемых предметов и учебных планов религиозно-образовательных учреждений, их отношения с министерством по делам религии данного государства.

Кроме того, автор указывает на соответствующие статьи из законов и кодексов о религиозном образовании, анализирует взаимосвязи религиозных и светских предметов.

The article analyses religious education, its forms and stages of development in Indonesia. Also, it reveals peculiarities of religious subjects and programs of religious educational institutes.

The author gives information about the affairs between religious educational institutes and Ministry of Religious Affairs of Indonesia. The article analyses interrelation between religions and secular subjects on the basis of articles and codes on religions education.

Яқунловчи босқич, албатта, олий таълим ҳисобланади. Ҳозирги кунда Индонезияда давлат ва хусусий диний таълим муассасалари мавжуд. Давлат таълим муассасаларидан энг йирик ва бошқа ўқув юртларидан ажралиб турадиганлари 1948 йил Жокьякартада ташкил этилган Давлат олий ислом мактаби, 1957 йил Жакартада Дин ишлари вазирлиги ҳузурида ташкил этилган Диний академия, 1960 йилда ташкил этилган Жакарта ва Жокьяртада ўз факультетларига эга бўлган Давлат педагогика ислом институтларидир.

Хусусий ўқув муассасаларидан энг йириклари – 1951 йилда ташкил топган Жакарта олий мусулмон мактаби, 1952 йилда ташкил этилган Ғарбий Суматра ислом университети, 1955 йил Паданг-Пажангда ташкил этилган Мухаммадийя университети, 1957 йил ташкил этилган Палембанг олий ислом мактаби, Бандунга ислом университети, Жакарта Мухаммадийя университети, Маланга Мухаммадийя университетлари ҳисобланади⁹.

Диний таълим босқичлари дунёвий таълим тизими босқичлари сингари Индонезия ёшларида ўз Ватанига бўлган муҳаббатни кучайтириш, улар қалбида ўз юрти келажаги учун қайғуриш ҳиссини уйғотиш, уларни мамлакат фан ва маданият соҳаларини ривожлантириш, ижтимоий ва иқтисодий соҳаларда ҳар томонлама алоқалар ўрнатиш ва мустаҳкамлашга қодир қилиб тарбиялашга хизмат қилади.

Шунингдек, Индонезияда ислом динига ихтисослашган махсус мактабгача таълим муассасалари ҳам мавжуд бўлиб, улар умумий

⁹ Қаранг: www.indonesia.embassy.uz

боғчалар каби мавқега эга. Ушбу боғчалар ҳам Дин ишлари вазирлиги томонидан ташкил этилган бўлиб, уларнинг фаолияти вазирлик орқали назорат қилинади. Бундай боғчалар сирасига “Бастаналом Атфалом” ва “Родлатуи Атфалом” номли боғчаларни киритиш мумкин.

Ҳозирги фан-техника тараққиёти асрида Индонезиядаги ислом динига ихтисослашган мактаблар – “пезантрен”ларда интернет орқали таълим олиш кенг йўлга қўйилмоқда. Интернет таълим тизими “Ислом ва плюрализмни тадқиқ қилиш Халқаро Маркази” томонидан молиялаштирилиб, қўллаб-қувватланмоқда. Таълим олувчилар махсус вебсайт орқали ҳукумат ва таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган ҳужжатлар, ўқув материаллари, дастур ва китоблар, турли вазифа ва машқларни бепул кўчириб олишлари, шунингдек, ўз билимларини синаш мақсадида тест синовларини топширишлари мумкин.

Хулоса қилиб айтсак, Индонезиядаги мусулмон диний таълим тизими ҳозирги кунга келиб замонавий талаблар асосида такомиллаштирилиб, гуманитар ва табиий фанлар билан уйғунлашган ҳолда олиб борилмоқда. Ислом динига оид илмларнинг гуманитар ва табиий фанлар билан боғлиқ ҳолда берилиши ҳамда замонавий фан ва техника ютуқларидан унумли фойдаланиш, дунёвийлик ва динийлик мезонларини мувозанатда олиб боришга бўлган интилиш мамлакатнинг моддий мустаҳкамланиши билан бирга маънавий жиҳатдан ҳам юксалишига хизмат қилмоқда.

Дилафруз ТУРДИЕВА,

Тошкент ислом университети аспиранти.

XIX АСР – XX АСР БОШЛАРИДА ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИ БЕКЛИКЛАРИНИНГ МАЪМУРИЙ ТУЗИЛИШИ ВА МАҲАЛЛИЙ БОШҚАРУВ

Тарихий манбаларга қараганда Бухоро амирлиги маъмурий жиҳатдан бекликларга бўлиниб идора этилган. Н.Кисляков Бухоро амирлигининг маъмурий бўлинишига алоҳида тўхталиб, XX аср бошларига келиб, Бухоро амирлиги 24 та беклик, 7 та алоҳида амлок ва 10 та тумандан иборат эканлигини таъкидлайди. Айнан, 1915 йилда Бухоро амирлиги 27 та беклик ва 11 та тумандан иборат бўлиб¹, фақатгина Қарши беклиги тахт вориси томонидан бошқарилган. Қолган бекликлар эса, шахсан амирнинг ўзи томонидан тайинланиб, вазифасидан озод этилган. Қарши беги бўлажак тахт вориси ҳисобланган.

Беклар ўз лавозимида тайинлангач, улар ҳам ўз навбатида қариндошлари ва энг яқин кишиларини бекликнинг сердаромад мансабларига қўяр эдилар. Ҳар бир бек ўз тасарруфидаги ҳудудни мустақил равишда бошқариб, бу ҳудудда бекларнинг сўзи ва хоҳиш-иродасига ҳеч ким қарши чиқолмасди. Шунинг ҳам таъкидлаш лозимки, беклик ҳокимияти наслдан-наслга мерос қилиб қолдирилмаган. Агарда бек вафот этадиган бўлса, унинг мол-мулки тўлиғича амирлик хазинасига ўтиб, унинг меросхўрлари эса ҳеч нарса ололмасди². Ўз навбатида бекликлар бир қанча амлокларга ажралиб, улар ҳам айнан беклар томонидан белгиланган амлокдорлар воситасида бошқарилган.

Бухоро амирлигида катта нуфузга эга бўлган Шахрисабз, Ҳисор ва Қарши бекликлари амирликдаги йирик бекликлардан ҳисобланиб, уларни бошқариш учун амирнинг бевосита яқин қариндошлари ёки энг ишонарли кишилари тайинланган. Булардан кейинги ўринда Денов, Шеробод, Китоб, Чирокчи, Ғузор, Карки, Кармана ва Чоржўй бекликлари турганини тарихий ҳужжатлар тасдиқлайди.³

Амир тайинлаган бек туманни бошқариш давомида унинг даражаси тўқсоба (полковник

¹ Кисляков Н. А Патриархально-феодалные отношения среди оседлого сельского населения Бухарского ханства в конце XIX-начале XX вв. - М.-Л.: Изд-во АН СССР, 1962. - С. 43; ЎзР МДА, 126-жамғарма, 1-рўйхат, 51-иш, 43-варақ; Мухаммаджанов А.Р. Населенные пункты Бухарского эмирата. - Т.: Университет, 2001. - С - 5.

² Туркестанский сборник. Т. 288. СПб., 1882.-С. 35-36.

³ Полковник Галкин. Краткий военно-статистический очерк в Бухарском Ханстве и в южной части Самаркандской области // Сб. геогр. топог. и статист. мат. по Азии. - СПб., 1894. - Вып. 57. - С. 27.

унвонига тўғри келади – А.Х.) унвонидан додхо (генерал-лейтенант унвонига тўғри келади – А.Х.) унвонига қадар кўтарилиб борган бўлишига қарамасдан амирлик хазинасидан махсус маош тўланмаган. Бекнинг ҳузурида ясовулбоши ва девонбеги, шунингдек, топшириқларни бажарувчи махсус ясовуллар, қўриқлаш учун навкарлар ва бошқа лавозимлар ташкил этилган. Амлоқдордан бошқа барча мансабдорларга бек томонидан алоҳида маош белгиланган.

Бошқа бир манбага кўра, бекнинг ҳузурида қуйидаги мансаблар мавжудлигини кўриш мумкин:

Мирза – котиб, ҳар бир бекликда биттадан учтагача бўлган.

Ясовулбоши – бекнинг ўнг қўли, энг яқин ва ишончли ёрдамчиси, мирохўрдан тўқсобагача бўлган лавозим. Катта бекликларда ясовулбошиларнинг сони иккита бўлиб, биринчи ва иккинчи ясовулбоши дейилган.

Ясовул – ясовулбошининг ёрдамчиси, биттадан учтагача ва ундан ҳам кўпроқ бўлиши мумкин.

Шогирдпеша – мулозимлар, уларнинг сони 50 нафардан 200 нафаргача бўлиб, навкар даражасидан мирохўргача кўтарилган.

Девонбеги – бекликдаги кирим-чиқим ишлари билан шуғулланган.

Миршаб – асосий вазифаси шаҳар аҳолиси тинчлигини ҳимоя қилишдан иборат бўлиб, қўл остида шогугарт – тунги қоровуллар бўлган.

Аминоначи – солиқ йиғиш ишларига бошчилик қилиб, унинг қўл остида бозорлардан солиқ йиғувчи – алмагирлар бўлган.

Махрамлар – алоҳида хизматларини бажарувчи бекка яқин хизматчилар.

Шарбатдор – дастурхончи.

Дарғабоши – туяхона бошлиғи.

Мирохўрбоши – отхона бошлиғи.

Фаррошбоши – ошхона бошлиғи.

Тўпчибоши. Бу лавозим эгаси фавкулдда ҳолатлар юз берса, ҳарбий аҳамиятга эга бўлиб, у ўқчилар ва қалъага, бошқа пайтларда эса бекликдаги жиноятчи маҳбуслар сақладиган зиндонга бошчилик қилган.

Рус тилидан таржимон, фақатгина рус қўшинлари ёки ҳарбий қисмлари жойлаштирилган бекликларда.

Бозор оқсоқоллари – асосан бозорларда сотилган чорва молларидан солиқ йиғиш билан шуғулланган.

Навкарлар. Уларнинг сони 200 нафардан 300 нафаргача бўлиб, қоровулбеги лавозимигача кўтарилган.

Бундан ташқари, қуйи босқичда саислар (отбоқарлар), баковуллар (ошпазлар) ва индексилар (идиш-товоқ ювувчилар) турган⁴.

Юқоридаги барча мансаб эгалари шахсан бек томонидан тайинланган.

Бекликлар ўз навбатида амлоқликларга бўлиниб, амлоқдорлар томонидан идора этилган. Масалан, Қарши беклиги қуйидаги 15 маъмурий бирлик, яъни Қамашши, Жейнов, Касби, Майманок, Косон, Пўлати, Парғуза, Файзобод, Бешкент, Потирон, Фазли, Жумабозор, Хонобод, Чим, Қорабоғ амлоқликларидан иборатлигини кўрамиз⁵. Китоб беклигида 9 та, Шаҳрисабз беклигида 14 та, Яккабоғ беклигида 11 та, Чироқчи ва Ғузор бекликларида 6 тадан амлоқлик ташкил этилган⁶.

Ғузор беклигидаги биринчи амлоқлик Афғон деб номланиб, унга Ғузор шаҳрининг шимоли ва Ғузордарёнинг ўнг томонида жойлашган икки минг аҳолидан иборат ўнта қишлоқ кирган. Иккинчи амлоқлик Ғузор шаҳрининг шимоли-ғарбий ва Ғузордарёнинг чап томонида жойлашган бир минг олти юз нафар аҳолидан иборат Ғармистон амлоқлиги деб номланиб, ўн олти қишлоқдан таркиб топган. Учинчи амлоқлик Эскибоғ деб номланиб, унга Ғузор шаҳрининг ғарбий ва жанубий (22 верст узокликкача бўлган ҳудуд) қисмида жойлашган бир минг олти юздан зиёд аҳолидан иборат тўққизта қишлоқ кирган. Тўртинчи амлоқлик Катта Ура дарё водийсида жойлашганлиги сабабли Катта Ура деб номланган. Катта Ура амлоқлиги уч минг кишилиқ аҳолидан иборат қирқта қишлоқни ўз ичига олган. Бешинчи амлоқлик Кичик Ура дарё водийсида жойлашгани учун Кичик Ура деб номланиб, бир минг беш юз аҳолидан иборат ўн етти қишлоқ ва қишлоқларни ўз ичига олган. Олтинчи амлоқлик Қиршақдарё оқими бўйлаб жойлашган ўн тўққизта қишлоқдан иборат Қиршақ амлоқлиги бўлиб, икки мингга яқин аҳолидан таркиб топганлиги манбаларда қайд этилган.⁷

Амлоқликлар ўз таркибига бир неча қишлоқларни қамраб олган. Амлоқдорлар ўз ҳудудида солиқ йиғиш, миршаблик ва маъмурий вазифаларни бажариб турганлар.

⁴ Логофет Д.Н. Бухарское ханство под русским протекторатом. – СПб., 1911. – С. 242.

⁵ Кисляков Н.А. Патриархально-феодалные отношения среди оседлого сельского населения Бухарского Ханства в конце XIX-начале XX в. – М.-Л.: АН СССР, 1962. – С.54.

⁶ Капитан Покотило. Отчет о поездке в пределах Центральной и Восточной Бухары в 1886 году. –Т., Типография Окружного Штаба. 1988. –С.75-76.

⁷ Полковник Федоровъ. Статистический очерк Гузарского и Куйтангского и Каллюкского амлякдарств Келифского бекства. // Сб. геогр. топог. и статист. мат. по Азии. – СПб., 1894. – Вып. 57. –С. 159-160.

В статье на основе материалов ЦГА РУз освещаются вопросы административного устройства, в частности, деления на амлякдарства и их управления, а также вопросы местного самоуправления в XIX–XX в.в.

Для изучения вышеперечисленных проблем исследователь привлек также статистические сборники того времени, военные отчеты, материалы инспекций. Подробно рассказывается о должностях помощников беков, судей, амлякдаров и т.д. Описывается специфика их деятельности. Отдельно изучен вопрос о сборщиках налогов, взимаемых с населения (мирза, божгир, алмагир, девонбеги и др.) В статье уделено внимание этапам наказания провинившимся и совершившим различные преступления.

В заключении сделаны выводы о развитии и недостатках системы административного деления и общественного самоуправления бекств Кашкадарьинского оазиса в XIX – начале XX в.

In the article on the base of materials Central State Archive of the Republic of Uzbekistan covers the problems of the administrative device, in particular, divisions on amlyakdars and their administration, and also questions of local self-administration.

To study the above mentioned problems, the researcher provides statistical collections of that time, military reports, and materials of inspections. It in detail tells about posts of the bek's assistants, judges, amlyakdars etc. The specificity of their activity is described. Tax inspectors who levied tax from population separately investigated (mirza, bojgir, almagir, divanbegi etc.). The articles analyses the types of punishment for different offences committed by taxpayers.

The author makes a conclusion about the development and fanits of the system of administrative division and public administration of Kashkadarya oasis bekliks in the 19 and the beginning of the 20th centuries.

Маълумотларга кўра, амлокдорнинг хузурида маҳаллий оқсоқоллардан тайинланган ёрдамчиси, мирза, ясовулбоши, девонбеги, аминоначи, миршаб, маҳаллий оқсоқоллар, ариқ оқсоқол (суғориш тизимида бошчилик қилган), навкарлар (оддий аскарликдан мирзабоши даражасигача кўтарилиб, 10 нафардан 20 нафаргача бўлган) бозор оқсоқоли ва қуйи босқичда баковул, идекшу ва саислар фаолият кўрсатганлар⁸.

Қишлоқларни маҳаллий аҳоли томонидан сайланган, бек томонидан тасдиқланган оқсоқоллар бошқарганлар. Тожиқлар яшайдиган қишлоқлар арбоб деб аталувчи, кўчманчи чорвадор аҳоли эса элбеги деб аталувчи оқсоқоллар томонидан идора этилган.

Архив ҳужжатларида қайд этилишича, Яккабоғ беклигининг қишлоқ аҳолиси

бекка маҳаллий ҳокимият – амлокдорлар ва бошқаларнинг фаолияти заифлигидан норози бўлиб мурожаат қиладилар. Лекин уларнинг бу норозиликлари ҳеч қандай самара бермайди. Чунки, барча маҳаллий амалдорлар бекнинг қариндошлари ёки совға-салом орқали “ишларини” битиришар эди⁹.

Тоғли аҳоли томонидан маҳаллий амалдорларга муносабат умуман бошқача бўлиб, баъзи бекликдан узоқда жойлашган, бориш қийин бўлган жойлардаги аҳоли ўзларини беклик тасарруфида эмаслигини билдириб турарди. Масалан, Шахрисабз ҳамда Яккабоғ бекликларининг тоғли қишлоқ аҳолиси бек ва амлокдорга бўйсунмасди. Ҳатто, Яккабоғ беклигининг тоғли қишлоқлари аҳолиси амир ҳақида умуман тушунчага эга бўлишмаган. Улар оқсоқол ва амлокдорни билардилар, беклик ҳақида эшитган бўлсалар-да, ундан юқори мансаблар ҳақида етарли маълумотга эга бўлмаганлар. Маҳаллий аҳолининг аксар қисми давлатчилик нималигидан мутлақо хабарлари йўқ эди¹⁰. Бу ҳол эса, амирликнинг чекка бекликларидаги маҳаллий бошқарув ва давлатчиликнинг қай тарзда амалга татбиқ қилинганини тасдиқлайди.

Бундан ташқари, беклик бошқарувида маҳаллий аҳоли таркибидан амир томонидан махсус тайинланадиган қабила бошлиқлари – оқсоқоллар ҳам бўлиб, улар кўрсатган хизматларига қараб, қоровулбегидан бий даражасигача кўтарилиб, ҳар бир бекликда 5 нафардан 15 нафаргача фаолият олиб борганлар. Бу оқсоқоллар амлокдорларнинг ёрдамчиси бўлиб, бекнинг турли хил топшириқларини адо этишган. Оқсоқоллар ўз лавозимларида доимий равишда фаолият кўрсатиб, беклар ўз лавозимларидан кетган тақдирда ҳам, оқсоқоллар алмаштирилмаган.

Солиқлар ва закотни йиғиш учун ҳар бир бекликда бош девонбегига бўйсунувчи закотчилар фаолият олиб борган ва улар қоровулбеги лавозимидан тўқсоба мансабигача кўтарилган. Закотчи хузурида мирза, божгири, алмагирлар (уларнинг сони 20 нафардан 40 нафаргача бўлиб, бозорларда, йўлларда, кўприкларда ва кечуларда солиқ йиққанлар), девонбеги, мирохўрбоши ва қуйи босқичда саислар, баковул ҳамда идекшу қабила фаолият кўрсатганлар¹¹.

⁹ ЎзР МДА, И-2 жамғарма, 1-руйхат, 251-иш, 88-варак.

¹⁰ ЎзР МДА, И-2 жамғарма, 1-руйхат, 251-иш, 88, 88-орка варак.

¹¹ Логофет Д.Н. Бухарское ханство под русским протекторатом. – СПб., 1911. – С. 243-246.

⁸ Логофет Д.Н. Бухарское ханство под русским протекторатом. – СПб., 1911. – С. 243-244.

Ушбу жадвалда Шаҳрисабз, Китоб ва Яккабоғ бекликларидаги ҳовлилар ҳамда солиқ йиғувчилар сони кўрсатилган¹².

Бекликлар	Ҳовли сони	Солиқ йиғувчилар
Шаҳрисабз	40.000	12
Китоб	20.000	12
Яккабоғ	10.000	8

Амлоқдорлар закотдан ташқари барча солиқларни асосан пул кўринишида йиғиб, ўзига тегишли бўлган қисмини олиб қолган ҳолда қолганини бекка топширар эди.

Беклик ҳам ўз навбатида ўз улушини қолдириб, амирлик қанча миқдорда талаб қилса, шунча миқдорда етказиб берар эди. Жумладан, Яккабоғ ва Китоб беклари худди амлоқдорлар каби йиғилган солиқдан бир қисмини олиб қолган ҳолда қолганини Шаҳрисабз бегига топширар эди. Марказий Бухоро бекликларидан закот солиғини Қоратегин беги йиғиб олар ва Қўшбеги орқали амир хазинасига топширилар эди¹³.

Бекликлардаги бошқарув тизимининг ўрта бўғини бош қози - қози калонга бўйсунувчи қозининг кўлида бўлиб, у бекликдаги мерос, олди-сотди, жиний, фуқаролик, шунингдек, амир фармонлари ижроси ва маҳаллий бошқарув фаолиятини кузатиб бориш ишлари билан шуғулланган. Қозининг ҳар бир амлоқликларда ишончли вакили фаолият кўрсатган. Унинг ҳузурида эса муфти (қозининг ёрдамчиси), мирза (биттадан учтагача), мулла азимлар (тергов ишларини олиб боровчилар, 10 нафардан 30 нафаргача), девонбеги, мирохўрбоши, махрамлар мансаблари мавжуд бўлган. Қозилар олий мадрасани тугатган бўлиб, шариат қонунларини яхши биладиган Қози калоннинг одамларидан ва бошқа тажрибали кишилар ичидан амир томонидан тайинланган¹⁴.

Қозиларнинг тавсиясига кўра мулла азимлар ва амлоқликлардаги қозилар қози калон томонидан тайинланган. Амалда бир неча йил ишлагандан сўнг қозиларга аввал Ўрок, кейин Судур ва ҳатто Садр унвони берилар эди¹⁵.

Китоб ва Шаҳрисабзнинг ўзида бештадан қози бўлиб, айни вақтда улар муфтилик вазифасини бажарганлар. Шунингдек, ҳар

¹² Капитан Архипов. Военная рекогносцировка равнинной части Бухарского ханства, произведенная в 1883 г. //Сб. геогр. топог. и статист. мат. по Азии. - СПб., 1884. - Вып. 10. - С. 176.

¹³ Капитан Покотило. Отчет о поездке в пределах Центральной и Восточной Бухары в 1886 году. -Т., Типография Окружного Штаба. 1988.-С.59-60.

¹⁴ Логофет Д.Н. Бухарское ханство под русским протекторатом. - СПб., 1911. - С. 245.

¹⁵ Шодмон Воҳид. Қўкон хонлиги ва Бухоро амирлигида унвон ва мансаблар. - Б. 26.

иккала бекликда ҳам биттадан қозикалон, раис ва миршаблар фаолият олиб борган¹⁶.

Қозилар томонидан жиноятчи ва қонунбузарларга қўйидаги жазо турлари - турли миқдордаги жарима солиш, дарра уриш, амлоқдор ҳузурида ҳибсда ушлаб туриш, зиндонда сақлаш, қўшимча аскарликка топшириш, зиндонбанд этиш, қарздорлиги учун қулликка топшириш ва ўлим жазоси: боши танасидан жудо қилиш ёки осиб ўлдириш кабилар белгиланган¹⁷.

Бекликдаги диний ишларни назорат қилиш тўғридан-тўғри амирликка бўйсунувчи раис томонидан амалга оширилган. Бухоро амирлиги бошқарув тизимида раис ўзига хос нуфузга эга бўлиб, ушбу амал ярим диний, ярим тартиботчи усулида эди. Бекликлардаги раислар диний урф-одатлар, бозорларнинг тозаллиги, тарози тошлари, савдогарларнинг ўлчов чўплари устидан назорат ишларини олиб борганлар.

Раислар амир томонидан бош раис тавсиясига кўра мадрасани тугатган, Куръон ва шариат қонунларини яхши биладиган ишончли кишилардан тайинланган. Раисларга масжидларнинг имомлари ва ноиблари ҳам бўйсуниб, уларнинг ҳузурида муфти, мулла азимлар, девонбеги, мирохўрбошилар хизмат кўрсатганлар¹⁸.

Қозилар ва раисларга ҳукумат томонидан маош тайинланмаган. Улар аҳолининг турли хил қонун бузарликлари амалга оширган қисмидан ўз фойдалари учун ундирилган жарималар ҳисобидан улуш олганлар, шунингдек, қозиларнинг асосий даромадлари меросни тасдиқлаш ва турли хил низоли масалаларни ечганлиги эвазига олинган солиқлардан иборат бўлган.

Масалан, баъзи рус манбаларида раис айбдорларни жазолагандан сўнг уларнинг ҳар бирдан 5-6 танга, қози қолдирилган меросни меросхўрга бўлиб берганлиги учун ҳар қирқ тангасидан бир танга миқдорида пул ундирган. Шунингдек, никоҳ ўқигани учун қиз боладан 10 танга, бевалардан 5 танга, ҳамда савдо ва вақф ҳужжатларига муҳр босиш учун 2-5 танга миқдорида пул олганлиги қайд этилган¹⁹.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, манғитлар сулоласи ҳукмронлиги даврида давлат бошқаруви ва маъмурий тизимда жиддий ўзгаришлар кўзга ташланмайди. Амирликдаги бошқарув усули Туркия, Эрон,

¹⁶ Кунъ А.А. Очерки Шагрисебзского бекства -СПб., 1880.-С.29.

¹⁷ Логофет Д.И. Страна безправия. - СПб.: Б.И., 1909.-С. 62.

¹⁸ Логофет Д.Н. Бухарское ханство под русским протекторатом. - СПб., 1911. - С. 246.

¹⁹ Кунъ А.А. Очерки Шагрисебзского бекства -СПб., 1880.-С.29.

Афғонистон ва бошқа мусулмон давлатларидан анча фарқ қилган. Амир давлатни саройдаги марказий ижриоя ҳокимияти ва маҳаллий бошқарув тизимига таянган ҳолда бошқарарди. Мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий воқеалар амирликдаги бекликлар сони ва маъмурий бўлинишида ўзгаришлар бўлиб турганлигини кўрсатади. Барча маҳаллий бошқарув органларига марказий ҳокимият томонидан махсус маош тўланмагани, бошқарувдаги уруғ-аймоқчилик каби иллатлар улар эгаллаб турган мансабни даромад манбаига айлантиришини келтириб чиқарган. Уларнинг асосий вазифаси халқнинг аҳолидан хабар олиш, арз-додини эшитиш эмас, балки солиқ йиғиш ва унинг миқдорини қайси йўл билан ошириш мумкинлигини ўйлашдан иборат бўлиб қолган.

Бухоро ҳукуматининг юқори лавозимларини эгаллаган мутасаддилари меҳнаткаш халқнинг аҳоли оғир эканлигини кўра била туриб, мамлакатда иқтисодий ислохотлар ўтказиш ва халқнинг аҳолини ўнглаш борасида чоратадбирлар қўлламаган. Амирлик амалдорлари воҳада иқтисодий шароит оғирлигини билсалар-да, маҳаллий бошқарув тизимидаги тартибсизлик ва ўзбошимчаликларга чек қўйишни ўйламасдилар. Ўша даврга оид маълумотларга аҳамият берсак, мамлакатда солиқ турларининг ҳаддан ташқари кўпайиши натижасида оддий меҳнаткаш омманинг турмуши издан чиқиб, бу эса жиддий норозиликларга сабаб бўлганига гувоҳ бўламиз.

Аҳмаджон ХОЛИҚУЛОВ,
ЎзМУ тарих факультети ўқитувчиси

XIX АСР ОХИРИ – XX АСР БОШЛАРИДА ТУРКИСТОН ЎЛКАСИДА РОССИЯ ИМПЕРИЯСИ СОЛИҚ СИЁСАТИНИНГ ИЖТИМОЙ- ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТГА ТАЪСИРИ

XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистонда Россия империяси махсус мустамлака молиявий – солиқ тизимини яратиш ва уни жорий этиш масаласига катта эътибор қаратди. Бу масалага мустамлака ҳукумрон доиралари қизиқиш билдириб, ушбу сиёсатни қўллаб-қувватладилар. Зеро, ўзбек хонликларини ҳарбий йўл билан бўйсундириш учун Рус подшолиги катта маблағ сарфланган эди. Шунингдек, ўлкада жойлаштирилган жами 50 минглик кўшин ва улкан ҳарбий-полиция бошқаруви маъмурияти сарф-ҳаражати маҳаллий бюджет томонидан амалга ошириш белгиланди.

Мазкур сиёсатни амалга оширишда Туркистон ўлкасида мавжуд маҳаллий урф-одатлар ва анъаналарга асосланган ижтимоий-иқтисодий турмуш тарзи билан ҳисоблашмасдан Россиядаги ижтимоий-сиёсий муносабат тартибларини тўғридан-тўғри кўчириш имкони йўқ эди. Шу сабабли ҳам ҳукумат ва ўлка мустамлака маъмурияти ўлканинг давлатчилик сиёсатидаги анъанавий солиқ ундириш тартибларини маълум даражада сақлаб қолдилар. Россия мустамлака сиёсати тартибларга биноан аҳоли ўтроқ ва кўчманчи чорвадор ижтимоий тоифаларга бўлинди.

1886 йил 12 июнда маҳфий маслаҳатчи Гирсининг тафтиш натижаларига биноан подшо ҳукумати томонидан “Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Низом” тасдиқланди. Янги тасдиқланган “Низом” 1870 йилда қабул қилинган хирож ва таноб йиғимлари ўрнига жорий этилган ўтроқ аҳолидан олинадиган ягона ер солиғи тартибини сақлаб қолди. Бу солиқ олинган ялпи даромаднинг 10% миқдоридан белгиланди.

Ўз навбатида 1867 йилги “Низомга” мувофиқ кўчманчи аҳоли 4 сўм қийматида юрт солиғини тўлаши кўзда тутилган. Ўтовлар сони ҳар уч йилда бир маротаба ҳисобга олиниб, янги низомга кўра, мазкур тартиблар кўчманчи аҳолига нисбатан ҳам сақланиб қолинди.

Ўтроқ аҳоли тўлаши кўзда тутилган ер солиғи, таъкидлаб ўтилганидек, хирож, таноб ва бошқа тўловларнинг ўзгарган шакли бўлиб,

хонликлар даврида аҳолидан ҳосилнинг 1/5 қисмидан солиқ ундирилган. Янги ўрнатилган тартибларга аҳамият берсак, меҳнаткаш деҳқонлар ҳосилнинг 1/10 қисмидан солиқ тўлаши жорий қилинди.

Мантиқан олиб қараганда, асосий солиқ турининг икки баробар қисқартирилиши ўлка аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий аҳволи ўнгиланишига қаратилганлига қарамай, аслида эса бунинг акси бўлганлигини кўриш мумкин. Чунки жорий этилган солиқ тизими унинг қиймати билан эмас, балки солиқларнинг ундирилиш йўли ва ҳисоб-китоб қилиш тартиби билан ҳам катта аҳамият касб этади.

Биринчидан фақатгина экин экиладиган майдонларгина эмас, балки шудгор қилиб қўйилган ерлар ҳам солиққа тортилди. “Туркистон ўлкасида деҳқонлар уч далали тизим асосида ердан фойдаланишади, – деб келтиради 1882 йилда ўлкада тафтиш ўтказган сенатор Гирс, – Демак, улар ердан икки маротаба олинадиган фойдадан келиб чиққан ҳолда ялпи олинадиган ҳосилнинг 1/10 қисмидан эмас, балки, 13 ½ % миқдорида солиқ тўлашлари керак”¹.

Иккинчидан солиқ солинадиган ер ва ундан олинган ҳосил миқдорини ҳисоб-китоб қилиш ниҳоятда ноаниқ ва тартибсиз олиб борилган. Туркистон ўлкаси солиқ инспекторларининг 1895 йил октябр ойида бўлиб ўтган анжуманида ўрнатилган солиқ тизимининг энг заиф томони шунда эдики, умумий экин экиладиган майдоннинг аниқ эмаслиги ўз навбатида уезд маъмурияти ҳам, солиқ органлари ҳам ҳудудлар миқдорини белгилаш учун етарли маблағга эга эмаслиги ва кўп ҳолларда волост бошқарувчилари, мутасаддилари берган маълумотларга таяниб иш кўрганликлари айтиб ўтилади. Ўз навбатида волост бошқарувчилари ва солиқ йиғувчи мутасаддилар экин майдонларининг бир қисмини яширишдан манфаатдор бўлиб, бошқа томондан улар ҳам ҳар йили экин майдонлари ҳисобини олиш бўйича маблағга эга бўлишмаган².

Маҳаллий меҳнаткаш аҳолига нисбатан ўтказилган бундай ноҳақлик ва жабр-зулм йиғилган ҳосил миқдорини белгилаш жараёнида ҳам кузатилади. Солиқ инспекцияси ходимлари томонидан ҳар йили куз ойида унча

В статье автор на основе изучения широкого круга источников, в том числе, материалов статистических отчетов, материалов ревизий царских чиновников, исследует изменение налоговой системы Туркестанского края после завоевания царской Россией. В частности, анализируются Положения об Управлении Туркестанским краем от 1867 и 1886гг. и их влияние на налоговую систему.

Исследователь изучает рост налогов, а также ситуацию с появлением незаконных поборов с местного населения. В заключении сделаны выводы об отрицательном влиянии налоговой политики царской России на социально-экономическое положение народов Туркестанского края.

In the article the author on the base of widely historical sources (also materials of Central State Archive of Republic of Uzbekistan, statistical reports, materials of tzarian administration controls) researches the changing of tax system of Turkestan after conquering tzarian Russia. Especially the Rule of Turkestan Administration by 1867 and 1886 and its influence to the tax system are analyzed.

The researcher studies the taxsystem, and illegally levying taxes from local population. The author concludes the tax policy of tzarian Russia had negative influence on the social-economic situation of Turkes.

катта бўлмаган ер майдонида ғалла янчиш синовдан ўтказилиб, мана шу асосда олинган ҳосилнинг ўртача бозор нархи ҳисоблаб чиқилган. Айнан ушбу ҳисоб-китоб асосида бутун ўлкадаги ҳосил миқдори белгиланган. Юқорида айтиб ўтилган анжуманда солиқ ундирилишининг бундай тартиби мустамлака маъмурияти томонидан қониқарли эмас, деб топилди³. Бироқ, бу эътирозларни ҳукумат ва мустамлака маъмурияти умуман эътибордан четда қолдирган. Ер солиғи айнан куз ойида ҳосил йиғиб олинганидан сўнг ундириб олинган. Бу пайтда эса деҳқон кўлида олинган ҳосилдан бошқа ҳеч нарсаси бўлмаган. Шу билан бирга бозорлардаги нарх-наво ҳам деҳқон фойдаси учун бирон-бир наф келтирмаган. Зеро, бозорлар ободлиги сабабли деҳқон етиштирган ғалла ва экин маҳсулотлари савдогарлар томонидан арзон-гаров харид қилинган.

“Туркестанские ведомости” газетаси солиқни тўлаш мақсадида меҳнаткашларнинг кузги ҳосилни сотиш жараёнини шундай таърифлаб келтиради: “Таклиф этилаётган ҳосилнинг кўплиги буғдой, жавдар, арпа ва бошқа маҳсулотлар нархининг тушишига сабаб бўлиб, натижада деҳқон зарурий пулни олиш учун кўпроқ ҳосилни сотишга мажбур”.

¹ Отчет ревизиющего по высочайшему повелению Туркестанский край тайного советника Гирса. -СПб. -С.180.

² Погребинский А.П. Налоговая политика царизма в Средней Азии в 1860-1880гг. //Исторические записки -М., 1960. т.66. -С.292.

³ Погребинский А.П. Кўрсатилган асар 292. Б.

– деб ёзилади “Торговая деятельность в Туркестанской области” мақоласида⁴.

Мустамлака ҳукмрон доиралари томонидан жорий этилган солиқ тизими ўлка аҳолиси асосий қатлами турмуш тарзи ўнгланиши ўрнига йилдан-йилга қашшоқланишига сабаб бўлди⁵. Солиқ ундиришдаги бу тарздаги ноҳақлик ва адолатсизликка чек қўйиш мақсадида Фарғона генерал-губернатори 1882 йил март ойида уезд бошлиқлари номига жўнатган махсус хатида маҳнаткаш аҳолини бойларнинг жабр-зулмидан ҳимоя қилишни талаб қилган⁶. Кўпгина ҳолларда қишлоқ аҳолиси шу даражада тушқунлик ва умидсизликка тушган эдики, айрим кишилар солиқларнинг оғир юкидан уй-жойларини ташлаб кетиб қолиши ҳолатлари кузатилди. Айни шундай ҳолатни 1881-1882 йилларда Андижон уезди Балиқчи волстининг бешта қишлоғидан 116 оила кўчиб кетганлигида кўриш мумкин⁷.

Ер солиғидан ташқари ўтроқ аҳолидан земский йиғими олинган. Земский йиғими маъмуриятнинг қуйи бўғинини маблағ билан таъминлаш учун олиниб, ер солиғининг 35% га тенг бўлган. Расмий солиқлардан ташқари маҳаллий аҳоли турли мажбуриятларни, амалдаги сунъий суғориш иншоотлари, кўприк ва йўللарни таъмирлаш, ҳаракатдаги қўшинни зарурий буюмлар, от-аравалар билан таъминлаш каби вазифаларни бажариб борган⁸.

Мустамлака маъмурияти халқнинг турмуш даражасини ўнглаш мақсадида аҳолини янги сунъий суғориш тармоқлари қурилишига мажбурий жалб этишни бошлади. 1872 йили генерал-губернатор фон Кауфман ташаббуси билан Мирзачўлда канал қуриш бошланиб, унда 70 минг киши қатнашган⁹. Мазкур канал қурилиши давомида ишчи-қурувчиларга маош тариқасида бериш учун бутун Фарғона вилояти аҳолисидан ҳар куни 60 тийиндан пул йиғиб олинган. Амалда эса канал қурилишига жалб этилган ҳар бир киши учун 5 тийиндан ҳақ тўлаш йўлга қўйилган. Йиғилган пулларнинг катта қисми мустамлака маъмурияти ва пудратчилар томонидан талон-тарож қилинганлиги сабабли 1879 йили қурилиш тўхтатилди. Қурилиши ниҳоясига етмаган

ушбу канал маҳаллий халқ орасида “чўчка-арик” деган кинояли ном олди¹⁰.

Солиқлар тинимсиз ўсиб бориб, биргина Самарқанд вилоятининг Хўжанд уезди аҳолиси 1870 йилда 63267 сўм 56 тийин ер солиғи тўлаган бўлса¹¹, 1886 йилда у 98519 сўм 1 тийинни¹², 1892 йилга келиб эса мазкур солиқ деярли 2,5 баробар ўсиб, 103986 сўм 64 тийинни ташкил қилди¹³.

Умуман олганда, ўлка мустамлака ҳарбий-маъмурий бошқарув аппарати сарф-ҳаражатларининг ошиб бориши билан солиқлар миқдори ҳам кўпайиб борган. Ўлкада жорий этилган ер солиғи Тошкент уездида 100%, Андижон ва Марғилонда 30-40%, Самарқанд ва Наманган уездларида 200-300% га ошди. Подшо ҳукумати маҳаллий аҳолидан олинадиган солиқ ва йиғимлар ҳисобига катта фойда кўрган. 1869 йилда 2356241 сўм, 1880 йилда 4119491 сўм фойда кўрди. 1876 йилда Қўқон хонлиги тугатилиб, Фарғона водийсининг генерал-губернаторлик таркибига киритилиши билан бу даромад 1869 йилдагига нисбатан тўрт маротаба кўп бўлиб, 9174284 сўмни ташкил этди¹⁴. 1913 йилга келиб солиқлардан кўрилган даромаднинг умумий қиймати 23.304.900 сўмга тенг бўлди¹⁵.

Жорий этилган солиқ тизими биринчи навбатда майда ер эгалиги хўжаликларига салбий таъсир ўтказди. Яъни 0.75 десятинадан 0.5 десятинача ерга эга бўлган деҳқон ҳар бир десятинадан 8 сўм 64 тийин солиқ тўлаган бўлса, 6 десятина ва ундан юқори ерга эга бўлган кишилар 6 сўм 95 тийин тўлаганлар.

Шунингдек, мустамлака ҳукмрон доиралари томонидан турли хайрли тадбирлар ниқоби остида ва фирибгарлик йўли билан ўлка аҳолисидан пул маблағлари йиғилган. Бу ишлар шу даражада адолатсизлик билан амалга оширилганки, ҳатто халқнинг сўнгги маблағигача тортиб олинган. Мисол учун княгиня Елизавета Марковна раҳнамолигида Туркистон шаҳарлари аҳолисидан касал ва етим болалар учун ҳар бир кишидан 25 сўмгача йиғилган. Бироқ, йиғимларнинг қай даражада қонуний йўл билан амалга оширилаётганлиги ёки пул маблағи олинганлиги тўғрисида бирор-

⁴ Туркестанские ведомости. Торговая деятельность в Туркестанской области 1914 г., 23 июня.

⁵ Южаков Ю.Д. Итоги 27-летнего управления нашего Туркестанским краем. -СПб., 1891. -С.54.

⁶ Погребинский А.П. Кўрсатилган асар 293. Б.

⁷ Южаков Ю.Д. Кўрсатилган асар 58 Б.

⁸ Положение об управлении Туркестанского края. -Ташкент.,1904. -С.55

⁹ Непомнин В.Я. К истории ирригации в Узбекистане. -Ташкент., 1940. С.29.

¹⁰ Терентьев М.А. История завоевания Средней Азии. -СПб., 1906. т. III -С.302

¹¹ ЎзР МДА 17-жамгарма, 14-руйхат, 18071-иш, 13-14-варақ.

¹² Обзор Самаркандской области за 1887 г. Самарканд 1888. Приложение №5

¹³ ЎзР МДА 18-жамгарма, 1-руйхат, 5792-иш, 3-варақ.

¹⁴ Касымбеков К.Ф. Из истории народных движений в Фергане в конце XIX начале XX века. – Т.: Фан, 1978. – С.15

¹⁵ Иноятов Х. Ответ фальсификаторам истории Советской Средней Азии и Казахстана. Т.: Фан. 1962. – С.22

бир хужжат расмийлаштирилмаган. Катта пул маблағини йиғиб олган хайриячилар тўпланган пулларни ўз манфатлари учун ишлатиб, ғойиб бўлишар эди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Туркистон ўлкасидаги каби солиқ ва бошқа йиғимларнинг тинимсиз ошиб бориши Россия империясининг бошқа бирорта мустамлакасида кузатилмаган. Туркистон генерал-губернатори А.В. Сасоновнинг маълумотларига кўра, ўлкада ҳар десятина ердан 2 сўм 2 тийиндан 3 сўм 61 тийингача давлат ва земский йиғимлари олинган. Худди шу вақтда эса Россиянинг ички губернияларида айнан шу йиғимлар 1 сўм 10 тийиндан 1 сўм 31 тийингача бўлган¹⁶.

Йиғиладиган солиқларнинг тинимсиз ўсиб бориши аҳолининг турмуш даражасига таъсир этмай қолмади. Подшоҳ ҳукумати ҳатто сел келиши, чигиртка ёғиши каби офатлар юз берган йилларда ҳам солиқ тўлашда аҳолига ҳеч қандай имтиёзлар бермаган. Бунинг оқибатида аҳоли орасида солиқ тўловлари бўйича қарздорлар сони кўпайиб борди¹⁷. Чунончи, 1911 йилда солиқлар камомоди Фарғона вилояти бўйича 118.359 сўм бўлган. 1913 йилда эса 919.756. сўмга етди. Ўлканинг бошқа вилоятлари бўйича ҳам шундай вазият кузатилади. Масалан, Самарқанд вилоятининг Хўжанд уездига 1913 йилга келиб солиқлар камомоди 337.732 сўм 86 тийинни ташкил қилди.

Шундай вазиятда ҳам мустамлака маъмурияти ўлка маҳаллий халқларининг охирги чақасигача суғириб олган. Маҳаллий аҳолининг бир қисми ўтин солиғини тўлашга мажбур қилинган. Дастлабки вақтда ушбу солиқ 30 тийин миқдорида ҳар юрт ва жамоадан олинган. Кейинроқ у 90 тийинга, 1915 йилга келиб эса 3 сўмга етди¹⁸. Туркистон ўлкаси ҳукумрон доиралари халқнинг қонини очкўз зулук каби сўриб келдилар ва аҳоли аксарият қатламини қашшоқликда умр ўтказишга мажбур қилдилар.

Козимбек ТЎХТАБЕКОВ,
ЎзМУ тарих факультети, Ўзбекистон та-
рихи кафедраси ўқитувчиси.

ИСЛОМ ДИНИДА ТАБИАТ МУҲОФАЗАСИ МАСАЛАСИ

Ислом дини Ер юзида кенг ёйилган жаҳон динларидан биридир. Бугунги кунда унга қарийб 1 млрд. 200 млн. аҳоли эътиқод қилади¹. Ислом динида табиат муҳофазасига катта эътибор берилиб, инсонларга атроф-муҳитни муҳофаза қилишлари зарурлиги уқтирилган. Ислом динининг мукаддас китоби Қуръони каримнинг Қамар сурасида: «Албатта, Биз ҳар бир нарсани ўлчов билан яратдик»², Фурқон сурасида эса: «Ҳар бир нарсани ўлчов ила ўлчаб яратган Зотдир», — дейилган³. Яъни, дунёдаги жамики нарса: сув ҳам, ер ҳам, ҳаво ҳам, ҳайвонот олами ҳам, ўсимлик дунёси ҳам Аллоҳ томонидан ўлчов билан ва бир-бирига боғлиқ қилиб яратилганлиги кўрсатилган. Агар бу боғланиш ва ўлчов бузилса, инсон учун бир қатор муаммолар келиб чиқиши таъкидланган. Агарда инсоният табиат неъматларидан ҳаддан зиёд фойдаланишни давом эттирса, ўрмонларни кенг микёсда кесишни тўхтатмаса⁴, сувдан тўғри ва оқилона фойдаланмаса⁵, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини киришни давом эттирса⁶, ҳавога кўплаб захарли моддалар чиқарилишини тўхтатмаса, албатта, охир-оқибат ўзини ҳалокатга олиб келади.

Аллоҳ инсонга дунёни асраш, неъматларидан манфаат олиш, уларни ҳалок этмаслик, яхшилик йўлида ишлатиш ва ёмонликка ишлатмасликни буюрган. Қуръони каримнинг Аъроф сурасида: «Ва ислоҳ қилингандан кейин ер юзида фасод қилманг»⁷, — дея, инсоният бузғунчиликдан қайтарилган.

Қуръони каримнинг бир қанча сураларида ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини эъзозлаш ва улардан тўғри фойдаланишга чақирилган. Жумладан, Анъом сурасида: «Ер юзидаги ҳар бир юрувчи жонзот ва икки қаноти ила учувчи қуш борки, ҳаммаси сиз каби умматлардир»⁸,

¹ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т., 2002. №4. Б. 237.

² Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Қуръони Карим ва ўзбек тилидаги маънолар таржимаси. Т.: Шарқ, 2008. Б. 531.

³ Ўша манба. Б. 359.

⁴ Мутахассисларнинг ҳисоб-китобига кўра, бундан 1500 йил илгари ер юзининг 47 %ини ўрмонлар ташкил этган бўлса, ҳозирги кунда унинг 27 %и қолган. Тилолов Т. Биологик хилма-хиллиқни асраш – ҳаётни асрашдир.//Экология хабарномаси. 2008. №3. Б. 39.

⁵ Маълумки, дунёдаги жами сув захираларининг атиги 2 %и чучук сувдир. Одамлар дунёдаги умумий сув захираларининг атиги 0,4 %идангина фойдаланиш имкониятига эга. 1,1 миллиардга яқин одам тоза ичимлик сувидан фойдалана олмайд. Ҳар куни 2 миллион тонна чиқинди сув хавзаларига ташланади. Бугунги кунда 40 дан ортиқ мамлакатдаги 2 миллиарддан ортиқ одам сув танқислигини сезмокда. Тилолов Т. Экологиянинг долзарб муаммолари. Қ. «Насаф», 2003. Б. 15.

⁶ Мутахассисларнинг тахминига қараганда, дунё бўйича ҳар соатда ҳайвон ва ўсимликларнинг бир тури йўқолиб борапти. Тилолов Т. Биологик хилма-хиллиқни асраш – ҳаётни асрашдир.//Экология хабарномаси. 2008. №3. Б. 39.

⁷ Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Қуръони Карим ва ўзбек тилидаги маънолар таржимаси. Т.: Шарқ, 2008. Б. 157.

⁸ Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Қуръони карим ва ўзбек тилидаги маънолар таржимаси. Т.: Шарқ, 2008. Б. 132.

¹⁶ ЎзР.МДА 18-жамғарма, 1-рўйхат, 6861-йиғма жилд, 6-варак.

¹⁷ Зиёев Х. Ўзбекистон мустамлака ва зулм исканжасида. Т.: Шарқ. 2006.-Б.148.

¹⁸ ЎзР.МДА 19-жамғарма, 1-рўйхат, 5573-йиғма жилд, 4-6-варак

В данной статье автор освещает позиции Ислама об охране природы и представляет несколько примеров (аяты из Корана, указание и призывы пророка из Хадиса) защиты фауны и флоры.

В статье представлена также некоторая статистика о нехватки воды в мире, исчезновении многих типов животных и растений, загрязнении окружающей среды.

In this article, the author tries to investigate the attitude of Islam towards nature protection. Examples of animal and plant protection are given both from the Koran and hadiths.

This article also includes water shortage and statistics on the extinction of animals and plants. The pollution of the environment is also focused on.

Муъминун сурасида: «Албатта, сиз учун чорва ҳайвонларида ибрат бордир. Биз сизни уларнинг қоринларидаги нарса ила суғорурмиз ва сиз учун уларда кўпгина манфаатлар бор ва улардан ерсизлар. Ва уларга ва кемаларга юкланурсизлар»⁹, Наҳл сурасида: «У чорва ҳайвонларини ҳам яратди. Уларда сиз учун иссиқлик, манфаатлар бор ва улардан ейсизлар ҳам. Ва сиз учун уларда кечки пайт (ўтлоқдан) қайтаётганларида ва эрталаб (ўтлоққа) кетаётганида жамол бор. Ва улар юқларингизни сиз жон машаққатсиз ета олмайдиган юртларгача кўтариб боради. Албатта, Раббингиз меҳрибон ва раҳмлидир. Отлар, хачирлар ва эшакларни минишингиз ва зийнат учун (яратди) ва сиз билмайдиган нарсаларни яратур»¹⁰, — дейилган бўлса, Абаса сурасида: «Инсон ўз таомига назар солсин. Албатта, Биз сувни роса қуйиб қўйибмиз. Сўнгра ерни ўзига хос ёрдик. Биз унда донни. Ва узум ва қўқларни. Ва зайтун ва хурмоларни. Ва тифиз боғларни. Ва мевалару ва ўт-ўланларни ўстириб қўйдик. Сизларга ва чорваларингизга манфаат ва лаззат бўлсин, деб»¹¹, Қоф сурасида: «Ва осмондан барака сувини туширдик ҳамда у билан боғ-роғларни ва дон ҳосилини ўстирдик. Ва зич мевали шингиллари бор хурмоларни ҳам. Бандаларига ризқ қилиб. Ва у (ёмғир) билан ўлган шаҳарни тирилтирдик»¹², Тоҳо сурасида: «У сизга ерни бешик қилган, сизга унда йўллар очган ва осмондан сув туширган зотдир. Бас, ўша (сув) ила турли набототлар жуфтларини чиқардик. Енглар ва чорваларингизни боқинглар. Албатта, бунда ақл эгалари учун ибратлар бордир»¹³, — дейилган. Юқоридаги суралардан кўриниб турибдики, Аллоҳ ҳайвон ва ўсимликларни

инсонларга фойда келтирадиган неъматлар сифатида яратди. Шу боисдан, инсонлар бу неъматлар учун Парвардигорига шукр айтиб, ўзлари учун зарур бўлган ҳайвонот ва ўсимлик дунёсига эҳтиёткорона ёндашишлари, уларни қўриқлашлари ва сақлашлари лозимдир.

Аммо кейинги йилларда инсон эҳтиёжлари доирасининг кундан-кунга кенгайиб бориши ва бу эҳтиёжларни қондириш йўлидаги ҳаракатнинг ўсиши инсониятнинг табиатга салбий таъсирини кучайтириб юборди. Айниқса, XX асрнинг иккинчи ярмида одамзотнинг табиатга салбий таъсири шу даражада кучайиб кетдики, бир мамлакат доирасида амалга ошириладиган муҳофаза тадбирлари етарли бўлмай қолди ва табиатни муҳофаза қилиш бугунги кунда энг глобал муаммолардан бири бўлиб, эндиликда у умумжаҳон ишига айланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов бу борада ўз фикрини қуйидагича баён этади: «Тараққиётнинг ҳозирги босқичида инсон билан табиатнинг ўзаро таъсирига оид бир қатор муаммоларни ҳал этиш фақат бир мамлакат доирасида чекланиб қола олмайди. Уларни бутун сайёрамиз кўламида ҳал қилиш зарур. Кўриниб турибдики, табиий муҳитни инсон яратадиган хўжалик фаолиятининг зарарли таъсиридан ҳимоя қилиш билан боғлиқ кўпгина муаммолар кенг кўлам касб этади. Шу сабабли улар фақат халқаро ҳамкорлик асосида ҳал қилиниши лозим»¹⁴.

Инсоннинг табиатга таъсири ва унинг салбий оқибатлари қуйидаги маълумотларда яққол кўринади: планетамизда ҳар йили 100 млрд. тонна фойдали қазилмалар қазиб олинмоқда, 800 млн. тонна турли металллар эритилмоқда, 60 млн. тонна сунъий материаллар синтез қилинмоқда. Қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган 500 млн. тонна минерал маданий ўғитлар, 3 млн. тонна турли пестицидлар, захарли моддаларнинг учдан бир қисми сув ҳавзаларини, атмосфера ҳавосини булғатмоқда. Умуман, жаҳонда саноат ва бошқа соҳаларда ишлатилаётган 500 млрд. кубометр оқовалар сув ҳавзаларига йўналтирилиб, уларнинг дунё океанларидаги қаттиқ чўкмалари ҳар йили 14,4 млрд. тоннани ташкил қилмоқда. Дунёда энергетика қувватини ишлаб чиқариш ҳар 12 йилда, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш — 15 йилда 2 бараварга ошиб бориши билан XXI асрнинг дастлабки ўн йиллигидаёқ табиатга “индустриал босим”нинг 2,5-3 марта ошиши кутилмоқда. БМТ маълумотларига кўра,

⁹ Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Қуръони карим ва ўзбек тилидаги маънолар таржимаси. Т.: Шарқ, 2008. Б. 343.

¹⁰ Ўша манба. Б. 267-268.

¹¹ Ўша манба. Б. 585.

¹² Ўша манба. Б. 518.

¹³ Ўша манба. Б. 315.

¹⁴ Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. Т.: Ўзбекистон, 1998. Б.110.

1970 йилда табиий муҳитни ифлослантирувчи чиқиндиларнинг умумий ҳажми 40 млрд. тонна бўлган бўлса, XX аср ниҳоясида у 104-105 млрд. тоннага етди¹⁵. XVI асрнинг охиридан XX асрнинг 70-йилларигача умуртқали ҳайвонларнинг 250 тури ва кичик турлари буткул йўқолиб кетди. 80-йиллардан бошлаб ҳар йили ўртача 1 та ҳайвон тури ва 50 га яқин ўсимлик тури йўқолиб бормоқда. Қуш ва сут эмизувчиларнинг 1000 дан ортиқ тури йўқолиб кетиш арафасида турибди¹⁶. Кўриниб турибдики, инсоният ўзининг чексиз эҳтиёжларини қондириш йўлида башариятни боқиб турган ва унинг ҳаётини таъминлаб турган табиатдан ваҳшийларча ва бетартиб фойдаланиб, нафақат табиат неъматларининг йўқолиб кетиши хавфини юзага келтирмоқда, балки ўз ҳаётини хавф остига қўймоқда. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун Аллоҳ ўз бандаларини комилликка чақириб, жоҳилликдан қайтарган ва уларга зулм қилмасликни буюрган.

Мусулмон оламида Қуръони каримдан кейин турувчи ҳадиси шарифларда Пайғамбаримизнинг табиатни асраш борасида берган кўрсатмалари мавжуд. Жумладан, Расулulloҳ (с.а.в.): “Эҳтиёжингиздан ортиқча сувни (ўтлоқларга) ман қилмангиз, акс ҳолда ўт-ўланларнинг мўл-кўл бўлмоғига монъелик қилурсиз!» — деб марҳамат қилдилар¹⁷. Бу билан Расулulloҳ (с.а.в.) ўсимликларни қуриб кетишдан сақлашга ва парваришлашга чақирганлар. Шунингдек, Пайғамбар (с.а.в.) «Кимки чумчуқни сабабсиз ўлдирса, қиёмат куни чумчуқ Аллоҳга: “Эй Раббим, фалончи мени манфаат учун эмас, ўйнаб ўлдирди”, деб шикоят қилади»¹⁸, — дея марҳамат қилинган ҳадислари билан жониворларни бекордан-бекорга ўлдиришдан қайтарганлар.

Яна бир ҳадисда эса: «Бир аёл ўзининг мушуги туфайли дўзахга кирди. Уни боғлаб қўйиб, унга таом ҳам бермади, уни ердаги нарсалардан емоғи учун қўйиб ҳам юбормади. Ҳатто, у озиб-тўзиб ўлди»¹⁹, — дейилган. Ушбу ҳадис орқали Пайғамбаримиз ҳайвонот оламига ваҳшийларча муносабатда бўлиш ва уларга озор етказиш нақадар катта гуноҳ эканлигини таъкидлаганлар.

Хулоса қилиб айтганда, ислом дини инсониятни табиатни муҳофаза қилишга, унинг неъматларидан оқилона ва тўғри фойдаланишга

ҳамда унга зарар етказмасликка чақиради. Чунки инсон табиатнинг бир бўлагидир, балиқ сувсиз яшай олмаганидек, инсон ҳам табиатсиз яшай олмайди. Бугунги кунда ҳар бир инсон миллати, эътиқодидан қатъи назар шуни тушуниб етиши зарурки, табиатга етказилган ҳар қандай зарар инсониятнинг ўзига, унинг келажагига етказилган зарардир. Шуниси эътиборлики, ислом дини нафақат табиат муҳофазасида, балки умуман ҳар қандай зулм ва жоҳилликни қоралайди ва инсониятни эзгуликка, комилликка ундайди. Айнан шунинг ўзи дунё тинчлиги ва табиат хавфсизлигининг гаровидир.

Маълумки, ҳозирда табиатни муҳофаза қилиш ва табиат неъматларини асраш энг долзарб ва муҳим вазифалардан биридир. Бунга эришиш учун қуйидагиларни амалга ошириш зарур:

Биринчидан, фуқароларда экологик маданиятни ошириш керак. Чунки табиат ҳодисаларидан кўра, инсонларнинг таъсири табиатга кўпроқ зарар келтирмоқда. Агар инсонларда экологик онг ва экологик маданият шаклланса, бу билан инсонларнинг табиатга салбий таъсири йўқотилади (ёки ҳеч бўлмаса камайтиришга муваффақ бўлинади).

Иккинчидан, саноатнинг табиатга салбий таъсирини камайтириш керак. Албатта, саноат инсоният тараққиёти учун муҳимроқ ва унинг табиатга салбий таъсирини камайтириш устида ишлар олиб борилмоқда. Аммо бу борадаги ишларни такомиллаштириш ва изчил давом эттириш, илмий-техника ютуқларидан табиат муҳофазасида кенг фойдаланиш зарур.

Учинчидан, табиатни муҳофаза қилишда давлатларнинг фаол ҳамкорлиги. Маълумки, айрим экологик фалокатлар 1 та мамлакат муаммоси ҳисобланиб қолмай, у бутун минтақа ёки бутун дунё муаммоси бўлиши мумкин. Шунинг учун экологик хавфни олдини олишда ва табиатни муҳофаза қилишда давлатлар фаол ҳамкорлик олиб бориши ҳамда имзоланган шартнома ва конвенцияларга қатъий риоя этиши керак. Айниқса бу вақтда мамлакатларнинг сиёсий мақсадлари ва муаммолардан холи бўлиш керак.

Бекзод УСМАНОВ,

ЎЗР ФА Тарих институти аспиранти.

¹⁵ Шахс ва жамият. Т.: Ўқитувчи, 2005. Б. 176-177.

¹⁶ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. №8. Т., 2004. Б. 208.

¹⁷ Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ҳадис. 2-жилд. Т., 1997. Б. 80.

¹⁸ Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Иймон. Т.: Шарқ, 2008. Б. 77.

¹⁹ Ўша манба. Б. 79.

МАНҒИТЛАРНИНГ ЭТНИК ТАРИХИ ВА ШАКЛЛАНИШИ

Ўзбекистон мустақилликка эришиши билан тарих фанида туб ўзгаришлар юз берди. Совет даврида сохталаштирилган тарихимиз ва унутилган қадриятлар, тарихий номлар, тарихнинг ўқилмаган саҳифалари истиқлол шарофати билан қайтадан тикланди.

Мустақилликнинг дастлабки кунларидан тарихчилар олдиға ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги масалаларини ўрганишдек долзарб вазифалар қўйилди. Бугунги кунга келиб мазкур масалаларни ҳал қилиш борасида тадқиқотчилар томонидан салмоқли ишлар амалга оширилди. Шунга қарамасдан, узоқ ўтмишга эға тарихимизнинг ҳали ўрганилмаган саҳифалари, ечимини кутаётган бир қанча муаммолар ҳам йўқ эмас.

Хусусан, ўзбек халқининг шаклланишида иштирок этган кўплаб қабилалар қаторидан ўрин олган манғитлар қабиласини тадқиқ этишни ҳам ана шу муаммолар жумласига киритиш мумкин.

Бухоро амирлиги тахтида 1753 йилдан 1920 йилгача ҳукмронлик қилган мазкур қabila сулоласи вакиллари тарихи, турмуш тарзи, амирлик тахтига келиши тўғрисида ҳозирда етарлича маълумотларга эға эмасмиз.

XX асрда ўзбек халқининг шаклланиши борасида илмий изланишлар олиб борган Н.Я.Бичурин, В.В.Бартольд, Л.Н.Гумилёв, А.Ю.Якубовский, Н.А.Аристов, Б.Аҳмедов, К.Шониёзов, А.Асқаров каби олимларнинг тадқиқотларида¹ ўзбек халқининг компонентларидан бирини ташкил этган манғитлар қабиласи тўғрисида айрим маълумотлар бериб ўтилган. Уларнинг асарларида манғитларнинг ўзбек уруғларидан бири эканлиги, манғитлар Ўрта Осиё ҳудудига XIII асрда келиб жойлашганлиги тўғрисида маълумот берилади. Лекин манғитларнинг сиёсий, ижтимоий, маданий ҳаёти тўғрисида маълумотлар жуда кам. Рус шарқшуноси В.В.Бартольд асарида² туркий қабилалар,

манғитлар масаласига эътибор қаратилиб, мазкур қабилаларнинг жойлашиши ва халқларнинг буюк кўчишидаги иштироки, бошқа элат ва халқлар билан иқтисодий ва маданий алоқалари ҳамда уларнинг ўзбек уруғлари ичидаги ассимиляцияси каби масалалар хусусида маълумотлар берилади.

Мустақиллик йилларида этнограф олим, академик К.Шониёзов томонидан яратилган “Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни” деб номланган монографияда манғитлар тўғрисида “Дашти Қипчоқдан Мовароуннаҳрга кўчиб келган этнослар қипчоқ, сарой, кўнғирот, юз, найман, манғит, хитойлар йирик этник гуруҳлар ҳисобланишган. Уларнинг ҳар бирининг сони 30–50 мингдан бўлиб, XVIII аср охири — XIX аср бошларида уларнинг умумий сони 270 мингга деб тахмин қилинган”³, деб таъкидланади.

“Манғит” сўзининг келиб чиқиши борасида сўз юритадиган бўлсак, манбаларда манғит, манқит, манкут тарзида учрайди. Т.Нафасовнинг маълумот беришича, “Манғитлар ўзбек халқи таркибига кирган йирик этник уюшма бўлиб, қадимги туркий қабилалардан биридир”⁴.

“Манғит” сўзининг этимологиясига келсак, “манғит – минглар, манғат энг қадимий ном, “т” аффикси олтой тилида жамлик ёки кўплик маъносини билдиради”⁵.

Ўзбек уруғларининг сони тарихий манбаларда турлича берилган бўлиб, Ўрта Осиё ҳудудига 92 ўзбек қабиласи яшаганлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд. Масалан, тарихчи ва географ Ҳамидуллоҳ Қазвинийнинг “Таворихи гузидаи Нусратнома” асарида қабилалар сони 24—26 та деб таъкидланиб, уларнинг номлари келтирилади. XVI асрда Ҳофиз Таниш Бухорийнинг “Шарафномаи шоҳий” асарида эса қабилалар сони 40 та⁶ деб кўрсатилади.

XVIII асрда яратилган “Баҳр ул-асрор” асарида эса уларнинг сони 50 тадан ортиқ деб берилган. Албатта, мазкур қабилалар қаторига манғит қабилалари ҳам кирган.

XIV—XV асрнинг биринчи ярмида яшаган тарихчи Шарафиддин Али Яздий ҳам ўзининг “Зафарнома” асарида ўша даврда истиқомат қилган 44 та туркий қabila ва уруғларнинг номларини бериб, улар орасида манғитларни ҳам қайд этиб ўтган⁷.

¹ Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. М., 1950. С.334. Бартольд В.В. Двенадцать лекций по истории турецких народов Средней Азии. соч.Т.5.М., 1968; Гумилев Л.Н. Древние тюрки. М.: Наука, 1967.С.504; Аҳмедов Б. Ўзбекларнинг келиб чиқиш тарихидан. Т., 1962; Ўзбек улуси. Т., 1992; Государство кочевых узбеков.М., 1965; Тарихдан сабоқлар. Т., 1994; Якубовский А. Ю. К вопросу об этногенезе узбекского народа. Т., 1941. С. 20; Аристов Н. А. Заметки об этническом составе тюркских племен и народностей и сведения об их численности // Живая старина. Вып.3 и 4.1896. С.370; Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. Т., 2001. Б.414; Асқаров А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. Т.: Университет, 2007. Б.338. История Астраханского края. Астрахань: Изд-во Астраханского гос. пед. ун-та, 2000. С.112. (<http://www.astrakhan.ru/history/read/23/>)

² Бартольд В.В. Сочинения. 5-том. Работы по истории и филологии тюркских и монгольских народов. М.: Наука, 1968.С.556.

³ Шониёзов К.Ш. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. Т.: Шарқ, 2001. Б.414.

⁴ Нафасов Т. Ўзбекистон топонимларининг изохли лугати. Т., 1968. Б.113-114.

⁵ Жўракулов О.Қашқадарё манғитлари. Т.: Фан, 1993. Б.20.

⁶ Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. Т.: Ўқитувчи, 1994. Б.378.

⁷ Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома. Т.: Шарқ, 1997. Б.38.

Ғарб ва рус саёхатчи ҳамда шарқшунослари асарларида ҳам ўзбек уруғлари, уларнинг таркибидаги манғитлар тўғрисида маълумотлар берилган. Хусусан, Н.В.Ханыковнинг фикрича, “Ўзбеклар Бухоро хонлигидаги энг муҳим қабилалардан бири бўлиб, уларнинг уруғи 5 гуруҳга бўлинган: манғитлар, оинли, қўштамғали, увоктамғали, қирқ”⁸. Шу билан бирга, муаллиф мазкур гуруҳларни кичик гуруҳларга бўлган ва уларнинг барчаси 97 уруғ эканлигини таъкидлаган⁹. “Манғитлар Қаршининг атрофлари, Бухоронинг чекка қисмларида кўчманчилик билан шуғулланишади. Айниқса, уларнинг катта гуруҳлари юқоридаги иккита шаҳарда ўтроқ турмуш кечиришади”¹⁰.

Фарғона водийси бўйлаб саёхат қилган Миддендорф эса, бу ерга келиб ўрнашган қабилалар сонини 20 та деб кўрсатади.¹¹ Вамбери ўзбекларни 33 та уруққа бўлган бўлса, Н.В.Наливкин уларнинг сонини 92 та деб келтиради¹².

Туркий халқлар тарихи билан шуғулланган шарқшунос олим В.В.Бартольд эса, ўзбек уруғларини дастлаб 32 та, кейинги тадқиқотлари давомида 92 та деб қайд этган¹³, Ч.Валихонов, ўзбек уруғларини 96 та деб кўрсатган. У Бухоро ўзбекларининг уруғларидан бўлган манғит, кўнғирот, хитой, қипчоқ, сори, ябғу, диахли, минг, баҳрин, баркут, қатағон ва бошқаларни кўрсатиб ўтади¹⁴.

Манғитлар қабиласининг Ўрта Осиё ҳудудига кириб келиши хусусида ҳам турлича қарашлар мавжуд. Бу борада кенгроқ маълумот Абулғозий Баҳодирхоннинг “Шажараи турк” асарида берилган. Асарда келтирилишича, “манғит уруғининг шаклланиш даври X аср охири — XI аср бошларига тўғри келади”¹⁵.

Ўзбек миллий комусида эса, манғитларнинг аجدодлари XIII аср бошларида Мўғулистонда яшаб келган мўғул қабилалари ҳисобланади¹⁶, деб берилган.

Тарихдан маълумки, XIII аср бошларида, аниқроғи, 1219 йили Мовароуннахрга Чингизхон катта қўшини билан бостириб кирган. Бу қўшин таркибида мўғуллар билан бирга туркийлар ва турклашган мўғуллар

В этой статье дается информация о племенах в этнической группе узбекского народа, в частности исследуется племя мангитов. Даются сведения о мангитах, которые управляли в Бухарском Эмирате с 1753 по 1920 годы, также формировании их этнической истории, вторжении в Центральную Азию, их политические, социально — экономические и культурные особенности, топонимика мангитов, язык (диалект), племена и т.д. Также описана жизнь современных мангитов. Приведённые в статье сведения основаны на исторические источники.

The article gives information about the tribes that form the ethnic structure of Uzbeks in particular mangits. Besides that, this article gives us information about ethnic history, political, economic, social and cultural life of mangits, that ruled Bukhara Emirate from 1753 to 1920, mangit toponymy, dialect, clans and today's condition of mangit tribes. All the facts in this article are based on historical sources.

бўлган. Қарлуқлар, жалойирлар, тоторлар, маркитлар, буркутлар, кўнғиротлар, барлослар, сулдузлар ва бошқалар шулар жумласидандир. Бу қабилалар ўзбек халқининг этник таркибини янада бойитди. Лекин XV асрга қадар булар ўзбек номини олмаган ва улар туркийлар ёки ўз қабиласи номи билан аталган.

Рашидиддин ўзининг “Жомеъ ат-таворих” (“Солномалар мажмуаси”) номли кўп жилдли асарида Абулғози Баҳодирхоннинг манғитларнинг шаклланиши борасидаги фикрларини тасдиқлайди. Шу билан бирга, мазкур муаллиф манғитларнинг жойлашиши, Ўрта Осиёга кириб келиши ҳақидаги маълумотларни ҳам бериб ўтган. Жумладан, асарда келтирилишича, XI—XIII аср бошларида манғитлар Жанубий Сибирь, Мўғулистон ва Еттисув ўлкасида истиқомат қилишган, кейинчалик Чингизхон қўшинининг асосини ташкил этган қабилалар (булар орасида туркийзабон халқлар таркибига кирган қарлуқ, қипчоқ, баҳрин, нукуз, қиёт, кўнғирот, манғит, барлос, сулдуз, баёвут, чинос, қурловут, уйрот, булғочи, керойт, найман қабилар бор) сифатида қайд этилади¹⁷.

Манғит қабиласи XIII аср давомида Дашти Қипчоққа келиб ўрнашган. Стенли Лень Пуль, Г. Ховорсларнинг фикрича, бу улуснинг катта қисми XIII—XIV асрларда Волга ва Урал дарёлари оралиғида жойлашган. XIV асрнинг охири ва XV аср мобайнида Дашти Қипчоқнинг сиёсий ҳаётида кўчманчи манғит қабиласининг йирик ер эгалари катта аҳамият касб этганлар. Жумладан, ана шундай манғит

⁸ Ханыков Н.В. Описание Бухарского ханства. СПб, 1873. С.58-61.

⁹ Ўша манба. С.58-63.

¹⁰ Ўша манба. С. 63.

¹¹ Миддендорф А.Ф. Очерки Ферганской долины. СПб, 1882. С.27.

¹² Наливкин Н.В. Краткая история Кокандского ханства. Казань, 1886. С.215.

¹³ Бартольд В.В. Современное состояние и ближайшие задачи изучения истории турецких народностей. Соч. Т.УМ: 1968. С. 465.

¹⁴ Валихонов Ч.Ч.Избранные произведения. М., 1986. С. 264.

¹⁵ Абулғозий Баҳодирхон. Шажараи турк. Т., 1991. Б.38-39.

¹⁶ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 5жилд. Т.: Шарқ, 2004. Б.456.

¹⁷ Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. Т.: Ўқитувчи, 1994. Б.377.

зодагонларидан бири Идукубий (Едигей) 15 йил давомида Олтин Ўрданинг бутун ҳокимиятини ўз қўлида ушлаб турган, унинг ўғиллари эса айрим вилоятларга ҳукмронлик қилган¹⁸. Б.Д. Греков “Олтин Ўрда ва унинг кулаши” асарида мўғуллар ҳукмронлиги даврида кириб келган қабилаларнинг камбағал қисми маҳаллий аҳолининг маданий-хўжалик таъсирида ўтроқлашиб, XIV асрнинг ўрталарида уларнинг катта қисми шу қадар маҳаллий аҳоли билан аралашиб кетган эдиларки, улар фақат туркий тилда сўзлашганлигини айтиб ўтади¹⁹. Манғитлар алоҳида ўрда — Манғит Ўрдасини ташкил этганлар. XV асрнинг ўрталарида манғитлар “ноғай” (нўғай) деб аталган, уларнинг ўрдаси эса, “Ноғай Ўрдаси” номини олган. Ноғай Ўрдаси XVI асрнинг 2-ярмида иккига бўлинган: катта ва кичик ноғайлар. Уларнинг ҳудуди Каспий бўйи, Волгадан Уралгача бўлган²⁰.

Масъуд ибн Усмон Кўҳистонийнинг “Тарихи Абулхайрхоний” номли асарида ҳам кўчманчи ўзбеклар ва уларнинг давлати тўғрисида қимматли маълумотлар берилиб, “Оқ Ўрда ва Шайбон улусида XV асрнинг бошларида: буркут, қиёт, қушчи, ийжон, кўнғирот, ушун, ўтарчи, найман, жот, чимбой, қорлиқ, кенегас, дўрмон, қурловут, тубой, манғит, уйғур, минг ва бошқа қабилалар яшаган”²¹ лиги таъкидлаб ўтилади.

А.Асқаров асарида XIII аср охирларида турк-мўғул қабилалари таркибига кирган манғитлар орасидан етишиб чиккан саҳройи суворий ҳарбий гуруҳлар жанговор ўзбеклар номи остида пайдо бўлганлигини, XV асрнинг 20-йилларида, яъни 1425 йилда Жўжихон набираларидан бири Абулхайрхон ана шу саҳройи аслзода бекзодалардан ташкил топган ҳарбий гуруҳларни бирлаштириб, ҳарбийлашган давлат барпо этганлиги ва бу ишда асосан, манғит қавмларига таянганлиги келтирилган. Шунингдек, уларнинг антропологик типи жанубий Сибирь типини эслатиши айтиб ўтилган²².

XVI асрнинг бошларида яратилган Фазлуллоҳ ибн Рузбекхоннинг “Меҳмонномаи Бухоро” асарида манғитлар Дашти Қипчоқ ўзбекларининг уч тоифадан иборат қабилалар иттифоқининг бири эканлиги кўрсатилади.

Мазкур иттифоққа манғитлардан ташқари, шайбон улусидаги қабилалар, қозоқлар кирган²³.

Ноғай Ўрдаси катта ва кичик ноғайларга бўлинган, шу даврдан бошлаб улар Ўрта Осиёга келиб жойлашган. Кейинчалик катта ноғай таркибидаги манғитлар ўзбеклар, қорақалпоқлар ва қисман қозоқларнинг шаклланишига хизмат қилган. Манғитлар қорақалпоқлар ва Шимолий Кавказдаги ноғайлар таркибида ҳам бўлган, бир қисми эса Шимолий Афғонистонда яшаган. XVI асрда ҳозирги Ўзбекистон ҳудудига кўчиб келганлар. Манғитлар қабиласи асосан Зарафшон водийсига, қисман эса Хоразмга, Қарши воҳасига, Амударёнинг чап соҳилида Чоржуй вилоятига келиб жойлашган.

Манғит қабиласи бир қанча йирик ва майда уруғларга бўлинган бўлиб, улар орасидаги энг катта уруғлар: оқ манғит, тўқ манғит, қора манғит, оч манғит, чала манғит, бойгунди манғит, темирхўжа, шобий, гавлак, кўса, тоз, қорабайир, бақирчи, кула, тамғали манғит, қозоқ, уникки, чўкай, галаботир, бешкал, чобакчак, уз, увалий қабилардир²⁴.

Қадимдан деҳқончилик билан шуғулланиб келган ўзбеклар таъсири остида манғитларнинг бир қисми аста-секин ўтроқлашиб борган бўлса, бир қисми XIX асрнинг охири — XX асрнинг бошларига қадар ярим ўтроқ ҳолда яшаб, чорвачилик билан шуғулланиб келган. Улар қорақўл ва жайдари қўйларни боқишган. Манғитлар деҳқончилик, ҳунармандчилик (матолар, гилам, бўз, алача, калами) билан шуғулланган.

Манғитлар қипчоқ шеvasида сўзлашадилар. Аммо улар қорлуқ чигил диалектида гаплашувчи аҳоли билан аралашиб натижасида айрим ҳудудларда аралаш ҳолда талаффуз этадилар. Буни махсус тадқиқотлар ҳам исботлайди²⁵.

Манғитлар XVIII асрнинг охирларига келиб Бухородаги сиёсий вазият туфайли аштархонийлар сулоласи ўрнига ўз ҳукмронлигини ўрнатган. Айнан шу сулола вакиллари ҳукмронлигидан бошлаб Бухоро хонлиги амирлик деб атала бошланган.

XIX асрнинг 70-йилларида Шарқий Бухорода бўлган полковник Матвеев сўзларига қараганда, амирликнинг шарқий аҳолисини ўзбеклар ва тожиклар ташкил этган. Бундан ташқари, Шарқий Бухорода туркманлар,

¹⁸ Лень Пуль, Стенли. Мусульманские династии: Хронологические и генеологические таблицы с историческими введениями. М., 2004. С.311.

¹⁹ Греков Б.Д., Якубовский А.Ю. Золотая Орда и её падение. М., 1950. С.279.

²⁰ Большой энциклопедический словарь. Ред. А.М. Прохоров. М., 2004. С.816.

²¹ Ахмедов Б. Ўзбекларнинг келиб чиқиш тарихидан. Т., 1962. Б.7.

²² Асқаров А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. Т.: Университет, 2007. Б. 257–338.

²³ Фазлаллаҳ ибн Рўзбекхон Исфохони. Меҳмон-нома-и Бухара (записка Бухарского гостя). Перевод и примечания Р.П. Джалиловой. М., 1976. С.62.

²⁴ Жўракулов О. Қашқадарё манғитлари. Т.: Фан, 1993. Б.31.

²⁵ Ишаев А. Мангитский диалект узбекского языка. Т., 1962. С.37.

қирғизлар, афғонлар, хазарлар ва бошқалар яшашган. Уларнинг айримлари бу ерга кўп йиллар аввал, кўпчилиги эса XIX асрнинг ўрталарида келиб жойлашишган. Улар бир қанча қабилаларга бўлинган ва ҳар бири ўзининг бийи ва оқсоқолига эга эди. Матвеев фикрича, амирликдаги асосий бошқарувчилар манғитлар сулоласи вакили ҳисобланган²⁶.

1909 йилда Ҳасан Ато Абуший томонидан ёзиб қолдирилган “Туркий қавмлар тарихи” асарида ҳам манғит уруғига мансуб туркларнинг шу кунларда ҳам мавжудлиги айтиб ўтилади²⁷. “...ўзбек уруғлари эса ушбу кунимизда ҳам Туркистон вилоятларимизда соғ-саломатдирлар, Хива, Тошканд, Бухоро вилоятларинда тириклик этадилар. Бу кун саломат Бухоро амири “манғит” қабиласи ўзбекларидиндир”²⁸.

XX аср бошларига келиб, аниқроғи 20-йилларда Ўзбекистон ҳудудида манғит уруғлари сони бир қанчага ошган, жумладан, Бухоро хонлиги ҳудудида 100 минг киши, Бухоро воҳаси ва Қарши атрофида 44 минг киши, Зарафшоннинг куйи оқимида 8 минг киши, ўрта оқимида 10 минг киши, Чоржуй туманида 11 минг киши, Жиззахда 2600 киши, Хоразмда 10 минг киши яшаган²⁹. Ҳозирда мазкур ҳудудларда манғитлар истикомат қиладиган алоҳида шаҳар ва қишлоқлар мавжуд. Бунга мисол тариқасида Қорақалпоғистондаги Манғит шаҳрини, Қашқадарё ва Навоий вилоятларидаги манғит қишлоқларини айтиб ўтиш мумкин.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, манғитларнинг келиб чиқиши, шаклланиши, уларнинг Ўрта Осиёга келиб жойлашиши, бошқа туркий қабилалар билан ўзаро таъсири, қабилалараро жараёнлардаги иштироки, турмуш тарзи, уларнинг давлат ҳокимиятига келишига оид маълумотлар манба ва адабиётларда мавжуд бўлса-да, бироқ бу масалаларни чуқур илмий, умумлашган ҳолда тадқиқ этиш лозим. Бу масалаларни ҳар томонлама илмий тадқиқ қилиш билан тарих фанини янги маълумотлар билан бойитиш мумкин, деб ҳисоблаймиз.

Зилола ХАЛИЛОВА,
ЎЗР ФА Тарих институти аспиранти.

ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИДА НИКОҲГАЧА УЧРАШУВНИНГ АҲАМИЯТИ

Умр йўлдоши танлашда никоҳга учрашувнинг аҳамияти каттадир. Ёшларнинг оила қургунларига қадар бир-бирларини қанча вақт билганлари, улар қандай шароитлар ва шартларга кўра танишиб оила қуришлари никоҳ мустаҳкамлигига ҳам таъсир кўрсатади. Одамларнинг учрашувларга эътибор бермаслиги, унинг аҳамияти борлигини билмаслиги сабабли бу масалага алоҳида тўхталиб ўтишни жоиз топдик.

XX аср бошларига ўзбекларда одатда никоҳ учрашувсиз қурилар эди. А. Фитрат ўз асарида учрашувнинг аҳамияти ҳақида ёзар экан, шундай маълумот беради: “Совчиларимиз биз кўрмаган ва ахволдан хабаримиз бўлмаган, қизи бўлган бирор ҳовлига борадилар. Уй эгалари бу совчиларни иззат-хурмат қилмасалар, қизларига мингта айб қўйиб, бошқа ҳовлига кириб борадилар. Агарда шу хонадонда уларни яхши кутиб олсалар, еб-ичиш орасида қизни минг мадҳу санолар билан мактаб чиқадиладар. Кўзи ола бўлса – шахло кўзли, юзида чипқон изи бўлса – руҳи ҳарир, бурни пачоқ бўлса – чимчилагандек деб мактаб, ... куёвни бу ҳаёлий ва шоирона ташбеҳлар билан мафтун қиладилар. Куёв ҳам мажбур бўлиб, қизга расмий совчиларни юборади. Қизнинг онаси ва қариндошлари “куёв кўришга” келадиладар. Аммо улар куёвни эмас, балки унинг уй-жойини ва мол-мулкни кўриш учун келадиладар. Улар йигитнинг уй-жойини ёқтирар экан, катта ҳадя ва сарполарни олгандан сўнг, баҳ-баҳ... оламни куёв мактови билан тўлдирадиладар. Куёв бадбашара ва ёмон хулқли бўлса ҳам ўйламасдан: “Бу куёв фариштага ўхшайди, Худо уни шу қизимиз учун осмондан туширган”, – деб мактаб ҳукм чиқарадиладар. Бечора қизни шу хонадон ва сарполар учун қурбон қиладилар. Уйланиш учун танланган йўл мамлакатимизда, асосан, шундан иборат”. Бу одат ҳақида А. Фитрат қуйидаги фикрларини айтади: “... тўйдан олдин келин-куёв бир-бирларини кўришлари зарур. Агарда Бани Одам табиати ҳар хил бўлмаганда ёки ҳусн ва жамол муайян мезонга эга бўлганда эди, эр-хотиннинг ҳусн-жамолларини билмоқ ва баҳо бермоқ совчилар орқали бўларди... сизнинг назарингизда хунук кўринган сурат менга ёкиши, дилимни забт этиши мумкин. Аксинча, менга ҳеч қачон манзур бўлмайдиган сурат сизни бир қарашда лол ва ҳайрон этиши мумкин. Шу мушкулотни ҳал қилиш учун куёв ва келин фотиҳадан олдин бир-бирларини кўриб ёқтиришлари лозим”¹.

¹ Фитрат А. Оила ёки оила бошқариш тартиблари / Масъул муҳаррир Д.А. Алимова. Тарж. ва изоҳлар муаллифи Ш. Воҳидов. 2-нашр. Т.: Маънавият, 2000. Б. 20—21.

²⁶ Искандаров Б.И. Из истории Бухарского эмирата. М., 1958. С.10.

²⁷ Абуший Ҳасан Ато. Туркий қавмлар тарихи. Т.: Чўлпон, 1995. Б. 239.

²⁸ Ўша манба. Б. 240.

²⁹ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 5 жилд. Т.: Шарқ, 2004. Б.456.

Бизнингча, бу фикрларга изоҳнинг ҳожати йўқ. Фақат шуни айтиш мумкинки, ўтмишда яхши кўриб турмуш қуриш айб ҳисобланган. Қизлар 9–12 ёшидан паранжи ёпингани учун уларнинг юзини ҳеч ким кўрмаган. Балоғат ёшига етган қизлар “эшик ҳатлаб” кўчага чиқмаган, улар бир тўда бўлиб йиғилиб, тикиш-бичиш ишлари билан шуғулланганлар². П. Маевнинг маълумотича, XIX асрнинг иккинчи ярмида Тошкентда ўзбекларда одатда куёв қизни никоҳгача кўриши мумкин бўлмаган, аммо устомон йигитлар кўпинча таниш аёллардан бирини “сотиб” оларди. Бунда ўша аёл қизни ўзининг уйига таклиф қиларди ва шу билан йигитда қизни кўриш имконияти пайдо бўларди. Н.П. Лобачёвнинг маълумотларига кўра, жанубий гуруҳ Хоразм ўзбекларида унаштирилган қиз янгаси билан оммавий сайилга чиқиши мумкин бўлган, шу билан қиз куёв билан ўша ерда учрашган³. К. Жейжернинг собиқ Совет Иттифоқида олиб борган тадқиқотига кўра ҳам, XIX аср — XX аср бошларида ахборотчиларнинг маълумоти бўйича, келин-куёвларнинг тақдири ота-онасининг қўлида бўлган. Шундай ҳоллар бўлган эканки, қиз билан йигит бир-бирини фақат тўйдан кейин кўрган⁴.

Аммо ислом динида бўлғуси келин билан куёвнинг турмушлари мустаҳкам бўлиши учун никоҳдан аввал бир-бирларини кўришга рухсат этилади. Муғира ибн Шуъба деган саҳобий бир аёлга уylanмоқчи бўлганлигини Муҳаммад Пайғамбар (с.а.в)га айтганида, Жаноб у кишидан: “Уйланаётган аёлни кўрдингми?” – деб сўради. У киши эса: “Йўқ”, – деб жавоб қилди. Шунда Расулulloҳ (с.а.в.): “У аёлни кўргин. Чунки уни кўрсанг, ўрталарингда муҳаббат, улфатлик пайдо бўлишига сабаб бўлади”, – деди⁵.

Бироқ бир-бирини кўриш шариатга мувофиқ ҳар икки томон вакиллари назорати остида бўлиши шарт. Ўзларини ёлғиз, алоҳида қолдириш ёки никоҳдан олдин яқин ҳолда учрашиб туришлари ман этилади. Муҳаммад Пайғамбар (с.а.в): “Маҳрам бўлмаган бир киши ила бир аёл ҳеч қандай йўқ ерда холи бўлишса, уларнинг учинчиси шайтондир”, – деди⁶. Зеро, бундай учрашувларда ислом динида гуноҳ бўлишидан ташқари ҳар икки томон учун хунук, айниқса, қизлар учун тузатиб бўлмас хато, оила аъзоларининг обрўси оёқости бўлишдек кўнгилсиз воқеа юз бериши

мумкин⁷. Шу билан бирга, уламолар: “Энг яхшиси, уylanмоқчи бўлган йигит қизни унга совчи юбормасдан илгари кўрсин. Агар ёқмаса, қизга озор етказмайди, совчи юбормайди. Қизни кўриш учун унинг розилиги ё билиши шарт эмас”, – деб қўшимча қиладилар⁸.

Лекин ўзбек халқи бунга ҳар доим ҳам амал қилмагани ва амал қилмаётгани юқорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибди. Бир ахборотчи кейинги йилларни қуйидагича изоҳлайди: “Ўша пайтда (1940-йиллар) ҳамма бир-бирини фақат гўшангада кўрар эди. Умр йўлдошини фарзандига ота-она кўриб, танлар эди. “Даданг отасини суриштириб келди, мен маҳалладан билиб келдим, бизнинг юзимизни ерга қаратма, “бўлади”, деб фарзандларини никоҳлаб қўяверганлар. У пайтда ота-она нима деса, шу бўлган, “юришлар” бўлмаган. Учрашиб “юришлар” менда йўқ эди, неварамда бўлди”⁹. Лекин ўша даврда бир-бирини кўриб турмуш қуриш бор эди. Юқоридаги гаплар фақат шуни тасдиқлайдики, учрашувсиз никоҳлар ҳали ҳам амалда бўлган.

Собиқ СССР даврида бунга қарши (тўйгача кўришмасдан оила қуриш) кураш олиб борилди. 1918 йил 16 декабрда қабул қилинган “Фуқаролик ҳолати далолатномалари, никоҳ, оила ва васийлик ҳуқуқи ҳақида РСФСР қонунлар кодекси”да, 1924 йил 17 апрелда Бутунбухоро Марказий Ижроия Комитети маиший жиноятлар тўғрисидаги декретлар, 1921 йил 3 июлда Хоразм Халқ Совет Республикасида Халқ Комиссарлари Советининг никоҳ тўғрисидаги 1-сонли буйруғида, Ўзбекистон ССРнинг 1926 йил 1 июлдан амалга киритилган жиноят кодексида (274-модда) хотин-қизларни жисмоний ёки психик мажбурлаш билан эрга бериш тақиқланган¹⁰. Бу қонунлар таъсири натижасида шўролар даврида учрашувсиз, мажбурий никоҳлар йўқолиб кетди. Тадқиқот натижасига кўра¹¹, ҳозирги кунга қадар айрим оналар мол-насабига қараб¹², қизини “авраб”, у ёқтирмаган бўлса ҳам узатадилар. Қолбуки, Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 14-моддасига биноан бу тақиқланади¹³. Бунда ота-она қизни кўндиришга ҳаракат қиладиган ёки мажбурлайди. Вақт ўтган сайин ёшлар дунёқарашининг ўзгариши муносабати билан бундай “мажбурланиш”ларнинг сони камайиб

² Тошкент маҳаллалари: анъаналар ва замонавийлик (тарихий-этнографик тадқиқот). Т.: Янги аср авлоди, 2002. Б. 178.

³ Қаранг: Маев П. Азиатский Ташкент / Материалы для статистики Туркестанского края. Ежегодник. СПб.: Изд-е Турк-го статистического комитета, 1876. В. IV. С. 260-313; Лобачёва Н.П. Свадебный обряд хорезмских узбеков / КСИЭ. М.: Наука, 1960. В. 34. С. 39-48; Кисляков Н.А. Очерки по истории семьи и брака у народов Средней Азии и Казахстана. Л.: Наука, 1969. С. 240.

⁴ Kent Geiger H. The family in Soviet Union. Massachusetts, 1968. P. 218.

⁵ Салоҳиддин Мухиддин. Оила ва шаръий никоҳ одоблари: Маънавий мерос. Т.: Мовароуннахр, 2004. Б. 10.

⁶ Ўша манба. Б. 10.

⁷ Қаранг: Салоҳиддин Мухиддин. Оила ва шаръий никоҳ одоблари: Маънавий мерос. Т.: Мовароуннахр, 2004. Б. 10; Динда саволим бор... / Мусаннифлар: Муҳаммад Шариф Жуман, Аҳмад Муҳаммад. Т.: Мовароуннахр, 2005. 3-китоб. Б. 66.

⁸ Динда саволим бор... 3-китоб. Б. 66.

⁹ Дала маълумотлари: Тошкент ш., С. Раҳимов т., Сағбон маҳалласи, 2004 й.

¹⁰ Қаранг: Отаҳўжаев Ф. Никоҳ ва унинг ҳуқуқий тартибга солиниши. Т.: Ўзбекистон, 1995. Б. 172.

¹¹ Дала маълумотлари: Тошкент ш., Шайхонтаҳур т., Олмазор маҳалласи, 2007 й.

¹² Бошқа сабаблар ҳам бўлиши мумкин, масалан, камбағал ота-она қизини ўзидан бойроқ, лекин хунук йигитга ёки касал бўлган йигитга бериш одатлари учрайди.

¹³ Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси: (2007 йил 1 майгача бўлган ўзгариш ва қўшимчалар билан) Расмий нашр – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. Т.: Адолат, 2007. Б. 8.

бормоқда. Бугунги кунда келишилган учрашувга чиқмай туриб турмушга чиққан қизнинг ўзи деярли йўқ.

Психологларнинг фикрича, оила қуришдан олдин бўлажак эр-хотинлар бир-бирларини маълум бир муддат бўлажак эр ёки хотин сифатида билиб юрсалар, бир-бирларининг шахсий хусусиятлари, индивидуал сифатлари, қизиқишлари, дунёқарашлари, шахсий йўналганликлари ҳақида адекватроқ (ўхшаш) тасаввур ва маълумотларга эга бўлсалар, бу тасаввур ва маълумотлар уларга биргаликдаги ҳаётларида ёрдам бериши мумкин¹⁴.

Этносоциологик тадқиқотга кўра¹⁵, респондентларнинг кўпчилиги (жавобларнинг умумий ҳисоби – 54 %) ёшлар бир-бирларини яхши билишлари учун учрашиб юришларини маъқуллайдилар. Шу билан бирга, никоҳдан олдин учрашиб юришларни маъқул кўрмай, фақат совчилик орқали келишилган учрашувларни маъқул кўрадиган респондентлар ҳам кам эмас (жавобларнинг умумий ҳисоби – 44 %). Бунинг ичида “барибир йигитлар “юрганига” эмас, ота-онаси айтганига уйланади, “юрмаган” яхши” жавобига ва умуман совчилик орқали келишилган учрашувга аёллардан (39,7 %) кўра эркеклар (50 %) кўпроқ ижобий жавоб бердилар.

Этнографик маълумотларга кўра ҳам¹⁶, эркек ахборотчилар йигитларнинг кўп ҳолатларда учрашиб юрган қизларига уйланмасликларини, бу нафақат уларнинг ота-онаси хоҳишига боғлиқлиги, балки уларнинг ўзлари буни хоҳламасликларини эътироф этадилар. Чунки уларнинг фикрича, йигитлар билан учрашиб юрган қиз бошқаси билан ҳам худди шундай учрашиб юриши мумкин. “Нима кераги бор учрашиб юришни, агар барибир уйланиш нияти бўлмаса?” деган саволга уларнинг ўзи “кўнгилхушлик учун”, “вақт бекорга ўтмаслиги учун”, “ёқтириб, учрашиб юрса, бунинг нимаси ёмон”, деб жавоб берадилар. Албатта, этносоциологик тадқиқот ҳам, этнографик тадқиқот ҳам барча эркеклар бундай фикрламаслигини кўрсатади. Лекин бу аёлларни танишишда эркекларга нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, уларнинг ҳар бир гапига ишониб, ўзларини дарров умидвор қилмасликдан огоҳ этади. Шундай ҳолатлар ҳам борки, эркек киши ўзи билан яқиндан танишиб юрган аёлини севаман, деб ўйлайди, ҳатто уйланиш ниятида бўлади, аммо маълум бир вақт ўтгандан кейин ё ўзи севмаслигини тушуниб этади, ё ота-онаси барибир олиб бермаслигига аниқ ишонгандан

Человека нельзя узнать до конца. Однако для того, чтобы вступить в брак и создать крепкую семью, необходимо узнать друг о друге хотя бы немного, а для этого будущие супруги должны быть знакомы определённое время. Здесь большую роль играют добрачные свидания молодых. Добрачный процесс является одним из важнейших этапов в жизни человека, потому что определяет будущее брака.

В статье исследуются именно добрачные свидания молодых, которые имеют большое значение для брака и влияют на прочность семьи в будущем.

The man cannot be learned up to the end. However, to create a strong family, it is necessary to learn about each other even a little, and for this purpose the future spouses should know each other for a definite time. Early dates are of much importance. As, the process before marriage is one of major stages in the life of a person, because it defines the future of marriage.

The article investigates the problem of pre-marriage appointments of the youth, which is of great importance until marriage and influence stability of family in the future.

кейин қиз билан алоқани узади. Алоқани узиш икки хил йўл билан амалга ошади: бири, қиз билан очиқ гаплашган ҳолда, иккинчиси, секингина ҳеч нарса демасдан “йўқ” бўлиб кетиш орқали.

Психологларнинг тадқиқотига кўра¹⁷, оила қургунга қадар бир-бирларини бир ой ва ундан кам вақт билган эр-хотинлар миқдори ажрашиб кетган эр-хотинлар орасида кўпчиликни ташкил қилишини кўрсатди. Шунингдек, бир-бирларини оила қургунга қадар 5–10 йил ва ундан кўп вақт билишлари ҳам бўлажак эр-хотинларнинг ҳис-туйғулари “совишига” олиб келиши мумкин экан. Психологияга доир адабиётларда бўлажак эр-хотин сифатида бир-бирларини ярим йилдан бир йилгача билиш энг мақбул муддат деб кўрсатилади. Албатта, бу вақтни ҳам идеал вақт деб ҳисоблаб бўлмайди. Бу ерда муҳими ёшлар бир-бирларини қандай жадалликда, қандай мақсадда, қандай восита, усуллар ёрдамида ва қандай “кўз” билан ўрганишларидадир.

Демак, бирга турмуш қуриб, яхши яшаб кетиш учун лозим бўлган минимал маълумотларга эга бўлиш мақсадида бўлажак турмуш ўртоқлар бир-бирларини муайян вақт билиб олишлари керак. Бунда эса никоҳгача бўладиган учрашувнинг аҳамияти каттадир. Зеро, никоҳгача бўлган жараёнлар инсон ҳаётида энг муҳим босқичлардан бири бўлиб, унинг кейинги ҳаётини белгилаб берувчи омиллардан ҳисобланади.

Зиёдахон РАСУЛОВА,
ЎЗР ФА Тарих институти тадқиқотчиси.

¹⁴ Қаранг: Оила психологияси. Академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари учун / Шоумаров Ғ.Б. таҳр. ост. Т.: Шарқ, 2001. Б. 106.

¹⁵ Этносоциологик тадқиқот: Тошкент ш., 2007 й. Сўровнома 100 кишидан олинган, шуларнинг 58% аёллар, 42% эркеклардир. Ахборотчиларнинг ёши: аёллар – 19 – 68 гача; эркеклар – 20 – 59 гача. Ахборотчиларнинг ижтимоий аҳволи: ишчи (саноат) — 11%; хизматчи — 65%; нафақадор — 3 %; бошқа (талаба, уй бекаси, хунарыманд, талбиркор, савдогар) — 21%.

¹⁶ Дала маълумотлари: Тошкент ш., Шайхонтаҳур т., Ибн Сино мах., Ҳамза т., Элбек мах., 2007 й.

¹⁷ Оила психологияси... Б. 107.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ
ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ
ИЛМИЙ-ТАҲЛИЛИЙ АХБОРОТИ**

Мазкур нашр олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари, докторантлар, аспирантлар, илмий ходимлар, талабалар ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.
Илмий-таҳлилий ахборот нашри бир йилда тўрт марта чоп этилади.

ИЛМИЙ-ТАҲЛИЛИЙ АХБОРОТ

«Тошкент ислом университети»
нашриёт-матбаа бирлашмаси
Тошкент – 2009

Муҳаррирлар:

Б. Эралиев, С. Очилов

Бадий муҳаррир:

А. Қамбаров

Мусахҳих:

У. Инсонбоева

Дизайнер-саҳифаловчи:

И. Караджаев

Матн терувчилар:

С. Жўраева, М. Акбарова

Босишга рухсат этилди 08.01.2010. Бичими 60x84%. Офсет усулда босилди.
Шартли босма табағи 7,44. Нашр табағи 7,40. Адади 500 нусха. Буюртма № 5.
Шартнома № 01–07–09. Баҳоси шартнома асосида.

**«Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси
босмахонасида чоп этилди.**

100011, Тошкент. А.Қодирий кўчаси, 11.
